

**ДИЛАФРЎЗ МУҲАММАДИЕВА**



**«БОБУРНОМА»**  
ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛарнинг қиёсий  
ТАДКИКИ

АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ  
УНИВЕРСИТЕТИ

ДИЛАФРЎЗ МУҲАММАДИЕВА

**«БОБУРНОМА»  
ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ  
ТАДҚИҚИ**

ТОШКЕНТ  
“ТАФАККУР ЧАМАНЗОРИ”  
2021

**УЎК: 821.512.133.09-1**

**КБК 83.3(5Ў)**

**М 93**

Ушбу монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кенгашининг 2021 йил 29-ноябрдаги 8-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

**Мұхаммадиева Дилафрўз**

«Бобурнома» туркча таржимасидаги паремияларнинг қиёсий тадқиқи [Матн]: монография / Д. Мұхаммадиева. – Тошкент: Тафаккур чаманзори, 2021. – 164 б.

**Масъул мұхаррир:**

Филология фанлари доктори, профессор  
Зулхумор Холманова

**Тақризчилар:**

Филология фанлари доктори, профессор  
Бахтиёр Абдушукуров

Филология фанлари доктори, профессор  
Райма Ширинова

Филология фанлари доктори, профессор  
Нельматилла Отажонов

**УЎК: 821.512.133.09-1**

**КБК 83.3(5Ў)**

ISBN-978-9943-6056-5-7

© “Дилафрўз Мұхаммадиева”, 2021.

© “Тафаккур чаманзори”, 2021.

\* \* \*

**Аннотация** Дунё илм-фани ривожида Бобур асарларининг илмий аҳамиятини асослаш, жумладан, «Бобурнома» таржималарини қиёсий аспектда таҳлил қилиш, айникса, ундаги тил бирликларининг таржимада қандай ифодаланиши масалаларини ўрганиш борасида катор тадқикотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқикотда «Бобурнома» таржима матнларида қўлланилган паремияларни аниқлаш, уларнинг маъно хусусиятларини ўрганиш, статистикасини ишлаб чиқиш ва гурухлаштириш, турк тилидаги таржимасини қиёсий планда ўрганиб чиқиш, унда кўлланилган паремияларнинг таржимадаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, лингвокультурологик аҳамиятли мақол ва фраземаларни тасниф ва таҳлил этиш масалалари ёритилган. Асарнинг туркча таржимасидаги паремияларни ўзбекча матн билан структур-семантик жиҳатдан қиёслаш орқали таржима назарияси ва амалиёти жараённида бадиий асар таржимасига кўйиладиган тамойилларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

\* \* \*

**Аннотация** В развитии мировой науки на основе научного значения работ Бабура проводится ряд исследований, в том числе анализ переводов «Бабурнаме» в сравнительном аспекте, особенно по изучению вопросов о том, как в нем выражались языковые единицы. В данном исследовании рассматриваются такие вопросы, как определение паремий, используемых в переводных текстах «Бабурнаме»; изучение их значимых характеристик, разработка и группирование их статистики, изучение их переводов на тюркский язык в сравнительном плане, определение сходных и отличительных черт в переводе используемых в нем паремий; выделены классификация и анализ пословиц и фразеологизмов лингвокультурного значения. Паремии в тюркских переводах работы послужили развитию принципов литературных произведений в процессе теории и практики перевода путем сравнения с узбекскими текстами со структурной и семантической точки зрения.

\* \* \*

**Annotation** In the development of world science, a number of investigations are carried out on the base of scientific importance of Babur's works including analyzing translations of «Baburname» in a comparative aspect, especially on studying the questions of how the linguistic units in it were expressed. In this investigations such questions as determining paremias used in the translation texts of «Baburname»; studying their meaningful features, working out and grouping their statistics, studying their translations in Turkic language in a comparative plan, determining the similar and differential features in the translation of paremias used in it; classification and analysis of proverbs and phrasemes of linguocultural importance were highlighted. Paremias in Turkic translations of the work served to develop the principles of literary works in the process of translation theory and practice by comparing to Uzbek texts by structural and semantic point of view.

## МУНДАРИЖА

СҮЗБОШИ.....	5
КИРИШ.....	9
 <b>I БОБ. «БОБУРНОМА» ТАРЖИМАЛАРИДА ПАРЕМИЯЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ</b>	
1 §. «Бобурнома»нинг Европа тилларида таржималари.....	21
2 §. «Бобурнома»нинг Осиё тиллардаги таржималарида паремияларнинг акс этиши .....	47
3 §. «Бобурнома»нинг туркча таржимаси тавсифи ва асар матнидаги паремияларнинг статистик таҳлили.....	52
 <b>II БОБ. «БОБУРНОМА»ДАГИ МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАР ТАРЖИМАСИННИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ</b>	
1 §. Паремиология ва паремиялар тавсифи .....	64
2 §. «Бобурнома»даги паремиялар таснифи .....	75
3 §. «Бобурнома»даги мақол ва маталларни таржима қилиш тамойиллари.....	86
 <b>III БОБ. «БОБУРНОМА»ДАГИ ФРАЗЕМАЛАР ТАРЖИМАСИННИНГ СТРУКТУР-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ</b>	
1 §. Таржимада фраземалар хусусиятига асосланиш тамойили .....	102
2 §. «Бобурнома»даги фраземаларнинг структур- семантик хусусиятлари.....	109
3 §. Таржима матнда сақланиб қолган фраземалар .....	125
4 §. Муқобилига алмаштирилган фраземалар.....	136
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР .....	149
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ..	152

## Сўзбоши

«Бобурнома» дунё илм аҳли томонидан тилшунослик, адабиётшунослик йўналишларида, географик ва тарихий аспектларда ўрганилган. Асар бир неча тилларга таржима қилинганд. Қирқдан ортиқ миллат «Бобурнома»ни ўз она тилида мутолаа қилмоқда. «Бобурнома» матнининг ҳали ўрганилиши лозим бўлган қирралари жуда кўп. Асар матнининг морфологик хусусиятлари, лингвопрагматик жиҳатлари монографик планда ўрганилиши керак. «Бобурнома» матни энциклопедик характерда бўлиб, сейсмология, физика, биология, зоология, ботаника, тиббиёт соҳаларига оид тушунчалар тадқиқи долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбек филологияси илмида «Бобурнома»га бағишлиланган ўнга яқин диссертация ҳимоя қилинганд. Асарнинг инглизча таржималари матнига бағишлиланган тадқиқотлар ҳам мавжуд.

Таржима – мураккаб жараён. Таржимашунослик ривожи тил тараққиётининг бир қирраси сифатида намоён бўлмоқда. Маданиятларро фарқли белгилар таржима жараёнида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Турли типдаги тилларга оид таржималар ўзаро фарқли жиҳатларни ёритишга хизмат қиласди.

Қардош тилларга оид таржималар юзасидан тадқиқот олиб бориш ўзига хос аҳамиятга эга. Аввало, тилларнинг умумтараққиёт босқичига хос хусусиятлари билан специфик тараққиётига хос жиҳатларни ажратиш имкони туғилади. Бундай тадқиқотлар умуммаданий қадриятларга эга бўлган тилларда фарқли белгиларнинг юзага келиш омиллари, сабаблари ҳақида маълумот беради.

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори Дилафуз Муҳаммадиеванинг монографик тадқиқоти «Бобурнома» туркча таржимасидаги паремияларнинг қиёсий тадқиқига бағишиланган.

Тилшунослик илмида паремиялар ҳар хил таърифланган, паремиялар таснифига ҳар хил ёндашилган бўлиб, тадқиқотчи ўз позициясини маълум қилиш мақсадида уларга тўхталган. Дилафруз Мұхаммадиева паремияларнинг мавжуд таърифлари, таснифларини келтириб, профессор Абдуҳамид Нурмонов таснифига асосланади ҳамда паремиялар сифатида мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар ва фразеамаларни таҳлил қиласди.

Монография муаллифи «Бобурнома» юзасидан амалга оширилган таржималарнинг мақсади, мазмунидан келиб чиқиб ёндашган. Маълумки, «Бобурнома», даставвал, сиёсий, ижтимоий мақсадларда таржима қилинган. Тадқиқотчи таржима жараёнида ана шу мақсаднинг ифодаланиши нуқтаи назаридан таҳлил қиласди. «Бобурнома»нинг туркча таржимаси мақсади, амалга ошириш тартиби жиҳатидан бошқа таржималар билан қандай умумий ва фарқли жиҳатларга эга эканлигини ёритиш учун ҳам асар таржималари тавсифида тўхталиш лозим. Таржима тамойиллари, реалия, лакуналар таржимасига ёндашув масаласини ёритиш учун ҳам бошқа таржималардаги тамойилларга мурожаат этиш зарурати туғилади.

Монографияда бошқа тадқиқотларда қайд этилмаган маълумотлар келтирилган. Жумладан, «Бобурнома»га оид бошқа тадқиқотларда асарнинг туркологиядаги таржималарига тизимли равища ёндашилмаган. Айримларида туркий тиллардаги таржима тилга ҳам олинмаган. Дилафрўз Мұхаммадиева монографиясида озарбайжонча, қозоқча таржималар ҳақида кенг маълумот берилган. Мазкур монография туркологияда «Бобурнома» таржимашунослигини алоҳида йўналиш сифатида таъкидлашга хизмат қиласди.

Монографияда «Бобурнома»даги мақол ва маталлар таржимасининг семантик таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган. «Бобурнома»даги пареми-

ялар таснифланган, статистик, семантик таҳлили амалга оширилган. Мақол ва маталларни таржима қилиш тамойиллари баён қилинган, фраземалар таржимасининг структур-семантик таҳлили келтирилган. «Бобурнома»даги фраземалар ҳамда уларнинг таржима матннадаги семантикаси масалалари таҳлил қилинган.

Д.Мұхаммадиева таржимада фраземалар хусусиятига асосланиш тамойилига батағсил тұхталған. Фраземаларнинг табиати, ўзига хослиги ёритилған. Таржима жараёнида фраземаларнинг структур жиҳатдан икки ёки ундан ортиқ сүздан иборат бўлиши, барқарорлик хусусиятига эгалиги, яхлит бир кўчма маънони ифодалашига эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган. Маҳоратли таржимонлар фраземалар яхлит бир маънони ифодалаши нуқтаи назаридан ёндашдилар. Тадқиқотчи фраземалар хусусиятини ёритишида ана шу масалага эътиборини қаратган.

«Бобурнома»даги фраземаларнинг структур-грамматик хусусиятлари ҳам таҳлил қилинган. Бирикма, гап кўринишидаги фраземалар изоҳланган. Таржима жараёнида фраземаларнинг бир сўз билан ёки бирикма кўринишида ўгирилишига эътибор қаратилған. Фраземалар компонент анализ нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

«Бобурнома»да қўлланган фразема мазмунига кўра таснифланган. Таржима матнда асл ҳолатда сақланиб қолган фраземалар ажратилған, транслитерация усулининг афзалликлари тавсифланган. Фраземаларни айнан келтириш сабаблари баён қилинган. Бу ҳолатдаги ёндашув, аввало, ўзбек ва турк тилининг бир генетик асосга эга эканлиги, бир хил фразеологик ифодалар ҳар икки тилда қадимдан мавжуд бўлиб келаётгани билан белгиланади, айрим ўринларда мазкур фразема семантикасини акс эттириш учун муқобил вариант топилмагани билан изоҳланган.

Муқобилига алмаштирилган фраземаларни изоҳлаш жараёнида фраземалар таржимасидаги муваффақиятли ҳамда баҳсли ўринлар ҳақида фикр юритилган.

Тадқиқотчининг муваффақияти тилни шунчақи муроқот воситаси сифатида эмас, балки уни семантик имкониятлари, маъно ифодалаш хусусиятлари жиҳатидан ўрганганида, англаганида, лингвистик компетенция талабларига мос ўзлаштирганида намоён бўлади. Зеро, таржима матнни таҳлил қилиш, уни аслият билан таққослаш, мазмунни ифодалашдаги ютуқва нуқсонларни кўра билиш тадқиқотидан алоҳида тил билимини талаб қиласди.

Шунингдек, монография «Бобурнома» матнининг семантик, прагмалингвистик, социолингвистик аспектдаги тадқиқига оид муҳим метериал вазифасини ўтайди.

**Зулхумор Холманова**

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори**

«БОБУРНОМА» ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛарНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ  
**КИРИШ**

---

Жаҳон илм-фани тараққиёти, хусусан, тилшүнослик соҳасида Захириддин Муҳаммад Бобур асарларининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Хусусан, «Бобурнома» XVI асргача бўлган ижтимоий-сиёсий тушунчаларни қамраб олган, барча соҳаларда қимматли маълумотлар берувчи, ўзбек халқининг жаҳондаги бошқа миллатлар билан адабий-маданий алоқалари тарихини ёритишга хизмат қиласидиган ноёб манбадир. Дунёнинг ўттизга яқин тилига таржима қилиниши асарнинг теран мазмуни, таъсирчан услуги ҳамда энциклопедик характеристи билан белгиланади. Бобур асарларининг тил хусусиятларини илмий тадқиқ этиш, хусусан, «Бобурнома» таржималарида қўлланилган паремик бирликларни қиёсий планда ўрганиш таржимашуносликда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунё илм-фани ривожида Бобур асарларининг илмий аҳамиятини асослаш, жумладан, «Бобурнома» таржималарини қиёсий аспектда таҳлил қилиш, айниқса, ундаги тил бирликларининг таржимада қандай ифодаланиши масалаларини ўрганиш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. «Бобурнома» таржима матнларида қўлланилган паремияларни аниқлаш, уларнинг маъно хусусиятларини ўрганиш, статистикасини ишлаб чиқиш ва гуруҳлаштириш масаласида турлича ёндашувлар кўзга ташланади. Асарнинг туркча таржимасидаги паремияларни ўзбекча матн билан структур-семантик жиҳатдан қиёслаш орқали таржима назарияси ва амалиёти жараёнида бадиий асар таржимасига қўйиладиган тамойилларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда бугун буюк аждодларимиз меросига қаратилаётган эътибор, улардан қолган бой илмий-адабий меросни тадқиқ этиш ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этмоқда. Давлатимиз

раҳбарининг шахсан ташаббуслари билан улуғ шоир шахсига бўлган ҳурмат ва эътибор янада юксалди. Бунинг биргина мисолини Бобур номидаги ҳалқаро жамоат фонди томонидан кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам айтиш мумкин. Масалан, кейинги йилларда «Заҳириддин Мұхаммад Бобур энциклопедияси»нинг (2014, 2016) нашр этилгани, ҳатто унинг уч тилда китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётгани, шунингдек, олти томдан иборат «Бобур кулиёти»нинг дунё юзини кўргани(2021), қатор қўлёзмаларининг хорижий мамлакатлардан олиб келингани ва улар асосида ўнлаб қимматли асарлар битилгани ва ёзилаётгани, ёки ҳазрат Бобур ҳақида қўплаб бадиий ва ҳужжатли фильмлар, қатор телевизион давра сухбатларининг тасвирга олиниб, кенг омма эътиборига намойиш этилаётгани, ўйлаймизки, Бобур ҳалқаро жамоат фонди томонидан қилинаётган ишларнинг кўламни кўрсатиб беради.

Президентимиз таъбири билан айтганда, «Биз боболаримиз меросини қанча кўп ўргансак, бугуниги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо меросимизни қанча фаол тарғиб этсақ, ҳалқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади»<sup>1</sup>. Шу боис ҳам юртимида кейинги йилларда аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этишга катта аҳамият берилмоқда. Ушбу стратегик вазифалар таржимашунослик йўналишида, айниқса, «Бобурнома» каби ўзбек мумтоз адабиёти манбаларининг хорижий тилларга қилинган нашрларини структур-семантик жиҳатдан тадқиқ этиш борасида қатор изланишлар олиб боришни тақазо этмоқда.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / Янги Ўзбекистон. – Тошкент, 2020. 30-декабрь.

«Бобурнома» таржималарининг тил хусусиятлари, таржимада мутаржим маҳорати, айниқса, миллий менталитетга хос лексик бирликларни қиёсий таҳлил қилишга доир тадқиқот ишлари ҳақида сўз боргандага Ф. Саломов, Н. Отажонов, С. Ҳасанов, М. Холбеков, Л. Хўжаева, Ф. Хўжаев, С. Шукруллаева, Ф. Салимова, А. Иброҳимов, Р. Каримов, М. Собиров, З. Холманова, Р. Ширинова, Ш. Ҳайитов, З. Тешабоева каби олимларнинг тадқиқотларини қайд этиш лозим<sup>2</sup>.

«Бобурнома» нафақат тарихий асар, балки унда ўша даврдаги бир қатор фанлар – жўғрофия, наборот, ҳайвонот, этнография, ҳарбий усул ва бошқалар

<sup>2</sup> Саломов Ф., Отажонов Н. Жаҳонгашта Бобурнома. – Тошкент, 1996; Холбеков М. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в аспекте перевода, критики и восприятия). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1991; Отажонов Н. Бадий таржима ва илмий шарх. Филол. фан ном. ... дисс. – Тошкент, 1978; ўша муаллиф. «Бобурнома» жаҳон адабий жараённида. Филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1994; Шукруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия «Бабурнаме» в его английских переводах. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989; Ходжаева Л. Проблемы перевода: характер, стиль и интерпретация текста «Бабурнаме». Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Андижан, 1985; Ходжаев Г. Воссоздание художественно-стилистического своеобразия произведений узбекской литературы в переводе на немецкий язык. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985; Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики Восточно-туркского словаря Паве де Куртейля и переводов «Бабурнаме». дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1997; Иброҳимов А. «Бобурнома»даги ҳиндча сўзлар тадқики. Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2001; Собиров М. «Бобурнома»нинг инглизча таржималарида муаллиф услуги ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари (Лейден-Эрскин, Бевериж ва Текстон таржималарининг қиёсий таҳлили асосида). Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2002; Каримов Р. «Бобурнома»даги шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили. Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2003. Холманова З. «Бобурнома» лексикаси тадқики. Филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2009; Ширинова Р. Х. Олам миллий манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши. Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017., Тешабоева З. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридағи фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Фал.фан. филол. фан док. ... дисс. – Тошкент, 2017;

ҳақидағи билимлар ҳам ўз ифодасини топган. Бобур тоғ ва далалар, күл-дарёлар, хилма-хил ўсимликлар, ҳар хил ҳайвонлар, турли ҳудуд ва минтақаларнинг ер ости ва ер усти бойликлари, у ерда яшайдиган халқларнинг урф-одати, тили, адабиёти, санъати, айрим сўзларнинг келиб чиқиши кабиларга ҳам батафсил тўхталади. Шу боис, ҳам «Бобурнома»ни олимлар илмий нуқтаи назардан тадқиқ этишга қизиқишиади. Бугунга қадар асарни илмий ўрганиш бўйича қатор ишлар амалга оширилган.

«Бобурнома» юзасидан олиб борилган тилшунослика оид тадқиқотларни икки гурухга бўлиб таҳлил қилишимиз мумкин:

1. «Бобурнома»даги бирон соҳа тадқиқот объекти қилиб олинган илмий ишлар.

Ҳ.Назарова «Заҳириддин Мұхаммад Бобир асарлари учун қисқача луғат»<sup>3</sup> тузган, М.Собиров<sup>4</sup> матнда кўзда тутилган маъно, уни тўғри тушуниш ва қай даражада тўғри ёритишни таҳлил этган бўлса, З.Холманова<sup>5</sup> «Бобурнома»нинг лексикасини ўрганганди.

2. «Бобурнома»нинг таржималари қиёсига бағишлиланган илмий тадқиқотлар.

Бундай илмий ишларда «Бобурнома» таржималари у ёки бу филологик мақсад ва муаммо нуқтаи назаридан тадқиқ этилган бўлиб, ушбу тадқиқотларда асарнинг мазмуни, муайян парчанинг маъноси хорижий бирор-бир тилда қандай акс эттирилгани илмий ўрганилгани кузатилади. Хусусан,

---

<sup>3</sup> Назарова Ҳ. Захириддин Мұхаммад Бобир асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1972.

<sup>4</sup> Собиров М. «Бобурнома»нинг инглизча таржималарида муаллиф услуги ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари (Лейден-Эрскин, Беверик ва Текстон таржималарининг қиёсий таҳлили асосида). Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2002.

<sup>5</sup> Холманова З. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи. Филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2009.

«БОБУРНОМА» ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛарнинг Қиёсий тадқики

Н.Отажонов<sup>6</sup> ва Шукуруллаева<sup>7</sup>лар ўз ишларида «Бобурнома»нинг инглизча таржималарини тадқиқ этган, Л.Хўжаева<sup>8</sup> диссертациясида айни масалалар асарнинг русча таржимаси мисолида, Ф.Хўжаев<sup>9</sup> тадқиқотида эса асарнинг олмон тилидаги таржимаси асосий манба қилиб олинган. Ф.Салимова<sup>10</sup> таржимада луғат масаласи ҳамда асарнинг французча таржимасини тадқиқ этган, А. Иброҳимов<sup>11</sup> «Бобурнома»нинг ҳиндча таржималарини тадқиқ этган, Р. Каримов<sup>12</sup> «Бобурнома»даги шеърий таржималар муаммоси билан шуғулланган, З. Тешабоева<sup>13</sup> «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий жиҳатларини ўрганганди.

Турк олимларининг ушбу йўналишдаги ишлари ҳам бу борада ўзига хос ҳисобланади. Туркияда дастлаб, Ф.Кўпрулу, Р.Арат, Ҳ.Бойир «Бобурнома» ва унинг яратувчисига хос жозиба сири ҳақида сўз юритади. Тарихчи олим Ҳ.Бойир «Бобурнома»га

<sup>6</sup> Отажонов Н. Бадиий таржима ва илмий шарх. Филол. фан ном. ... дисс. – Тошкент, 1978; ўша муаллиф. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнинида. Филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1994.

<sup>7</sup> Шукруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия «Бабурнаме» в его английских переводах. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989.

<sup>8</sup> Ходжаева Л. Проблемы перевода: характер, стиль и интерпретация текста «Бабурнаме». Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Андижан, 1985.

<sup>9</sup> Ходжаев Г. Воссоздание художественно-стилистического своеобразия произведений узбекской литературы в переводе на немецкий язык. Автореф. дисс ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985.

<sup>10</sup> Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики Восточно-туркского словаря Паве де Куртейля и переводов «Бабурнаме». ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1997.

<sup>11</sup> Иброҳимов А. «Бобурнома»даги ҳиндча сўзлар тадқики. Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2001.

<sup>12</sup> Каримов Р. «Бобурнома»даги шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили. Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2003.

<sup>13</sup> Тешабоева З. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари. Фал. филол. фан док. ... дисс. – Тошкент, 2017.

таянған ҳолда «Хиндистон тарихи» номли асар ёзған<sup>14</sup>.

Ф.Құпрулу, Р.Р.Арат, Ҳ.Бойирнинг «Бобурнома» юзасидан олиб борган тадқиқотлари түрк адабиетида кейинги фундаментал ишларнинг яратилишига асос бўлди. Сўнгги йилларда кўплаб илмий мақолалар, йирик монографик асарлар, илмий тадқиқотлар ёзилган.

XX асарнинг 90-йилларига келиб шоир ижоди юзасидан ўнлаб мавзуларда номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди<sup>15</sup>.

Түрк олимаси Эсра Чорбажи (Esra Çorbacı)нинг «Babürname'de sıfatlar»<sup>16</sup> мавзусидаги докторлик ишида сифат сўз турқуминининг «Бобурнома»да қўлланилишини ўрганган. Ишнинг кириш қисмида Бобур ва унинг даври, асарлари ва уларнинг ўрганилиши ҳақида батафсил тўхталади. Муаллиф «Бобурнома» тил тарихини ўрганишимиз учун энг маъқул манбадир дейди.

Эсра Чорбажи ўз ишида асардаги сифатларни отга хос сифатлар (*isim soylu sıfatlar*), феълга хос сифатлар (*fiil soylu sıfatlar*), бирикма ҳолидаги сифат-

<sup>14</sup> Хайитов Ш. «Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши (ўзбекча-туркча манбалар қиёсий тахлили). Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Тошкент, 2018. –Б.81.

<sup>15</sup> Esra Çorbacı, Babürname'de sıfatlar, Yüksek lisans tezi, Aydin-2012; Mesut ŞEN. Gazi Zahirüddin Muhammed Babür – Babürname, Giriş-Metin (Kabil ve Hindistan bölümleri), Açıklamalı Dizin, –İstanbul-1993. (Marmara Üniversitesi Türkçay Araştırmaları Enstitüsü, basılmış doktora tezi); Mehmet Turgut Berbercan. Babür'un Hatıratında Geçen Hayvan Adları ve bunların Türk Dili Açısından Değerlendirilmesi, İÜ Sosyal Bil. Enst. Türk Dili ve Edebiyatı Anabilim Dalı, Yüksek Lisans tezi, – İstanbul, 2008; Murat Yurdakük. «Babürşah eserleridı tibbiyatga ait bilgiler» Çocuk sağlığı dergisi, C.50, – Б.73-77. 2010; Husayın Baydemir.«Babürname»de fol'klorizm ve etnografic unsurlar», Atatürk üniversitesi, 2010. Bilkan, Doç. Dr. Ali Fuat, «Divan ve Babürname Işığında Babür'ün Hindistan Hayatı», Bilig, Bahar 2002 (2002-1). Ceylan, Nimet, «Gazi Zahirüddin Muhammed Bâbur Mirza'nın Eserlerindeki Ekilemeler», Yüksek Lisans Tezi, Danışman: Deniz Abik, Çukurova Üniversitesi SBE, TDE Anabilim Dalı, Adana, 2009.

<sup>16</sup>

лар (*kelime grubu halindeki sıfatlar*) каби турларга бў-  
либ ўрганади.

Хусусият (*niteleme*) и белги (*belirtme*) ифодалаш-  
шига қўра сифатларни хусусият (*niteleme*), белги  
(*belirtme*), ишора ( *işaret*), ўлчов ва миқдор (*ölçte ve  
miktar*), сон (*sayı*), замон (*zaman*), сўроқ (*soru*) сифат-  
лари каби турларга бўлиб, батафсил ўрганади.

Турк олимни М.Шеннинг диссертациясиага асосий  
манба этиб «Бобурнома»нинг Кобул ҳамда Ҳин-  
дистон бўлимлари олинган. Муаллиф «Кириш»  
қисмдан сўнг Кобул ва Ҳиндистон бўлимларининг  
транскрипцияли матнини беради. Тадқиқотнинг  
охирги бўлимида изоҳлар қисми ўрин олган ва унда  
асар таржималари ва библиографик маълумотлар  
тақдим этилади. Тадқиқотдаги изоҳлар кўрсаткичи  
Р.Арат таржимасидаги услугга ўхшаш тарзда ифода  
етилади.

М.Тургутнинг «Бобурнома»да ҳайвонлар ва ов-  
чилик» деб номланган монографиясида «Бобур-  
нома»да келтирилган ҳайвонот олами ва уларнинг  
ўзига хос хусусиятларига кенг изоҳ берилади. Олим  
Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон ўлкасига оид  
жонзорлар таснифини беради. М.Тургут моногра-  
фиясида асарда жами 147 та ҳайвон номи борлиги  
айтади. Ҳар бир ҳайвон номи батафсил таҳлил эти-  
лади.

Дарҳақиқат, «Бобурнома»да ҳайвонот ва наботот  
олами кенг ёритилган. Муаллиф асосан, Ҳиндистон  
бўлимида ҳайвонларни маълум белгилари асоси-  
да таснифлаб, батафсил маълумот беришга ҳара-  
кат қиласиди. Бунга сабаб, балки бу жониворларнинг  
Бобур учун ҳам янгилигидир. Аввалги бўлимларда  
ҳам муаллиф ҳайвонот ва наботот оламига тўхта-  
лади, аммо баъзан уларнинг номини айтиб ўтиш  
билан, баъзан ҳайвоннинг муҳим ёки эътиборга мо-  
лик жиҳати бўлган ўринларда қисқа таъриф бериш  
билан чекланади. Бу асардан Ҳиндистон ва Афғони-  
стон теварак-атрофидаги биз номларини эшитма-

ган ёки әшигтану күрмаган ўнлаб ёввойи (ҳаатий -фил, карк – каркидон, нилагов – отга ўхшаган жонивор, калаҳра – жайрон, бандар –маймун, гилаҳрий – сичқон каби), хонаки ҳайвонлар, қушлар (дуррож – қирғовул, пулпакор, чалсий – товуққа ўхшаш жонивор, шаҳмурғ – ўрдак, карча –қалдирғочга ўхшаш, ) ва ҳатто хилма-хил балиқлар (*шери оби, сейсор, хуки оби, гарийал, какка,*) ҳақида ўқиб ҳайратга тушамиз. М.Тургутнинг бобуршунослик соҳасига қўшган хизмати уларнинг номларини бир жойга тўплаб ўрганганилигидир.

«Бобурнома»да, шунингдек, қушлар ва балиқлар, уларнинг навлари, ранг-туслари, хатти-ҳаракатларидаги ҳайратомуз ҳолатлар хусусида ҳам бой маълумотлар берилган. М.Тургут навбатдаги бир мақоласида «Бобурнома»да овчиликка оид маълумотларга эътибор қаратади. У шундай ёзади: «Бобурнома»да «ҳалқа ови» ҳақида сўз юритилиб, ушбу ов усули жонли тарзда баён этилади. ...бундай ов усулида ҳайвонлар тор майдонга сиқиб борилиб, овчилардан иборат ҳалқа ичига олинган. Бу овда давлат ҳукмдори, амалдорлар ва қўшин зобитлари ҳам иштирок этишган. Бундай ов шаклини ўғузларда, сафавийларда ва мўғулларда учратиш мумкин. «Бобурнома»да бу ов шаклидан кўпроқ қуш ва қуруқлик ҳайвонларини овлашда фойдаланилгани қайд этилади. «Ҳалқа ови»(чарга ови)да ҳукмдор сифатида иштирок этган Бобур ўз асарида жонли тасвирлар билан баён этган»<sup>17</sup>.

Ҳажаттепа университети тиббиёт факультети педиатри, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мурад Юрдакўнинг «Бобурнома»нинг илмий тадқиқ этилишига қўшган ҳиссаси «Бобуршоҳнинг (1483-1530) буюк асари «Бобурнома»да тиббий билимлар» номли тадқиқотида ўз аксини топган. Про-

<sup>17</sup> Ҳайитов Ш. «Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши (ўзбекча-туркча манбалар қиёсий таҳлили). Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Тошкент, 2018. –Б. 75.

фессор М.Юрдақўқ ушбу тадқиқотини «Бобурнома»-нинг 2000 йилда амалга оширилган туркча нашри асосида олиб боради. Бу тадқиқотда олим асарнинг уч қисмида учрайдиган касаллик номларини батафсил таҳлил қилиб чиқади.

А) Фарғона (1493-1503) воқеаларидағи тиббиётга оид фикрлар: «...ҳатто чумчуқ ҳам безгак касалига йўлиқар экан...» (б. 7); «...Султон Али Мирзони Кўқ-саройга чақириб, кўзларига мил тортишди...» (б. 57); «...Менинг онам хасталанди. Жудаям оғир хасталик эди...» (б. 144-145).

Б) «Кобул(1505-1520)даги тиббиётта оид қарашлар: «...биринчи марта иситма (*träş*) бўлдим...» (б. 183); «...онам Кутлуқ Нигор хоним ҳасба марази (*sitma*) касаллигига чалинди. Қон олдилар, аммо таъсир этмади...»(б.190). «...Алишербек бир дафъа кулоқ оғриғи учун хотунлар каби бош боғлади...» (б. 280).

В) Ҳиндистон (1525-1529) воқеаларида тиббий билимлар: «...иситмам кўтарилди. Малҳамлар ичдим. ...Үйқусузликдан жуда изтироб чектим; «...таним қабарди, жуда изтироб чекдим. ...оғунинг заҳарини кесадиган малҳамлар ичдим» (б. 585-588).

Профессор М.Юрдақўқ «Бобурнома»да айтилган касаллик номлари ва тиббиётта оид кўплаб фикрларни шу тарзда келтиради ва уларни таҳлил этади. Шоирнинг тиббиёт соҳаси ривожига қўшган ҳиссасини далиллаб кўрсатади. Халқ табобати илмидан яхши хабардор бўлган Бобурнинг «Бобурнома»да ёзган кўпгина малҳамлари замонавий тиббиёт ривожи учун ҳам муҳим манба эканлигини қайд этади.

Ўзининг кўп йиллик илмий фаолиятини ўзбек адабиётини ўрганишга бахшида этган Ҳусайн Байдемирнинг «Бобурнома»да фольклоризм ва этнография унсурлари» мавзуидаги илмий тадқиқотида ўзбек, афғон ва ҳинд халқлари маданиятига хос турили хил урф-одатлар, анъана ва қадриялар ҳақида чуқур мулоҳаза юритилиб, уларнинг ҳар бири тавсиф ва таҳлил этилади.

«Бобурнома»да халқ әътиқоди тушунчаси, маҳалла-күй, қасаба-жой номларининг изоҳланиши, байрам, тўй, аза маросимлари ва халқ спорти ўйинлари ифода этилиши ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатлар илмий тадқиқ қилинади.

Бир сўз билан айтганда, бобуршунос олимларнинг юқорида тилга олинган асарларида «Бобурнома» таржималари у ёки бу филологик мақсад ва муаммо нуқтаи назаридан тадқиқ этилган бўлиб, ушбу тадқиқотларда асарнинг мазмуни, муайян парчанинг маъноси хорижий тилда қандай акс эттирилгани илмий жиҳатдан ўрганилган. Лекин шу пайтга қадар «Бобурнома» туркча таржимасининг тил хусусиятлари, хусусан, паремик бирликларнинг таржимада ифодаланишига доир маҳсус тадқиқот иши олиб борилмаган.

«Бобурнома»даги паремияларнинг туркча матнда қандай акс этганлигини аниқлаш, уларни таржима қилиш жараёнида миллий колоритнинг ифодаланиши, сўздаги шакл ва мазмун, асл матнни англаш, уни таржимада тўғри акс эттиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқотнинг мақсадидир.

Тадқиқот олдига қўйилган вазифалар қуйидаги лардан иборат:

«Бобурнома»даги паремияларнинг статистик кўрсаткичларини аниқлаш, паремияларни тавсифлаш, хусусиятларини ёритиш, таржима жараёнидаги ўзига хослик тамойилларини асослаш;

мақол, матал ва афоризмлар таржимасидаги ўзига хос жиҳатларни ўрганиш, таҳлил қилиш, таржимани асл бирламчи матн билан қиёслаш орқали таржимоннинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб бериш;

фраземаларни семантик ва структур жиҳатдан таҳлил қилиш, шакл ва мазмун мутаносиблигига эътибор қаратиш, семаларнинг таржимада акс этиш даражасини аниқлаш ва турк тилига таржима қилиш тамойилларини белгилаш;

«Бобурнома»нинг ўзбекча ва туркча матнининг хос хусусиятлари, жумладан, ушбу матнда келтирилган паремик бирликлар ҳақида илмий холосалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предметини «Бобурнома»нинг ўзбекча ва туркча матнида қўлланилган паремик бирликлар: мақол, мatal, афоризм ва фраземалар ҳамда уларнинг туркча матнда ифодаланиш семантик ва стилистик хусусиятлари ташкил этади. Ишда тавсифий, қиёсий-тарихий ва статистик таҳлил усусларидан фойдаланилган.

Тадқиқотда «Бобурнома» туркча нашрида келтирилган мақол, мatal, афоризм ва фраземаларнинг ўзбекча нашр билан қиёсланиши орқали сўзларни ноўрин қўллаш, асл матнни англамасликка доир лексик ва паремияларни услубий жиҳатдан нотўғри талқин қилиш каби стилистик-семантик хатолар аниқланган; замонавий турк тилида айнан мавжуд бўлган ва шакли ўзгартирилган фраземалар белгиланиб, ўзбекча матндаги мақол, мatal ва афоризмларнинг туркча таржимада транслитерация усулида таржима қилинганилиги кўрсатилган; паремик бирликларни таржима қилишда турк олимлари калькалаш ва сўзма-сўз таржима усусларидан кенг фойдалангани аниқланиб, ўзбек ва турк тилларидағи мақол, мatal ва фраземалар бошқа тиллардаги бирликлардан маъно ва мазмун, лексик, стилистик-семантик хусусиятига кўра фарқ қилиши далилланган; асар таржимасида паремияларни адекват акс эттиришда сохта эквивалентликни ҳосил қиласлик учун сўз, шакл ва маъно уйғуналигининг бирламчи аҳамиятга эгалиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материаллари ва холосаларидан «Тил тарихи», «Хозирги ўзбек тили», «Семантика», «Лингвокультурология» фанларини ўқитишида, «Бобурнома» таржималари ва уларда қўлланилган паремик бирикмалар ҳақида аниқ илмий холосалар

*Дилафрўз Мұхаммадиева*

---

чиқаришда, бадий асар таржимаси борасыда амал-  
га ошириладиган илмий изланишларда, маданият-  
лараро муносабатлар тадқиқіга доир диссертацион  
тадқиқотларда, олий ва ўрта маҳсус таълим жараё-  
нида талабаларга шоир ижодини ўргатишда, айник-  
са, асар таржимаси ва унда таржимон маҳоратини  
аниқлашга оид билимларнинг шаклланишига асос  
бўлиши билан белгиланади.

## I БОБ

### «БОБУРНОМА» ТАРЖИМАЛАРИДА ПАРЕМИЯЛарНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

#### 1§. «Бобурнома»нинг Европа тилларидағи таржималари

«Бобурнома» бадиий, тарихий, ёднома асар сифатида адабиётшунос, тарихчи, тилшунос каби 20 дан ортиқ соҳа мутахассисларига қимматли маълумот берувчи манбадир. «Бобурнома» яратилган даврдан бошлаб турли даврларда яшаб, турфа тилларда сўзлашган шарқшунослар диққатини ўзига тортиб келган.

«Бобурнома»нинг ўндан ортиқ қўлёзма нусхалари бор. «Бобурнома» борасида илмий тадқиқот олиб борган туркиялик олим Масъуд Шен ҳам асарнинг 10та қўлёзма нусхасини номма-ном санайди. Олимларимиз Н.Отажонов ва Д.Ҳошимова асарида «Бобурнома»нинг 15 та қўлёзма нусхаси бор эканлиги қайд этилади. Афсуски, ушбу нусхалар яроқсиз ҳолга келган ва тўлиқ эмасдир. «Бобурнома»нинг илмий нашрлари 1857 йилда Н.Ильминский томонидан эълон қилинган Қозон босмаси (Кир қўлёзмаси), ҳамда 1905 йилда А.Бевериж томонидан эълон қилинган Лондон нашри (Ҳайдаробод қўлёзмаси) асосида тайёрланган. Ўзбекистондаги ilk нашр профессор Фитрат томонидан (1928 йил асардан парчалар эълон қилиш орқали) бажарилган.

«Бобурнома»нинг сўнгги мукаммал илмий-танқидий матнлари япониялик олим Э.Мано (1995) ва С.Ҳасанов (2002) нашрлари ҳисобланади. «Бобурнома» таржима ва қўлёзмалари ҳақида Н.Отажонов ва Д.Ҳошимова ҳаммуаллифлигига нашр этилган «Бобурнома» шарқ элчиси» номли рисолада кенг маълумотлар берилган.

«Бобурнома»да Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон халқларининг тарихий, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, шу мамлакатлар географияси, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси түғрисида жуда кўп маълумотлар келтирилади. Асар ўз характеристери билан нафақат туркӣ тилдаги тарихнавислик – меъуарчиликда фавқулодда янги ҳодиса, балки Шарқ маданияти тарихида ҳам ажойиб янгилик, нодир адабий манба сифатида ардоқланган. Шу сабабли у XVI асрда ёқ бир неча марта форс тилига таржима қилинди, кейинчалик Европа тилларига бир неча марта нашр этилди, батафсил ўрганилди.

«Бобурнома» дунёнинг 18та тилига таржима қилинган ва 2та тилга (мажор-венгер ва туркман тиллари) таржима қилиш жараёнлари давом этмоқда.

### **«Бобурнома»нинг чет тилларига таржима қилиниши хронологияси:**

Таржима	Йил	Таржимон
Форс	Б о б у р ҳаётлигига 1586 1589	Шайх Зайн Пояндахон Абдурахимхон Байрамхон
Голланд	1705	Витсен (Фарғона қисми)
Немис	1810 1828 1980 2018	Юлиус фон Клапрот(Фарғона тасвири) А.Кайзер В.Штаммлер Хамид Далов
Француз	1824 1971 1969	Анри Жюл Клапрот(парчалар) Паве де Куртейл Баке Граммон
Инглиз	1826 1921 1996	Лейден-Эрскин А.Беверик В.Текстон
Турк	1940	Р.Р.Арат

**«БОБУРНОМА» ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛарНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

Рус	1948	А.Салье
Урду	1962	Мирза Мұхаммад Шерозий
	1991	Мирзо Насируддин Ҳайдар
Хинд	1974	Йүгжит Навалпурый
Үйғур	1992	Темур Хамит
Япон	1983-87	Эйже Мано
Қозоқ	1990	Байузак Кожабек
Хитой	1997	В.Жилай
Испан	2004	Мерсес Комас хоним
Форс-дариј	2007	Шафиқа Ёркин
Озарбайжон	2011	Рамиз Аскар
Араб	2008	Магда Салаҳ Маҳлүф
Мажор	2018дан	Бенедек Пері(тугалланмаган.)
Туркман	2018дан	Рахиммамат Куренов (тугалланмаган)

Ғарб олимлари «Бобурнома» билан дастлаб ана шу форсий нұсхалар орқали танишадилар. Европа шарқшунослари орасыда Витсен биринчи марта «Бобурнома» билан қизықиб, 1705 йилда асардаги Фарғона водийси географиясига оид тасвиirlарни таржима қилиб, Амстердамда нашр эттиради. Лекин ундан сал олдинроқ, 1697 йили француз шарқшуноси Бартоламе Эрбало Моленли «Шарқ кутубхонаси» қомусидаги «Бобур ёки Бабар» номли мақоласида Заҳириддин Мұхаммад Бобур ва Алишер Навоий ҳақида илк бор маълумот берган эди<sup>18</sup>.

Бироқ «Бобурнома»нинг Европадаги чинакам шұхрати роппа-роса юз йилдан кейин XIX аср бошлирида ёйилди. Бу ишда инглиз шарқшуносларининг хизмати катта бўлди. Улар асарни таржима қилиб, нашр эттиришдан ташқари, уни тадқиқ этиш, Бобур ҳаёти, шахсий қобилияtlари Европа тадқиқотчиларини ҳайратда қолдирган эди. Бобур сиймосида улар улкан саркарда, моҳир давлат арбоби, дилбар ва дилкаш инсонни кўрдилар.

<sup>18</sup> Тешабоева З. «Бобурнома»даги фразеологик бирликларнинг инглизча таржималари қиёсий таҳлили. –Тошкент, 2018. –Б.14.

### **«Бобурнома»нинг инглизча таржимаси.**

«Бобурнома»ни инглиз тилига биринчи марта Жон Лейден ва Вильям Эрскинлар бир-биридан бехабар ҳолда таржима қилғанлар. Эрскин форс адабиёти бўйича бир қанча тадқиқотлар муаллифи, Британия музейидаги кўпгина қўлёзмаларини тўплаган ва ўрганган атоқли шарқшунос эди, доктор Лейден эса форс тилидан ташқари яна эски ўзбек тилини ва ҳинд тилини ўзлаштирган билимдон шахс бўлган. Ҳар икки таржимон ҳам «Бобурнома» билан Ҳиндистонда танишганлар ва уни ўша ерда таржима қилишга киришганлар.

В.Эрскин Абдураҳимхоннинг форсий нусхаси асосида таржимани 1811 йилдан бошлаб, 1817 йилда охирига етказди. Бироқ Эрскин таржимани нашр эттиришга шошилмайди, бу орада у доктор Ж. Лейден ҳам «Бобурнома»ни инглизчага ўгирганини эшишиб қолади ва бу таржима билан танишишга ошиқади.

Ж.Лейден бевакт вафот этиб, таржима охирига етказилмай қолган. Эрскин Лейден таржимасини қўлга киритиб, солиштириб чиқиб, Лейден таржимасининг ўзиникидан катта фарқи борлигини аниқлади, зеро Лейден оригиналдан ўгирган эди. Эрскин таржималарни батафсил солиштириб, иш давомида контекстга мос келмайдиган жойларни тузатиб, пухталаб боради<sup>19</sup>. Шу орада у «Бобурнома»нинг туркий оригиналини Элфинстондан сўраб олади ва матннинг ҳаммасини солиштириб чиқишини ният қилади, чунки Лейден чигатой туркий тилини яқин орада ўргангандиги сабабли таржиманинг кўп жойларида хато жойлари бор эди. Шунинг учун ҳам Эрскин диққат ва эҳтиёткорлик билан туркий ва форсий вариантларни солиштириб чиқади. Таржимон «шундай қилиб, «Бобурнома»нинг қолган қисмини туркий оригинал, форсий таржима ва Элфинстон орқали жаноб Меткалфдан олган нус-

<sup>19</sup> Иброҳимов А.П. «Бобурнома» – буюк асар. – Тошкент, 2000. – Б. 14-17.

халар билан солишитириб, ишни охирига етказдим», – дейди<sup>20</sup>.

Шундай қилиб, В. Эрскин Ж.Лейден таржимасини қайта ишлаб чиқиб, ишни охирига етказади ва «Бобурнома» Лейден-Эрскин таржимаси номи билан 1926 йилда Лондонда чоп этилади. Муқаддимадан китобхон «Бобурнома»га оид қизиқарли материаллар, танқидий текст тузиш учун олиб бориладиган изланишлар, қадимий ишончли нусхалар, «Бобурнома» билан шуғулланган шарқшунос олимлар тўғрисида кенг маълумот олиш мумкин. Эрскин бу нодир асарни тиклашда кўп манбаларга суянган. Ҳофизхон Мұҳаммад Ҳошим, Ҳенри Рассел, Вилям Майл каби шарқшунос олимларнинг китобларидан, айниқса, Э. Давнинг «Бобурнинг ҳаёти» ва шарқшунос Жон Бриг берган маслаҳатларидан унумли фойдаланилган. Лекин асосий ёрдамни у тарихчи Элфинстондан олган. Шу тариқа у катта қийинчиликларни енгиб, бутун ақлу-заковатииини ишга солиб, «Бобурнома»нинг инглизча вариантини вужудга келтирди<sup>21</sup>.

Таржимада бир сўз семантикасининг таъсири натижасида мантиқий хато фикрлар ҳам юзага келиши мумкин. «Бобурнома»нинг инглизча таржималарини маҳсус тадқиқ этган Файбулла Саломов ва Неъматулла Отажонов ўзларининг «Жаҳонгашта «Бобурнома» асарида қўйидаги фикрларни айтишган: «Бобурнинг номидан инглиз таржимонлари Жон Лейден ва Вилям Эрскин ҳамда Люкас Уайт Кинг жаноблари имитатион, яъни тақлид сўзини кўллаб, таржимада буюк Навоийни Низомий Ганжавий ва Фаридуддин Атторнинг тақлидчисига айлантириб қўйишган. Анъанавий жавоб, жавобия, назира ёки татаббу сира ҳам тақлид эмас»<sup>22</sup>.

<sup>20</sup> Отажонов Н. Мукаммал нашр йўлида// Шарқ юлдузи, 1990, №10, –Б.143.

<sup>21</sup> Иброҳимов А. «Бобурнома»даги ҳинҷча сўзлар тадқиқи. Филол.фн.ном. дисс... –Тошкент, 2011. –Б.21.

<sup>22</sup> Саломов F., Отажонов Н. Жаҳонгашта «Бобурнома», –Тошкент, 1996. –Б. 362.

Гап шундаки, Бобур биргина ўринда тақлид иборасини ишлатган бўлса (яъни, фақат муншаот яратишда Навоийнинг Жомийга тақлид қилгани), таржимонлар ҳамма жойда Навоийни Низомий ва бошқа Шарқ адабларининг тақлидчиси сифатида талқин қилаверганлар. Оқибатда «Навоий – тақлидчи» деган гап Оврупога тарқалиб, Навоий учун тақдирга айланиб қолди ва «Навоийнинг Фарбдан ажралиб қолишидан кўра, бутун маърифатли Фарб ўзини Навоийдек улкан бир мутафаккирдан маҳрум этди»<sup>23</sup>.

Ж.Лейден ва У.Эрскин таржимаси 1921 йили Оксфорд университети нашриёти томонидан кўп жилдли қилиб, иккинчи марта чоп этилди. Мазкур нашрнинг фазилати шундаки, таржиманинг илмий аниқлигини таъминлаш учун ҳошияларда кўп миқдорда изоҳ ва шарҳлар берилган, китобдаги шеърларнинг кимга тааллуқли эканлиги ва қайси тилда ёзилгани ҳам кўрсатилган.

Ҳайдаробод шаҳридаги Саларжанг музейида «Бобурнома»нинг ўзбекча нусхаси асосида А.Бевериж 1905 йили «Бобурнома»нинг Ҳайдаробод нусхасини Лондонда факсимилье ҳолида чоп эттиради. (У 1971 йили Лондонда қайта нашр этилди). Мазкур нашр асарнинг яна кенгроқ оммалашувига сабаб бўлди<sup>24</sup>. Қўлёзмани синчиклаб ўрганиб чиққан Бевериж хоним уни таржима қилишга киришади ва ўн йил давомида қисмларга бўлиб-бўлиб чоп эттиради, 1921 йилда эса ушбу таржима яхлит китоб ҳолида нашр этилади. Бу «Бобурнома»нинг иккинчи тўлиқ таржимаси эди.

Лейден-Эрскин таржимасидан А.Бевериж таржимасининг сезиларли фарқи бор. Бунга, энг аввало, **орадаги вакт** (салкам бир аср) сабаб эди. Ўтган давр

<sup>23</sup> Саломов F., Отажонов Н. Жаҳонгашта «Бобурнома», –Тошкент, 1996. –Б. 360.

<sup>24</sup> «Бобурнома»нинг М.Салье амалга оширган русча таржимаси ҳамда П.Шамсиев ва С.Мирзаев тайёрлаган ўзбекча нашри (1960) А.Бевериж нашрига асосланган.

мобайнида Бобурмирзо ҳаёти ва ижоди, «Бобурнома» ҳақида маълумотлар анча бойиди, Бухоро нусхаси асосида Қозон босмаси юзага келди. Айни мана шу ўзгаришлар, табиийки, янги таржимада ўз аксими топди. Илмий изоҳларнинг мўллиги ва уларнинг ниҳоят даражада маълумотлилиги ушбу нашрнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

А.Бевериж таржимаси илмий таржимадир. Таржиманинг Кириш қисмида Бевериж «Бобурнома»нинг таржима қилиниши, Бобурмирзо ҳаёти ва ижоди, «Бобурнома» нинг номланиши каби қатор масалаларни тилга олади, айниқса, «Бобурнома»нинг кўллёзма нусхалари ҳақида батафсил маълумот беради. Китоб охирида киши исмлари, жўғрофий номлар, айрим сўзлар имлоси, маъноси ва этимологиясига бағищланган иловалар мавжуд, турли сўз ва атамалар кўрсаткичлари транскрипцияда берилган.

Бевериж таржимаси тўлиқлиги, илмий аниқлиги билан шарқшунослар эътирофига сазовор бўлган, кўп йиллар давомида ундан ишончли манба сифатида фойдаланиб келинди. Атоқли шарқшунос В.В.Бартольд «Бобурнома»нинг мазкур таржимасига тез-тез мурожаат қилганлиги, баъзи ўринларда ундаги айрим ноаниқликларни кўрсатиб ўтганлиги маълум. Масалан, Фарғона водийсидаги Кубо шахрининг номини Бевериж хоним Қабо (Кава) тарзида нотўғри ўқиганлигини, Эски Ахси шахрини «йўқолиб кетган» деб нотўғри хulosа берганлигини кўрсатиб ўтади. Дарҳақиқат, Бевериж таржимаси ҳам нуқсонлардан холи эмас. Хусусан, транскрипцияда чўзиқ «и», «э» ва дифтонг «ай» товушлари фарқланмаган, чалкаштирилиб юборилган. Масалан, «Эшик оға» *aishik agha*, Турди Бек *tardi-bek* тарзида берилган<sup>25</sup>.

Америкалик шарқшунос олим У Тэкстон ҳам Бевериж таржимасига танқидий муносабатда бўлади, бу таржима деярли сўзма-сўз таржима бўлган де-

<sup>25</sup> Отажонов Н. Мукаммал асар йўлида// Шарқ юлдузи, –Тошкент, 1990, №10, –Б. 143.

ган фикр билдиради. У Бевериж таржимасини Абдурәҳим Хони Хонон таржимасига ўхшатади, аммо унинг сўзма-сўз таржима қилишининг сабаби бутунлай бошқа эди дейди. Юз йиллар давомида турли асарлар форсийдан туркийга таржима қилинган ва бу хусусда етарли тажриба тўпланган бўлса-да, туркийдан форсийга таржима қилиш анъанаси ҳали шаклланмаган эди. Абдурәҳимхон ўзига таниш бўлган услуби, яъни Қуръони каримнинг форсий ёки туркийга қилинган таржима услубини танлаган. У таржималарда эса таржима қилинаётган тилнинг гап қурилишига эътибор берилмай, сўзма-сўз таржима қилинган эди. Текстоннинг фикрича, А.Беверижнинг таржимаси талабаларнинг ишига ўхшайди – барча сўзлар худди луғатдагининг ўзгинаси, туркий ва инглизча сўзларни айнан мос келтиришга ҳаракат қилинган<sup>26</sup>.

«Бобурнома»нинг Лейден-Эрскин таржимаси ва А.Бевериж таржимасини таққослаб ўрганиб чиққан профессор Н.Отажоновнинг фикрича, инглиз таржимонлари асарнинг ўзига хослиги, бадий хусусиятларини сақлаб қолишга интилганлар. У таржималарнинг тили ҳақида ҳам ўз фикрини билдиради: Лейден-Эрскин таржимасида услугуб атайлаб инглиз ўқувчисига тушунарли қилиб танлангандай, аксинча, Беверижнинг таржимаси қуруқроқ, илмий тилда битилган»<sup>27</sup>.

Қатор камчиликларига қарамай, Бевериж таржимаси даврий узилишлар мобайнида содир бўлган воқеаларни тиклаш учун ҳам хизмат қиласиди. Бунинг учун таржимон тарих, этнографияга оид 30дан ортиқ, ҳайвон ва ўсимликлар оламига оид 20га яқин, 15дан ортиқ луғат ҳамда бошқа манбаларни қиёслаб чиқади. Бобур Мирзонинг ҳарбий юришлар

---

<sup>26</sup> Иброҳимов А. «Бобурнома»да ҳиндча сўзлар тадқиқи» филол.фан..ном. ... дисс. –Тошкент, 2011. –Б.21.

<sup>27</sup> Иброҳимов А.П. «Бобурнома» – буюк асар. –Тошкент, 2000. –Б. 14-17.

рини тиклаш учун 40га яқин ишончли картографик обьектларни ўрганиб чиққан. Бу билан Бевериж хоним асарнинг матний, далилий жиҳатдан яхлитлигини тиклашга ҳаракат қилган<sup>28</sup>.

Бевериж таржимасидан 75 йилдан сўнг 1996 йилда профессор УТэкстон қаламига мансуб инглиз тилидаги учинчи тўлиқ таржима чоп этилди. Инглиз тилида иккита тўлиқ таржима мавжудлигига қарамасдан американлик шарқшуноснинг янги таржима-га қўл уришини илмий жасорат дейиш мумкин.

Нашр бошида, «Таржимон сўзбошиси» бўлиб, унда «Бобурнома»нинг матnlари, таржималари, Европада «Бобурнома»га бўлган қизиқиш кабилар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари «Бобурнома» воқеалари географик худуди, Чингизхонийлар ва Темурийлар тарихи тўғрисида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. Китоб охирида «Хронология», нотаниш атамалар луфати (глоссарий), батафсил библиография, киши исмлари ва жой номлари кўрсаткичлари берилган. Умаршайх Мирзо ва Юнусхоннинг шажаралари, бир қатор хариталар, расмлар ва рангли фотосуратлар нашрнинг қимматини анча оширган. Таржиманинг яна бир ниҳоятда муҳим хусусияти – унда кўпдан кўп, мукаммал ҳамда кенг маълумот берувчи изоҳларнинг берилганидир. Уларнинг сони 700га яқин<sup>29</sup>.

УТэкстоннинг мақсади «аслиятнинг хусусиятларини сақлаган ҳолда ҳозирги замон инглиз тилига таржима қилишдан иборат» бўлган. Таржимон Бевериж хоним каби сўзма-сўз таржима қилиш йўлидан бормайди, эркин таржима қилиб, асар руҳига путур етказмасликка ҳаракат.

«Бобурнома»нинг 1960 йилдаги нашри билан солиштиргандан УТэкстон таржимаси орқали бир қатор хато, камчиликлар ва ноаниқликларни – ай-

<sup>28</sup> Отажонов Н. Мукаммал нашр йўлида //Шарқ юлдузи, 1990, 10-сон, –Б.43.

<sup>29</sup> Иброҳимов А. «Бобурнома»да ҳиндча сўзлар тадқики». филол.фан. ном. ...дисс. –Тошкент, 2011. –Б.23.

рим сўз ва атамаларнинг имлосидан тортиб, айрим жумлаларнинг таржимасигача – бартараф этиш имконияти мавжудлиги маълум бўлади. Масалан, Ҳиндистон воқеалари баёнида «Дарвеш Али Юсуфни Ҳумоюн Санбалда қўюб эди»<sup>30</sup> деган жумла бор. Лекин Тэкстон таржимасида «Darvesh and Ali-Yusuf» дейилганки, гап бир киши ҳақида эмас, икки киши ҳақида кетаётганлиги маълум бўлади. Буни танқидий матн ҳам тасдиқлайди<sup>31</sup>. Ёки бошқа бир мисол, 1525-26-йил воқеалари баёнида қўйидаги жумла бор: «Султон Фиёсиддин филбон ва Султон Алоуддин Хилжийнинг мақбара ва иморатлари...»<sup>32</sup>. Мазкур жумлани ўқиганда Султон Фиёсиддин филбон деган шахс Бобур подшоҳнинг филбони бўлса керак, – деган хуносага келиш мумкин. Лекин афсуски, бундай эмас, – бу ерда матнни араб ёзувидан табдил қилишда қўпол хатога йўл қўйилган ва Деҳлида хукмронлик қилган хукмдорнинг исми «Балбан»дан «филбон»га айланиб қолган, яъни асли «Султон Фиёсиддин Балбан»<sup>33</sup> бўлиши керак эди. Ушбу хато Тэкстон таржимасида тўғриланган. Юқоридагилардан маълум бўладики, УТэкстоннинг таржимаси фойдали, илмий нашрdir.

«Бобурнома» Р.М.Калдекот томонидан инглиз тилига қисқартириб таржима қилинди<sup>34</sup>. XX аср охирларида Ф.Ж.Талбот ҳам асарни таржима қилиб, суратлар билан нашр эттиради.

### **«Бобурнома»нинг французча таржимаси. Француз илм аҳлига Заҳириддин Мұхаммад Бобур**

<sup>30</sup> Отажонов Н. Муқаммал нашр йўлида/Шарқ юлдузи, 1990, №10, –Б.143.

<sup>31</sup> Иброҳимов А. «Бобурнома»да хиндча сўзлар тадқики». филол.фан.ном. ...дисс. –Тошкент, 2011. –Б.23.

<sup>32</sup> Отажонов Н., Ҳошимова Д. «Бобурнома» шарқ элчиси, –Тошкент, 2010.

<sup>33</sup> Тешабоева З. «Бобурнома»даги фразеологик бирликларнинг инглизча таржималари қиёсий таҳлили. –Тошкент, 2018. –Б.14.

<sup>34</sup> Собиров М. «Бобурнома»нинг инглизча таржималарида муаллиф услуги ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари. Филол.фан.ном. ...дис. –Тошкент, 2002.

ва «Бобурнома» ҳақида илк маълумот берган француз шарқшуноси Бартоламе д’Эрбало ҳисобланади. У ўзининг «Шарқ кутубхонаси» қомусидаги «Бобур ёки Бабар» мақоласида Бобурнинг ҳаёти, унинг давлати ва саркардалик маҳорати, адабиёт ва санъатга қизиқувчи илғор фикрли киши бўлганлиги ҳақида маълумот беради.

Француз шарқшунослигида Бобур ижодини ўрганиш, у ҳақида тадқиқотлар ёзиш XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. 1773 йилда шарқшунос А. Де Лонгперье ўзининг «Асарлар» тўпламида «Хатти Бобур ҳақинда» мақоласини эълон қилди<sup>35</sup>. XIX асрга келиб Европа, хусусан, француз шарқшунослигида Бобур меросини ўрганиш, унинг асарларини таржима қилиш борасида янги давр бошланди. Бу йилларда «Бобурнома»ни француз тилига таржима қилиш, унинг матн хусусиятларини ўрганиш, сиёсий-тариҳий аҳамиятини баҳолашда эътиборга молик ишлар қилинди.

«Бобурнома»ни француз тилига таржима ва тадқиқ қилишга Анри Жюл Клапрот биринчилардан бўлиб киришди. 1824 йил А.Клапротнинг «Султон Бобур ёхуд «Бобурнома» тарихига оид кузатишлар» номли мақоласи босилиб чиқади<sup>36</sup>. Марказий Осиё ва Сибирда яшаган халқлар тарихи, маданияти ва адабиётини яхши билган Клапрот Европа шарқшунослигида «Бобурнома» хусусида илк бор тўлақонли фикр юритган эди. Муаллиф «Бобурнома»нинг айрим бобларини француз тилига ўгериб, ўз таржималарини асл нусха билан қиёсий таҳлил қиласида асар матнининг лисоний жиҳатлари ҳақида холосалар чиқаради.

1854 йилда Парижда «Хозирги ва қадимда яшаган тарихий шахслар ҳаёти» номли катта китоб

<sup>35</sup> Хўжаев Ф. «Бобурнома»нинг немисча икки таржимаси// Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1979, №6, –Б.46.

<sup>36</sup> Раҳимов Х. «Бобурнома»нинг олмонча таржималарига бир назар «// Бобур ва дунё. –Тошкент, 2019, №1. –Б.15.

эълон қилинади. Мазкур китобдан шарқшунос М.Лангленинг «Заҳириддин Бобур ҳаёти ва ижоди» мақоласи ҳам ўрин олган эди. Мақолада Бобур ҳақидаги аввалги манбаларга нисбатан анча батафсил маълумот берилган эди.

XIX асрнинг 60-йилларида француз лексикографи Пер Ларуснинг «XIX аср француз қомусий луғати» нашр этилди. Луғатнинг 2-жилдидан ўрин олган «Заҳириддин Мұхаммад Бобур» мақоласи диққатга сазовордир<sup>37</sup>. Муаллиф «бу асар, дарҳақиқат, жуда қизиқарли бўлиб, ҳали Францияда деярли маълум эмас. Туркий-чиғатой тилида ёзилган бу китоб дастлаб форсийга таржима қилинди ва Ҳиндистон мусулмонлари орасида шуҳрат топди», – деб ёзади.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур меросини ўрганиш, «Бобурнома»ни таржима ва лисоний таржима қилишда француз туркологи Анри Паве де Куртейл (1821-1889)нинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Француз коллежи (Коллеге де Франсе) туркий тиллар кафедраси мудири, француз академияси аъзоси, Санкт-Петербург фанлар академияси мухбир аъзоси бўлган Паве де Куртейл ватани Францияда туркология илмининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Профессор А.Паве де Куртейлнинг олимлик фаолиятида у тузган «Шарқий-туркий тиллар луғати» ёхуд «Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва Абулғози Баҳодирхон асарларини ўқиши учун изоҳли луғат» алоҳида аҳамиятга молиқдир. Профессор А.Паве де Куртейлдаги бу катта тайёргарлик, эски ўзбек тили ва адабиётидан эгаллаган пухта билим уни «Бобурнома»ни таржима қилишга унданга эди. 1871 йилда «Бобурнома»нинг Паве де Куртейл таржимаси икки жилдда нашрдан чиқди. Биринчи жилдда таржимоннинг ўн олти саҳифалик сўз бошиси берилган. Унда «Бобурнома»нинг ёзилиш жараёни, китобда келтирилган воқеалар, Бобуршоҳнинг

<sup>37</sup> Раҳимов X. «Бобурнома»нинг олмонча таржималарига бир назар» // Бобур ва дунё, –Тошкент, 2019, №1. –Б.15.

Афғонистон ва Ҳиндистонда барпо этган қудратли империяси хусусида маълумотлар берилган.

Ғарблик айрим олимлар «Бобурнома»нинг яратилишини Бобур Ҳиндистонда хукмрон бўлган давр билан боғлайдилар. Француз таржимони бу ҳақда қуйидаги фикрни айтади: «Агар мендан «Бобурнома» қайси даврда ёзилган деб сўрасалар, мен китоб Бобур Ҳиндистонни забт этгандан сўнг, яъни 1526-йилдан бошлаб ёзилган ва Бобуршоҳ ҳаётининг охиригача давом этган, деб жавоб қиласадим». Профессор Паве де Куртейл бундай хуносага келишида, асарнинг дастлабки боблариданоқ Ҳиндистон даври воқеаларининг учраб туришини назарда тутган эди. Шундай қилиб, Паве де Куртейл Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг меросини Францияда ўрганиш ва тарғиб қилишда ўзининг юксак хизматлари билан катта ҳисса кўшди. «Бобурнома»нинг таржимони сифатида машҳур бўлди. Олим бошлаган бу таржимонлик иши жаҳон аҳлига манзур бўлди ва Бобур ҳаётини кўплаб олимлар томонидан доимий равишда ўрганилишига сабаб бўлди.

XX асрда ҳам француз шарқшунослари тарафидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини ўрганиш, «Бобурнома»ни таржима қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Француз адилларининг Бобур ҳаёти, ижоди ва «Бобурнома» китоби ҳақида умумий маълумот берувчи мақолалари кўпайди. 1930-йили француз олими Фернард Гренарднинг «Бобур. Ҳинд империясининг асосчиси» номли рисоласи нашр этилди. Китоб 10 бобдан иборат бўлиб, унда Бобурнинг болалик вақтидан то умрининг сўнгги даврига қадар бошидан кечирган воқеалар тарихий-бадиий асосда ҳикоя қилинган. Гренарднинг ушбу рисоласи «Бобурнома»га ҳамоҳанг бўлиб, ундаги воқеаларга монанд келувчи илмий-оммабоп очерклардан иборатдир.

«Бобурнома»нинг А.Ж.Клапрот, А.Лонгпере, М.Ланgle, А.Паве де Куртейл, Ф.Гренард, Баре-Грам-

мон каби тадқиқотчи ва таржимонлари Бобур мөроси тарихий-этнографик, библиографик ҳамда лингвистик жиҳатдан тавсиф қилиш билан Европада бобуршуносликнинг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

**«Бобурнома»нинг немисча таржимаси.** «Бобурнома»ни ўрганишда немис олимлари ҳам ҳисса қўшганлар. 1810 йилда шарқшунос, сайёҳ олим Юлиус фон Клапрот томонидан асардаги Фарғона водийси тасвири немис тилига таржима қилиниб, «Осиё адабиёти, тарихи ва тилшунослиги архиви» китобида Петербургда чоп этилади. Айтиб ўтиш лозимки, ўгирилган парчанинг ўзи ҳам тўлиқ ва мукаммал эмас эди<sup>38</sup>. Клапрот таржимаси асл туркй тилдан ўгирилган. Нашр «Сўзбоши»сида муаллиф шундай ёзади: «Бобурнома» ...турк-татар тилида ёзилган асар бўлиб, унда Ҳиндистонда мўғул империясининг асосчиси бўлган Бобур ўзининг юришлари ва кўрган кечирганлари ҳақида маълумот беради. ... Бобур ўғли Мирзо Мұхаммад Комрон Баҳодирга ёзган хатига қўра у бир асарни Ҳиндистондан Қандаҳорга юборган ва унда Фарғона вилоятининг тасвири берилган, ана шундан баъзи қизиқ жойларни олиб сизларга таржима қилиб беряпман». Ушбу маълумотдан маълум бўлишича, Клапротнинг қўлида «Бобурнома»нинг қайсиdir қўллёзма нусхаси ёки ундан бир парча мавжуд бўлган.

Клапрот таржимаси оригиналга сўзма-сўз мос келмайди, масалан, у «тўққиз тарнов сув кирав» (*немисчаси кк*) – шаҳарда тўққизта ҳовуз ва водопровод бор; «шаҳарнинг бирор жойидан ҳам чиқиб кетмайди» – ҳаммасининг манбайи бир жойда; «қирғовул» – лочин, бургут; «кузлар эл безгак бўлур» – кўз касалликлари; тарзида нотўғри таржима қилиб, аслиятдан йироқлашган. Таржимада биргина сўзнинг нотўғри берилиши натижасида китобхон бир

<sup>38</sup> Хўжаев F. «Бобурнома»нинг немисча икки таржимаси //Ўзбек тили ва адабиёти, –Тошкент, 1970. №6. –Б.45.

миллат тўғрисида бошқа бир тасаввурга эга бўлиши мумкин. Масалан, «қирғовул» сўзининг бургут деб таржима қилиниши натижасида немис китобхонида «ўзбеклар бургут гўштини истеъмол қилишар экан» деган тасаввур шаклланади. Ёки «Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас» бирлиги «қовун сотиш қаттиқ тақиқланади» тарзida миллий менталитетга зид таржима қилинган. Бундан ташқари баъзи географик жой номлари ҳам нотўғри берилган. Айтиш мумкинки, Клапрот таржимасида миллий калорит ҳам, оригиналнинг шираси ҳам йўқолган, оригиналдан ўғирган бўлса-да, тилни мукаммал билмаслиги аниқ сезилиб туради<sup>39</sup>.

Бобурнома асари иккинчи бор 1828 йилда А.Кайзер томонидан немис тилига ўғирилган<sup>40</sup>. Таржимон асарни таржима қилиш мобайнида тўғридан тўғри туркий тилдан эмас, балки асарнинг инглизча таржимасидан фойдаланган. Асарнинг инглизча таржимаси икки хил вариантда бўлиб, биринчиси эски ўзбек тилидан Ж.Лейден ва иккинчиси форс тилидан У.Эрскин томонидан таржима қилинган. Ушбу икки таржимани умумлаштириб Кайзер эски ўзбек тили, форс, инглиз ва немис тиллари семантикаси ни ўрганиб чиқиб, асарни немис тилига муваффақиятли тарзда таржима қилган<sup>41</sup>. Ушбу нашр аслиятга бирмунча яқин, таржима талабларига қўпроқ жавоб беради. Кайзер «Бобурнома»ни қай даражада таржима қилганлиги ҳақида таржиманинг муқаддимасида шундай ёзади: «Биз сарой ҳаёти билан, Шарқнинг кўпгина ҳукмдорларининг ижтимоий ва шахсий ҳаётлари билан танишдик ва ҳар жиҳатдан шунчалик кўп муҳим нарсалар учрайдики, Бобур-

<sup>39</sup> Хўжаев F. «Бобирнома»нинг немисча икки таржимаси //Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1970. № 6. –Б. 49.

<sup>40</sup> Комилов Н. «Бобурнома» таржималари //«Гулистан». –Тошкент, 1977. № 3 –Б.28.

<sup>41</sup> Раҳимов X. «Бобурнома»нинг олмонча таржималарига бир назар // Бобур ва дунё. – Тошкент, 2019, №1. –Б.15.

нинг бу асарини ўқиган ҳар киши қаноатланмасдан қолмайди».

Асар мемуар ва тарихий бўлиши билан бир қаторда илмий ва энциклопедик аҳамиятга ҳам эгадир. Шу боисдан асар таржимаси устида иш олиб бориш таржимондан юксак маҳорат талаб қилинади. Асарнинг асл нусхаси эски ўзбек тилида битилган бўлиб, ундаги баъзи сўзларнинг муқобил вариантини топиш ва таржима қилишда хатолар кўзга ташланади. Асарда табиат тасвири, портрет, характер тасвири, лисоний ва услубий воситалар, мақол, афоризм, идиомаларнинг мавжудлиги таржимада бир неча қийинчиликларни юзага келтиради.

Сўзларнинг айнан муқобил вариантларини топиш, қадимий туркий тилнинг лексик-фразеологик хусусиятларини таржимада акс эттира олиш таржимон олдига қўйилган энг муҳим мақсад ва вазифалардан биридир. Таржима тўғридан тўғри асл нусхадан эмас, балки инглизча вариантидан таржима қилингандиги боис исмлар, реалиялар, атамалар, лақабларнинг муқобил вариантларини топиш таржимонга бир мунча қийинчиликлар туғдиргани асар мисолида маълум бўлди. Хос лексика ва реалияларни таржима қилиш жараёнида уларнинг қай даражада тарқалганлигига эътибор бериш лозим. Агарда таржима амалиёти маълум бир халқ доирасида бўлса, бу хорижий китобхонга тушунарсиз бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда уларга шарҳ бериш зарурати пайдо бўлади. Бобурноманинг немисча талқинидаги бундай сўзларга шарҳ берилмаган.

Кейинги олмонча таржимани Волфганг Штаммлер Швейцариянинг Сюрих шаҳридаги «Манессе» нашриётида 1980 йили чоп эттирган. 1986 йили ЮНЕСКО тавсияси билан бу таржима қайта нашр қилинган. Бироқ бу иккинчи олмонча таржима француз тилидан, французчаси форсий таржимадан ўгирилган. Асардаги воқеалар китобхонга тушунарли бўлиши учун ношир китобга таржимоннинг

сўзбошиси, ўзбек олимаси Сабоҳат Азимжонованинг «Бобур Трансаксонияда», афғон тадқиқотчиси Абдулҳай Ҳабибийнинг «Бобур Афғонистонда» ва «Кобулдаги Бобур боғида тикланган мақбарага ёзилган битиклар» мавзусидаги мақола- маълумтономасини, ҳинд тарихчиси Моҳибул Ҳасаннинг «Бобур Ҳиндистонда» сарлавҳали кириш сўзларини илова қилган.

2018 йилга келиб, олмониялик Ҳамид Далов асарни Сабоҳат Азимжонованинг қисқартирилган русча таржимаси орқали олмон тилига қайта ўгирган.

Даставвал, шуни айтиш лозимки, асарнинг аслияти тили ва баён услуги Бобур замондошлари, Алишер Навоий тили ва услугуга нисбатан биз – ҳозирги ўзбекларга анча яқин экан. Бобур прозаси ва поэзияси синтаксиси ғоят содда ва шаффоф, лексик маънолари тушунарли. Она тилини яхши билган таржимон, деярли қийналмайди.

Бу учала таржима ҳам таржимондан катта машиқкат талаб қилгани кўриниб турибди. Мутаржимларнинг асосий диққат-эътибори асар муаллифи ва бош қаҳрамони образини қайта гавдалантиришга қаратилган. Таҳлилда даставвал миллий колоритни акс эттирувчи лисоний бирлик вазифасини ўтовчи реалиялар, яъни хос сўзлар ўгирмаси ўзига эътиборни тортади. Ўз тилида қ ҳарфи бўлса-да бунга монанд ўзбекча жарангдаги қ товуши йўқлигига қарамай, Штаммлер ўзбекона қ, ҳ каби товушли исмларни айнан ўзиникидай қайта тиклаган ҳолда транслитерация қилган, масалан, Қул Муҳаммад, Беҳзад кабилар. Чунончи, киши номлари имлосида, масалан, аслиятдаги битта сўздан иборат исмлар таржимасида транслитерация қоидаси бузилиши – Алишербек, Умаршайх, Маҳмудхон, Худойберди, Кутлуғ Нигорхоним каби антропонимлар Штаммлер таржимасида Али Шир Бег, Умар Шейх, Маҳмуд Қҳан, Кхудай-Берди, Кутлуқ Нигар Қҳаним каби киши номлари ўгирмасида транслитерацион но-

муқобилликлар кўп учрайди»<sup>42</sup>. Бу каби қусурлар Далов таржимасида аслиятга анча яқинроқ ўгирилган. Масалан, Алишер, Навои (Наваи эмас), Аҳмад каби.

**«Бобурнома»нинг русча таржимаси.** Бобур ижодининг бебаҳо маҳсулі бўлган «Бобурнома» шўролар даврида икки марта рус, икки марта ўзбек тилида тўлиқ нашр этилди. Бу нашрларга ёзилган сўзбоши муаллифлари «Бобурнома»нинг тарих ва бошқа фанлар учун улкан аҳамиятини таъкидлаш билан бирга асарнинг ўзбек бадиий адабиётидаги ноёб ёдгорлик эканлигини ҳам кўрсатиб ўтишган.

Рус олимлари «Бобурнома»ни ўрганишида дастлабки даврда, асосан, қўлёзмалар кўчириш, чоп этиш билан чекланган. «Бобурнома»ни таржима қилиш масаласи узоқ вақтгача эътибордан четда қолган. Ниҳоят, XIX асрнинг охирларига келиб, таржимага ҳам киришишган, лекин айрим парчаларнигина ўғирганлар. Жумладан, Н.И.Пантусов «Фарғона» қисмини, В.Вяткин «Самарқанд ва унинг теварақ-атрофлари» қисмини ўғирган. С.Поляков ҳам асардан бир таржима қилган. Поляков таржимасини А.Н.Самойлович «масалага илмий ёндашмагани учун» кескин танқид қилган. Араб тилининг йирик билимдони бўлган Георг-Якоб Керр ўзининг эски ўзбек тилидан билимини такомиллаштириш учун «Бобурнома» қўлёзмасидан нусха кўчира бошлаган ва 1737 йилда ишини тамомлаган. Бу қўлёзма 420 варақдан иборат бўлиб, тарихда «Керр нусхаси» номи билан қолган.

Шарқшунос Н.Ильминский 1857 йилда асарни асл ҳолида Қозон шаҳрида чоп эттирган. XIX аср охирларида «Бобурнома»дан айрим қисмлар И. Пантусов, С. Поляков, В. Вяткин таржимасида рус китобхонларига қисман тақдим этилган бўлса-да, яхлит русча таржимаси амалга оширилмаган эди.

---

<sup>42</sup> Раҳимов Х. «Бобурнома»нинг олмонча таржималарига бир назар» // «Бобур ва дунё». –Тошкент, 2019, №1. –Б.15.

Бу шарафли ва хайрли иш моҳир таржимон ва олим Михаил Салье томонидан амалга оширилди ва асар 1958 йилда Тошкентда босмадан чиқарилди<sup>43</sup>. М. Салье таржима устида 10 йилдан ортиқроқ меҳнат қилди, асар тилини чуқур ўрганди, беҳад кўп сонли атамалар, ибора ва номлар транскрипциясини бериш, шунингдек, Бобур қаламининг «мардона услугини» сақлашга муваффақ бўлди. Рус тилида «Бобурнома»ни ўқиган киши аслиятни ўқигандай тўғри ва мукаммал тасаввурга эга бўлади. Шунга қарамай, Салье таржимасида бир талай ноаникликлар мавжуд. «Бобурнома»даги бир қанча номлар нотўғри берилган. Чунончи, Аҳмад Мирзо севгилиси Кутлуқбегим «Катак бегим» бўлиб кетган, «буқаламун», «мучча» каби батъзи сўз ва иборалар таржимасиз ва изоҳсиз келтирилгани сабабли рус китобхонига тушунарсиз бўлиб қолган<sup>44</sup>. Шеърий парчалар насрый таржимада берилиб, уларнинг қайси тилда ёзилгани ҳам кўрсатилмаган. М.Салье асарнинг Ҳайдаробод нусхасидан фойдаланганини қайд этган. Бироқ унинг қайта-қайта кирилчадаги ўзбекча «Бобурнома»га мурожаат этгани билиниб қолаверади. Масалан, Порсо Шамсиев ва Содик Мирзаевлар нашрга тайёрлаган «Бобурнома»даги минг ўйлук карvon воқеаси (мингта қорамол олиб келаётган карvon) русчасига – М.А.Салье таржимасида «караван из тысячи людей»<sup>45</sup> тарзида хато таржима қилинган. Ш парчадаги яна бир нуқсон М.Сальенинг Ҳайдоробод нусхасидан эмас, Порсо Шамсиев ва Содик Мирзаевлар нашрга тайёрлаган «Бобурнома»дан фойдаланганини кўрсатади. «Эҳтиёт» сўзи ушбу ўзбекча нашрда хато – «эҳтиёж» тарзида ўқилган. Русча талқинда ҳам эҳтиёж тарзида таржима

<sup>43</sup> Комилов Н. «Бобурнома» таржималари//«Гулистан». –Тошкент, 1977. № 3. –Б.28.

<sup>44</sup> Комилов Н. «Бобурнома» таржималари//«Гулистан». –Тошкент, 1977. № 3. –Б.28.

<sup>45</sup> Раҳмонов В. Бобуршунослик: ютуқ ва муаммолар / Ҳуррият, 21-август, –Тошкент, 2008.

қилинган, аммо «Бобурнома»нинг эски ёзуvdаги барча нусхаларида, жумладан, Ҳайдаробод нусхасида ҳам бу сўз «эҳтиёт» эди... Биргина шу нуқсон туфайли Фаргона вилоятининг ҳукмдори Умаршайх Мирзо савдогарлар молига муҳтож нотавон тарзида талқин қилинган.

Хулоса қилиб айтганда, «Бобурнома» Европа илм аҳлиниң доимий диққат марказида бўлиб келган. Бунга сабаб сифатида бир неча омилни келтириш мумкин.

Биринчидан, «Бобурнома» ўша давр сарой муҳити, адабий жараён ҳақида маълумот берувчи энг ишончли манба ҳисобланади, бу ҳақда кўпгина хорижий олимлар ўз асарларида ёзиб қолдирғанлар.

Иккинчидан, «Бобурнома» тилининг соддалиги, услубининг равонлиги, тасвирнинг жонли берилishi барчани мафтун қилиб келган.

Тадқиқотимиз натижасида «Бобурнома»га нафақат инглиз олимлари, балки француз, немис олимлари ҳам жиддий қизиқиш билан муносабатда бўлгани маълум бўлди. Буни таржималар қайта-қайта нашр этилиши ва янги таржималарга эҳтиёж ҳали ҳам мавжудлигидан билиш мумкин.

**«Бобурнома»нинг форсча таржимаси.** Маълумки, «Бобурнома» энг аввал форс тилига таржима қилинган ва унинг ташаббускори Бобурнинг ўзи бўлиб, у ҳаёт вақтидаёқ ўз асарини форс тилига таржима қилишларини сўраган эди. Унинг орзузи амалга ошиб, Асар Шайх Зайнуддин/Шайх Зайн томонидан форс тилига ўгирилди. Бу «Бобурнома»нинг ilk форсий таржимаси эди. Шайх Зайн ўз даврининг ўқимишли, зиёли одамларидан бўлиб, «Вафоий» тахаллуси билан шеърлар ёзганлиги ҳам маълум. Тадқиқотчиларнинг фикрича, таржимада асл нусхадаги «мен» формаси учинчи шахс кўплик олмоши билан алмаштирилган ҳамда асарнинг тил услуги анча ўзгартирилган. Шайх Зайн Бобурнинг миrzаси бўлгани учун, унинг фармонларини ўз тар-

жимасига илова қилган. Бу таржима 932-933/1525-1526/ йиллар орасидаги ўн бир ойлик воқеаларни қараб олади<sup>46</sup>. Унинг учта нусхаси Британия музейида, битта нусхаси Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда<sup>47</sup>.

Иккинчи форсий таржима ташаббускори Бобурнинг чевараси Султон Салим Мирзонинг устози Кутбиддин Мұхаммад Баҳодирхон Бекларбеги ўғли Беҳрузхон бўлиб, у асарни ўқиб қаттиқ таъсирланади ва Мирзо Ҳасан Пояндахон Газнавийдан таржима қилишини илтимос қиласди. Пояндахон тахминан олти йиллик воқеаларни таржима қилиб улгуради, Мұхаммадқули Ҳисорий деган иккинчи таржимон 1586 йилда охирига етказган. Таржимада сўзлар маъносини очишга жиддий эътибор қаратилмаган, натижада матннинг бадиийлигига путур етган<sup>48</sup>. Воқеаларда узилишлар жуда кўплаб учрайди. Таржима муқаддимасида Ҳисорий бу асарнинг илк бор Шайх Зайн томонидан таржима қилинганини таъкидлаб ўтади. Ҳозирги кунда Британия музейида, Бодлейн (Англия) кутубхонаси фондида сақланаётган мавжуд нусхалари асарни тўла қамраб олмайди.

«Бобурнома» форс тилига учинчи марта 1589 или Ақбаршоҳ замонида унинг топшириғи билан саройда хизматда бўлган Абдураҳимхон Байрамхон – Хони Хонон томонидан таржима қилинган. Бу таржима анча мукаммал бўлиб, услугуб тарзи жиҳатидан асл нусхага яқин эди. Шунинг учун ҳам асарнинг бу таржимаси «иккинчи оригинал» сифатида тан олинади ва унга кўпроқ эътибор берилади<sup>49</sup>. Агар Шайх Зайн ва Ҳасан Поянда таржималарида расмий ада-

<sup>46</sup> Мадраимов А.«Бобурнома»нинг форс тилидаги қўлёзмалари. //«Ўзбек тили ва адабиёти» – Тошкент, 1974 . № 1. –Б.59.

<sup>47</sup> Отажонов Н, Ҳошимова Д. «Бобурнома» шарқ элчиси. – Тошкент, 2010. – Б.108.

<sup>48</sup> Отажонов Н., Ҳошимова Д. «Бобурнома» шарқ элчиси. – Тошкент, 2010. – Б.126.

<sup>49</sup> Мадраимов А.«Бобурнома»нинг форс тилидаги қўлёзмалари. //«Ўзбек тили ва адабиёти» – Тошкент, 1974. № 1. –Б.59.

бий форсий тил талабларига амал қилинган, Бобурнинг ўзига хос тили бир мунча ўзгартырилиб, мавжуд тарихий мемуарлар услубига мослаштирилган бўлса, Абдураҳимхон содда, туркона адабий тилнинг хусусиятларини сақлашга интилади. Шунинг учун бўлса керак, «Бобурнома»нинг француз таржимони Паве де Куртейл Абдураҳимхон иши ҳақида бундай ёзган эди: «Форс тилига қилинган таржима кўпинча китобхонга катта қийинчилик туғдиради. Унинг услуби, айниқса, туркий сўзларнинг кўплиги, гоҳида тўлиғича келтирилган туркий шеърлар форс китобхонини қийин аҳволга солиб қўяди»<sup>50</sup>. Аслини олганда, таржимон талай терминлар, ҳарбий сўзларни асл туркча ҳолида беришга мажбур бўлган эди, негаки «Бобурнома» даги кўпгина сўзлар, иборалар, истилоҳларнинг соф форсий муқобилини топиш мушкулдир.

Абдураҳимхон таржимаси асарнинг Шарқда кенг тарқалишига йўл очди ва Европа шарқшуносларининг диққатини жалб этди. Мазкур таржиманинг чиройли миниатюралар билан безатилган нусхалари Лондон, Париж, Ленинград, Калькутта кутубхоналарида сақланмоқда. Манбаларда унинг 32 та қўлёзма нусхаси борлиги айтилади<sup>51</sup>. Таржима кўп нусхада кўчирилиб, «Воқеоти Бобурий», «Тарихи Бобуршоҳий» номлари остида Шарқ мамлакатларига кенг ёйилган. Абдураҳимхон таржимада Бобурнинг ўзига хос баён тарзини бера олган, асар форс адабиёти ва тарихчилигига улкан янгилик сифатида қабул қилинган. Қамраб олинган тарихий воқеаларнинг рўй-рост кўрсатилиши, илмий фактларга бойлиги билангина эмас, балки равон услуби, содда ва жозибадорлиги билан ҳам Бобур асари ўзидан кейин яратилган тарихий мемуарларга кучли таъ-

---

<sup>50</sup> Комилов Н.. «Бобурнома» таржималари //«Гулистон». 1977. – Тошкент, № 3.-Б.28.

<sup>51</sup> Мадраимов А. «Бобурнома»нинг форс тилидаги қўлёзмалари. //»Ўзбек тили ва адабиёти» 1974. № 1. –Б.58-62.

сир кўрсатади. Чунончи, Гулбаданбегимнинг «Ху-моюннома» ва Низомиддин Ҳиравийнинг «Табақо-ти Акбаршоҳий» каби китобларида буни яққол ҳис этиш мумкин.

«Бобурнома» қўлёзмаларининг чиройли расмлар билан безатилиши ҳам таржиманинг шуҳрат қозо-нишига сабаб бўлган. Гап шундаки, шоҳ Акбар та-свирий санъатнинг пешқадам ҳомийси эди. Унинг саройида 104 нафар рассом доимий иш олиб борган. Таржимон Абдураҳимхоннинг ўзи ҳам расм чизиш билан шуғулланган. Акбар саройида ўнлаб кито-бларга расмлар чизилган. «Бобурнома»нинг форсий нусхаларига ишланган миниатюралар Шарқ рассом-лик санъатининг ажойиб намуналари ҳисобланади.

Абдураҳимхон таржимаси Британия музеида ва Москвадаги Шарқ қўлёзмалари фондида сақланади. Фотонусхаси Алишер Навоий номидаги Адабиёт му-зейида ҳам бор<sup>52</sup>. Инглиз шарқшуноси Л.Кинг берган маълумотга қараганда, «Бобурнома» ўз асрида яна икки марта – Муҳаммадкули ва Зайниддин Хавофий томонидан форс тилига таржима қилинган. Бироқ бу таржима қўлёзмаларининг қаерда сақланишини олим айтмайди<sup>53</sup>. «Бобурнома» юзасидан тадқиқот олиб борган олимларимизнинг таъкидлашларига кўра жаҳон қўлёзма фондларида асарнинг форс-то-жик тилидаги 68 та қўлёзма нусхалари мавжуд<sup>54</sup>.

«Бобурнома»нинг японча таржимаси. «Бобурнома»нинг илк нодир қўлёзмалари мавжуд бўлишига қарамай, сўнгги вақтгача асарнинг илмий-танқи-дий матни яратилмаган эди. Ниҳоят, 1995 йилда япониялик олим, бобуршунос Эйжи Мано қарийб ўттиз йиллик изланишлари натижасида асарнинг

<sup>52</sup> Тешабоева З. «Бобурнома»даги фразеологик бирликларнинг инглизча таржималари қиёсий таҳлили. –Тошкент, 2018. –Б.14.

<sup>53</sup> Комилов Н. «Бобурнома» таржималари. //«Гулистан» –Тошкент, 1977. № 3. –Б.28.

<sup>54</sup> Мадраимов А. «Бобурнома»нинг форс тилидаги қўлёзмалари. //«Ўзбек тили ва адабиёти» –Тошкент, 1974. № 1. –Б.62.

илмий-танқидий матнини яратди<sup>55</sup>. 1996 йилда шу нашрнинг давоми сифатида мукаммал «Қўрсаткичлар» нашр этилди. Мазкур асарларини чоп эттиришдан аввал, 1983-84-йилларда Э.Мано «Бобурнома»нинг «Фарғона» ва «Кобул» қисмларини ҳам япон тилига таржима қилган эди. Эйжи Манонинг ижодий меҳнати «илмий жасорат» деб баҳоланди<sup>56</sup>. Эйжи Мано яратган матн «Бобурнома»нинг янги ва аслиятга янада яқинроқ таржималарининг яратилишида асосий манба ҳисобланади. Шу билан бир қаторда асар бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар учун муҳим объект бўлиб қолади.

**«Бобурнома»нинг ҳиндча таржимаси.** «Бобурнома»нинг ҳиндча таржимаси таниқли ҳинд таржи-мони Йүгжит Навалпурий томонидан 1974 йилда амалга оширилган. Ушбу таржиманинг ўзига хос жиҳати шундаки, бошқа таржималардан фарқли ўла-роқ унда изоҳлар жуда кўп, бу эса ўқувчига аниқроқ маълумот беришга, асарнинг конкретлигини таъминлашга хизмат қиласи. Ҳиндча таржима ҳажми 521 бет, шундан 182 бети изоҳлар бўлиб, улар 2600 тадан кўпроқ. Изоҳларнинг ҳажми турлича, бир-иккита сўз, ибора, гапдан тортиб, бир-икки саҳифалик изоҳларгача мавжуд. Бу изоҳлар матн, баён қилинаётган воқеа-ҳодисаларни тўлиқроқ, чуқурроқ тушунишга ёрдам беради, умуман, китобхон маълумотини кенгайтиради. Ушбу таржима ютуқлари билан бирга бир қатор камчиликлари ҳам мавжуд. Баъзи сўз ва иборалар нотўғри таржима қилинган, сўзлар имлосида ҳам қатор хатоликлар учрайди. Масалан, Турди бек-Тарди бек, Эшик оға- Ишик оға, Ҳири-Ҳари, Биноий-Баной тарзида<sup>57</sup> нотўғри ўқилган.

<sup>55</sup> Хошимова Д. «Бобурнома» асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари. Филол.фан.ном.... дисс. автореф. –Тошкент, 2006.

<sup>56</sup> Абдугафуров А., Ўринбоев А., Япон олимдининг илмий жасорати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати . – Тошкент, 1996. 15- марта. –Б. 2.

<sup>57</sup> Иброҳимов А. «Бобурнома»да ҳиндча сўзлар тадқиқи. Филол.фан. даражасини олиш учун дисс. –Тошкент, 2011. – Б.27.

**«Бобурнома»нинг урдуча таржималари.** «Бобурнома»нинг урду тилига қилинган иккита тўлиқ таржимаси бизга маълум. Баъзи манбаларда бу икки таржимадан бошқа яна тўлиқ бўлмаган таржималар мавжуд, дейилади, аммо бирорта манбада улар ҳақида етарлича маълумот учрамайди.

Урду тилидаги илк таржима 1962 йилда Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний<sup>58</sup> томонидан амалга оширилган. Таржимон асар сўзбошисида таржи-ма жараёнида туркий асл матн ва Лейден-Эрскин таржималарини ўқиб чиқиб, улардан қиёсий фойдаланганини, шунинг учун ҳам асарда бирорта камчилик йўқлигини, шу боисдан бу таржима асл матн ўрнини боса оладиган даражада пухта иш эканлигини таъкидлаб ўтади. Аммо олим Муҳаммад Собир таржиманинг муаллиф айтганичалик пухта эмаслигини, хато ва камчиликлар талайгина эканлигини, фақат дастлабки урдуча таржима сифатида аҳамиятли бўлиши мумкинлиги ҳақида ёзади<sup>59</sup>.

Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржимасида «Бобурнома»нинг асл нусхасидан фарқли равишда ҳар бир бўлимга сарлавҳалар қўйилган, уларнинг умумий сони 380дан зиёд. Муаллиф тушунарсиз сўзларга изоҳлар беради, бундай изоҳлар талайгина. Бундан ташқари таржимада сўзлар имлосига жиддий эътибор қаратилган. Аммо баъзи жой номлари ва исмларнинг хато ёзилган ўринлари ҳам учрайди.

Иккинчи урдуча таржима 1991 йилда Мирзо Муҳаммад Шерозийнинг форсча нашридан таржима қилинган бўлиб, унда кўплаб хато ва камчиликлар кўзга ташланади. Бошқа таржималарда кузатилганидек, ушбу асарда ҳам бўлимларга сарлавҳалар қўйилган, аммо сарлавҳалар баъзан Бобур тилидан, баъзан З-шахс номидан ёзилган бўлиб ҳар хиллик

<sup>58</sup> Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний Бобурнинг авлоди бўлган.

<sup>59</sup> Иброҳимов А. «Бобурнома»да ҳиндча сўзлар тадқики. Филол.фан. даражасини олиш учун дисс. –Тошкент, 2011. –Б.25.

кузатилади. Шунингдек, баъзи сўз ва атамалар им-  
лосида ҳам ҳар хилликлар учрайди<sup>60</sup>.

Юқоридаги камчиликларга қарамасдан, асарнинг  
тили содда ва равон. С.Азимжонова ҳар икки урдуча  
таржимага ҳам юқори баҳо беради<sup>61</sup>, чунончи улар  
«Бобурнома»нинг оммалашувига хизмат қилиши  
билиан ҳам қадрли.

Ўзбек насрининг XVI асрдаги бетакрор наму-  
наси бўлган «Бобурнома» кўплаб соҳаларга доир  
билимларни қамраб олади. Унда муаллиф ўз кўзи  
билиан кўрган, эшитган реал воқеа ва ҳодисаларни  
ишончли манбаларга асосланган ҳолда келтирган.  
Бу ҳақда Бобур мирзонинг ўзи бундай дейди: «Бу  
битилганлардин ғараз шикоят эмас, рост ҳикоят-  
турким, битибтурмен. Бу мастур бўлғонлардин мақ-  
сад ўзнинг таърифи эмас, баёни воқеи бу эдиким,  
таҳрир этибтурмен. Чун бу тарихда андоқ илтизом  
қилибтурким, ҳар сўзнинг ростини битилғай ва ҳар  
ишнинг баёни воқеини таҳрир этилган»<sup>62</sup>.

«Бобурнома»даги маълумотлар шу қадар ишонч-  
лики, ундан кейин яратилган машҳур «Ҳафт иқлим»  
ва Равзату-л-жаннат»даги бутун-бутун боблар (ма-  
салан, Қобул ва Қандахорга бағишиланган) «Бобур-  
нома»га тўлиқ мос келади, яъни ундан олинганили-  
ги аниқ. Мирзо Бобур келтирган маълумотларнинг  
аниқ ва ишончлилигини XX аср бошида Афғонистон  
ҳақида тадқиқот олиб борган рус олимларининг ах-  
боротлари ҳам тасдиқлайди.

<sup>60</sup> Иброҳимов А. «Бобурнома»да хиндча сўзлар тадқики. Филол.фан.  
даражасини олиш учун дисс. –Тошкент, 2011. –Б.27.

<sup>61</sup> Азимджанова С.А. Государство Бабура в Кабуле и Индии. Автореф.  
дисс. ...док.филол. наук. –Тошкент, 1969. С.12-13.

<sup>62</sup> Захиридин Мұхаммад Бобур. «Бобурнома» / Нашрға тайёрловчи  
С.Хасанов. – Тошкент, 2002. –Б.29.

## 2 §. «Бобурнома»нинг Осиё тиллардаги таржималарида паремияларниң акс этиши

Аввал ҳам таъкидлаганимиздек, «Бобурнома»нинг таржималари ҳақида яхлит, мукаммал тадқиқот олиб борилмаган. Аммо бир неча тадқиқот ишларида айрим маълумотлар учрайди. Ўзга тилларга қилинган таржималарниң савиясиги аниқлаш, уларни ўзаро қиёслаб ўрганиш орқали асарниң илмий қимматини белгилаш ўзбек халқининг жаҳондаги бошқа халқлар билан адабий-маданий алоқаларини ўрганиш нуқтайи назаридан ҳам муҳимдир. Зеро, «Бобурнома» дунё шарқшунослари яқдиллик билан қайд этганларидек, инсоният маданиятига қўшилган катта улуш ҳисобланади.

**«Бобурнома»нинг озарбайжонча таржимаси.** «Бобурнома»нинг озарбайжон тилида иккита таржимаси мавжуд бўлиб, Рамиз Аскер томонидан қилинган таржима Бокуда икки марта нашр этилган. Ушбу таржимада (2011) «Бобурнома»нинг туркча (Р.Р.Арат), русча (М.Салье) ва ўзбекча (Порсо Шамсиев) нашрларидан фойдаланилган. Таржиманинг кириш қисмида муаллиф Бобур мирзонинг шахсияти, ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил тўхталади. *Babur hər şey haqqında obyektiv və dəqiq yazılmışdır. Müasiri olduğu və ya özündən əvvəl yaşamış hökmdarlar, onların nəsəbi, hayatı, xasiyyəti, savaşları və meydan mühabibələri, adbaad göstərməklə arvadları və cariyələri, oğulları və qızları, əmirləri və bəyləri, saraylarında yaşayan alımlar, şairlər, rəssamlar, müsiqiçilər, xəttatlar və başqa sənətkarlar haqqında geniş və maraqlı məlumatlar vermişdir. Gəzib gördüyü yerlərdəki tarixi abidələr, ayrı-ayrı xalqlara, tayfa və qəbilələrə xas olan etnoqrafik özəlliliklər, adət-ənənələr, yeməklər, geyimlər onun nəzərindən yayılmamışdır. Babur təbiətin gözəlliklərini, fərqli coğrafi ərazilərdə bitən ağaç və gülləri, meyvə və bitkiləri, heyvanları, quşları, balıqları da eyni həssaslıq və*

*diqqətlə təsvir etmişdir*<sup>63</sup>. – Бобур ҳамма нарса ҳақида объектив ва холис ёзган. Ўзига замондош ва ўзидан аввал яшаб ўтган ҳукмдорлар, уларнинг авлодлари, ҳаёти, феъл-атвори, жанглари ва масофавий урушлари, хотинлари ва канизаклари, ўғил-қизлари, амирлари ва беклари, саройида яшаган олимлар, шоирлар, рассомлар, мусиқачилар, ҳаттотлар ва бошқа санъаткорларни номма-ном санаб ўтган ва улар ҳақида кенг ва қизиқарли маълумотлар берган. У борган жойларидағи тарихий обидалар, турли халқлар, қабилалар ва уруғларнинг этнографик хусусиятлари, урф-одатлар, кийим ва емаклар унинг эътиборидан четда қолмаган. Бобур табиатнинг гўзалликларини, турли жўғрофий ҳудудларда ўсадиган дараҳт ва гулларни, мева ва ўсимликлар, ҳайвонлар, қушлар, балиқларни ҳам айни ҳассослик ва эътибор билан тасвирлаган (таржима бизники – Д.М.).

Таржимада ҳар бир шахс, ҳар бир жой ёки муҳим тарихий воқеалар алоҳида сарлавҳалар билан ажратиб берилган. Асар шу қадар кичик таснифларга бўлинганки, баъзи сарлавҳа остидаги воқеалар бир бетгаям бормайди<sup>64</sup>. Масалан, «Султон Маҳмуд мирзонинг Самарқанд таҳтига чиқмоғи» (40-б) ёки «Бойсунқур мирzonинг Самарқанд таҳтига чиқмоғи» (47-б) бўлимлари ярим бетдан, «Бойсунқур мирzonинг Хисравшоҳ тарафиндан ўлдирилмоғи» (85-б) бўлими 7 қатордан иборат. Сарлавҳаларнинг умумий миқдори 153 та.

Таржима ўзбекча ва туркча матнга асосланганлиги учун воқеалар изчил ёритилган, тушиб қолган ёки берилмай ўтиб кетилган ҳолатлар йўқ. Аммо асарнинг сўнгги 936-йил воқеалари<sup>65</sup> 935-йил воқе-

<sup>63</sup> Zahiriddin Muhammad Babur. Baburnama. Çeviren Ramiz Askar. 2-naşr. – Bakı, 2011. – B 17.

<sup>64</sup> Zahiriddin Muhammad Babur. Baburnama. Çeviren Ramiz Askar. 2-naşr. – Bakı, 2011.

<sup>65</sup> 936-йил туркча матнда 5 қатор билан тугаган, ўзбекча матнда эса қўллэзмада тугаган ўрни кўрсатилиб, бошқа манбалар асосида тўлдирилган.

«БОБУРНОМА» ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛарНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

аларига қўшиб юборилиб, шу билан якунланган. Таржиманинг умумий ҳажми 424 бетни ташкил қиласади.

Таржимада мақол ва маталлар матн ичидаги асл манбадагидек ёзилган, ҳаволада ҳозирги озарбайжончада қанақа маъно англалиши берилган. Масалан: «Deh koca və dərəxətan koca» məsəlini, deyəsən, Axsi üçün söyləmişlər<sup>66</sup>. («Дөх кужо ва дараахтон кужо» масалини Ахси учун айтилганга ўхшайди. – таржима бизники- Д.М. ) матн тагидаги изоҳда эса *Kənd harada, ağaclar harada* (қишлоқ қаерда, дараахтлар қаерда, - таржима бизники-Д.М.) деб изоҳ берилган. Мисоллар:

Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтанд (6.142.) – *Həkimlər adın yad edilməsini ikinci ömür saymışlar*.(6.199); тенг бўлмагунча тўш бўлмас (6.115.) – *dəng olmayan tuş olmaz* (6.155); Ким ўлар ҳолатга етса, ул билур жон қадрини (6.218.) – *Kim ölər həlakətə yetsa, ol bilir can qədrini* (6.321); Агар сад солмони ва-р яке рўз, Бибояд рафт аз ин кохи дилафрўз (6.99.) – *İstər yüz il, istər bir gün qal, Bu könül aydınlarından köşkü tərk edəcəksən* (133); Не бормоққа ере муқаррар, Не турмоққа юрте муайян (6.160.) – *Nə getmək üçün qərar verilmiş bir yer, nə də durmaq üçün müəyyən bir yurd vardı*(229).

«Бобурнома»нинг озарбайжонча таржимаси изоҳларга бой, уларнинг асосий қисми сатр остида берилган, диққатга сазовор жойи шундаки, изоҳларда туркча, русча ва ўзбекча нашрлар ўртасидаги фарқлар очиб берилган. Асар сўнггида тушунарсиз сўз ва ибораларга таъриф берилган.

Бу ҳақда таржимоннинг ўзи шундай ёзади: *Bu qeydlər və izahlar «Baburnamə»nin türkçə, özbəkcə və rusca nəşrlərində verilən izahlar və bəzi məlumat-soraq mənbələri əsasında tərtib edilmişdir. Biz tərcümə boyu mətnaltı haşıyədə bəzi terminlərin mənası açıqlamış,*

<sup>66</sup> Zahiriddin Muhammad Babur. Baburnama. Çeviren Ramiz Askar. 2-naşr. – Bakı, 2011. – B.23.

*şəxslər, coğrafı məntəqələr və s. haqqında kiçik bilgilər vermişdik. ...Ona görə də burada bəzi ifadə və terminlərin geniş şəkildə açıqlanmasını münasib gördük*<sup>67</sup>. (Бу қайд-лар ва изоҳлар «Бобурнома»нинг туркча, ўзбекча ва русча нашрларида берилган изоҳлар ва баъзи маълумот-сўроқ манбалари асосида тузилган. Биз таржима мобайнида матн ости ҳошияда баъзи терминларниң маъносини изоҳлаган, шахслар, географик ҳудудлар ва бошқалар ҳақида бироз тушунча берган эдик. ...Шунга кўра, бу ерда баъзи ифода ва терминларни кенг шаклда изоҳлашни маъқул кўрдик. Таржима бизники-Д.М. )

**«Бобурнома»нинг қозоқча таржимаси.** «Бобурнома» қозоқ тилига Байузақ Қожабекулы томонидан 1990 йилда «Бабырнама» номи билан таржима қилинади. Бу таржима ўзбекча танқидий матн ва русча таржима асосида қисқартирилган ҳолда бо силган. Кейинги 1993 йилда тўлиқ таржима шаклида нашр этилган, аммо исм кўрсаткичлари ва географик номлар харитаси тушириб қолдирилган. Таржиманинг кириш қисмида муаллиф Бобур ва унинг ҳаёти, «Бобурнома»нинг бадиияти ва таркибий қисмлари ҳақида батафсил маълумот беради.

Қозоқча таржимада воқеалар жуда кичик-кичик мавзуларга бўлиниб берилган. «Бобурнома»даги афоризмлар, ғазаллардан парчаларни Оразақын Асқар қозоқчага таржима қилган. Нашрни кузатиш мобайнида паремияларниң ўгирилишидаги ўзига хосликни аниқладик. Муаллиф мақолларни сўзма-сўз ўгирмайди, ҳозирги қозоқчада мавжуд бўлган эквивалентини кўллаш йўлидан боради. Масалан, Фофил аз инжо ронда ва аз онжо монда (Фофил бу ердан қувилган, у ердан ажралган) матали (б.64.) шундай ўгирилган: Тоқал ешкі қудайдан муйіз сураймын деп, қулағынан айрылыпты (б. 77.). Ёки, «Инномағил дўстунгға, сомон тиқар пўстунгға»

<sup>67</sup> Zahiriddin Muhammad Babur. Baburnama. Çeviren Ramiz Askar. 2-naşr. – Bakı, 2011. – B.19.

мақоли (б.76.) «Жау жоқ деме, жар астында» (б.99.) деб таржима қилинган.

Эътибор берсак, иккинчи мақолниң мүқобили айнан Бобур айтмоқчи бўлган фикрни ифодаламаган. Чунки Бобур дўстининг хоинлигини таъкидламоқчи, қозоқчада эса атрофнинг хатарларга тўла эканлигига урғу қаратилган. Ҳолбуки, таржимон аслиятда берилган мақолларнинг таржима тилида мавжуд мүқобилларини излаши, уларни саралаши ҳамда мүқобили мавжуд бўлмаганларини эса қисқа ва лўнда изоҳлар орқали ифодалаши лозим<sup>68</sup>.

Мисоллар:

*Копудағини қопмаса, қариғунча қайғурур (б.74) –* Өз аяғымен келіп, қолымызға түскелі түрған жау еш шығынсыз, жылыстып кетті. (95), Корҳоро бавақт бояд жуст, Кори бевақт суст бошад суст (б.74) – Дер кезінде біткен іс пайдалысы, Құні өткен соң болмайды жай-мәнісі (95), Узраш батар аз гуноҳ (б.78) – Оның ақталғаны қылмыстан да жаман (102), Лаззати май маст донад, ҳушёрон чи ҳаз (б.108.) – Мас біледі шараптың тәтті дәмін, Татпағанды демейді ол шат қыламын емес жаман егер.

Кўринадики, таржимон мақолларни таржима қилиш жараённанда ўз тилида мавжуд бўлган экви-валентини кўллаш методидан фойдаланган, бироқ танланган бу метод ўзини у қадар оқламаган. Бунинг оқибатида, «Бобурнома»нинг асл ифода услуги бузилган, тасвирийлик акс этмаган. Бу ҳолатни гап тузилишларининг ўзгартирилганлигига ҳам кўриш мумкин.

<sup>68</sup> Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши. Фил. фан. бўйича докторлик (DSc) дисс. автореферати. –Тошкент, 2017. –Б.16.

### **3 §. «Бобурнома»нинг туркча таржимаси тавсифи ва асар матнидаги паремияларнинг статистик таҳлили**

«Бобурнома» түрк тилига Р.Р.Арат томонидан таржима қилинган<sup>69</sup>. «Қутадғу билиг» ҳамда «Хибат ул-хақойиқ» каби асарлар таржимони бўлган Р.Р.Аратнинг тарих соҳасига оид энг қимматли иши «Бобурнома» таржимаси ва ушбу асарга ёзилган икки юз саҳифага яқин маълумотларидир<sup>70</sup>.

Йирик матншунос олим Р. Р. Арат асарни «Вақое» (Бобур хотироти) номи билан 1943-1946 йилларда икки жилд ҳолида нашр эттирган. Р. Р. Арат таржиманинг сўз боши қисмида шундай ёзади: «Тилимизга таржима қилинаётган ушбу асарда буюк түрк подшосининг ҳаёти батафсил тасвирланган, унинг шахсий ҳис-туйғулари ҳар қандай муболага ва пардалашлардан холи. У ўз замондошларининг қиёфалари, урф-одатлари ва интилишларини, хатти-ҳаракатларини ойнадек равшан тасвирлайди. Унинг услуги оддий ва мардона, жонли ва образли. Шу жиҳатдан бу асар Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасиdir»<sup>71</sup>. Бу сатрлар Р. Р. Аратнинг Бобурга бўлган юксак хурматини намоён этади.

«Бобурнома»нинг туркча таржимасининг тартиби шундай: 1-жилд. Сўз боши (01-021), икки қисмдан иборат тарихий маълумотлар (023-0138), таржимон ўнгсўзи (0139-0143) Вақоийъ. I биринчи бўйим – Фарғона воқеалари (1-128). Илова: Амир Темур шажараси (Мироншоҳ – Султон Маҳмуд – Абу Саид – Умаршайх – Бобуршоҳ тарзида) ва Чингизхон шажараси (Бобурнинг она аждодлари шажара-

<sup>69</sup> Gazi Zahirüddin Muhammed Babür, Vekayi (Babür'un Hatıratı), – Ankara, 1943,1946.

<sup>70</sup> Gazi Zahirüddin Muhammed Babür, Vekayi (Babür'un Hatıratı), – Ankara, 1943,1946.

<sup>71</sup> Gazi Zahirüddin Muhammed Babür, Vekayi (Babür'un Hatıratı), – Ankara, 1987. 018-б.

си) ҳар иккала сулоланинг схемаси. Иккала сулола Бобуршоҳ шахсида туташади.

2-жилд. Бобурнинг Топқопу саройи музейидаги миниатюраси. II бўлим. Кобул воқеалари (129-284). III бўлим. Ҳинди斯顿 воқеалари (285-432) IV бўлим. Иловалар: шахс ва жой номлари кўрсаткичи (437-570), Бобур қўллаган истилоҳ ва таъбирларнинг алифбо тартибидаги луғати (571-669), Бобуршоҳ келтирган туркча, форсча ва арабча шеърий парчаларнинг асардаги бет кўрсаткичлари (671-672), Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари (Бобур қадами етган жойлар) харитаси (673-675)<sup>72</sup>.

Р.Р.Арат «Бобурнома»нинг илмий нашрини яратишда асарнинг 1857 йилда Н.Ильминский томонидан эълон қилинган Қозон босмаси (Кир қўлёзмаси) ҳамда 1905 йилда А. Бевериж томонидан эълон қилинган Лондон нашри (Хайдаробод қўлёзмаси)дан фойдаланади.

Туркча матнга профессор Ҳ. Бойир сўз боши (01-021-бетлар) ёзган. Унда «Бобурнома»нинг ўрганилиши, таржималари тўғрисида муҳтасар маълумот беради. Олим сўз бошида, шунингдек, асар номланиши хусусида ҳам баҳс юритади ва асарни Vekayi (Вақоий) деб номлаш керак дейди. Ҳикмат Бойир ўз фикрини қуидагича далиллайди:

1. Бобур асарнинг икки ўрнида «Вақоий» сўзини кўллайди.
2. Бобурнинг холаваччаси – Мирзо Маҳмуд Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асарида «Унинг бир «Вақоий» яъни «Тарихи турк»и бор» дейди.
3. Бобурнинг қизи Гулбаданбегим «Хумоюннома»нинг илк саҳифаларида «Гарчи подшо отамнинг воқеаномасида бу сўзлар келтирилган бўлса ҳам...» дейди;

<sup>72</sup> Ҳайитов Ш. «Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши (ўзбекча-туркча маёнбалар қиёсий таҳлили). Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2018. – Б. 60.

4. Бобурнинг набираси Ақбаршоҳнинг тарихчиси Абулфазл Аллома «Ақбарнома»да Бобур хотирала-рини «Воқиёти Бобурий» деб номлаган.

«Бобурнома» Мовароуннахр, Хурросон, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонда кечган воқеаларнинг қомуси бўлиши билан бирга, ҳижрий қамарий йил ҳисобида 37 йилу 7 ой ичида содир бўлган ҳодиса-лардан 18 йилу 6 ой давомидаги воқеалар баёни акс этган бўлиб, қолган 19 йил воқеалар асарда йўқ. Қарийб яна бир «Бобурнома» ҳажмига яқин бўлган қисми ёзилмаган ёки бизгача етиб келмаган.

«Бобурнома» туркча таржимасининг диққатга сазовор бўлган жиҳатлардан бири киши исмлари, жўғрофий номлар кўрсаткичи А. С. Бевериж нашрига кўра яхшиланганлигида кўринади. Турк олимдининг таржимада матн кўрсаткичларини тузиш маҳорати кейинчалик матншунос олимларимизнинг бир қанча ишларида қўл келди. Ҳусусан, асарнинг тўла ўзбекча нашрлари (1948-1949, 1960, 2002) вужудга келишида турк олимлари тажрибасидан фойдаланилди.

Таржимада, шунингдек, мукаммал луғат, қисқа изоҳ ҳамда Бобур шажараси схемаси ўзига хос тарзда акс эттирилди. Аммо олиб борилган қиёсий тадқиқотимиз асарнинг туркча матнида қатор камчиликлар борлигини ҳам кўрсатди. Профессор Ҳ.Болтабоев таржиманинг баъзи камчиликлари ҳақида шундай ёзади: «...асарнинг Ҳайдаробод нусхасида 936 (1529) йил воқеалари тўла эмас, таржи-мон бу ўринда Қозон нусхасидаги воқеалар тасвири билан тўлдирган, бироқ боб матни тўла эмас. Нашрлардаги бу хатоликни Порсо Шамсиев 1960 йилги нашрда «Бобурнома»нинг бошқа тиллардаги (хусусан, форс тилидаги) таржималари асосида тўлдирган. Ўзбекча нашрга П. Шамсиев томонидан илова қилинган «Бобур қўл остига кирган жойлар даромадининг ҳисоби ва Бобуршоҳ фармони» туркча нашрга кирмай қолиб кетган»<sup>73</sup>.

---

<sup>73</sup> Ҳайитов Ш. «Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши (ўзбекча-туркча манбалар қиёсий тахлили). Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2018. – Б. 73.

Дарҳақиқат, таъкидланганидек, туркча нашрда кўплаб хатолар мавжуд. Масалан, киши исмлари, жўғрофий номлар кўрсаткичи, айниқса, Бобур мирзонинг фармонлари тўлалигича келтирилмаган. Матнда кўплаб узилишлар бор. Жумладан, бошқа кўплаб таржималарда бўлгани каби, «Бобурнома»нинг туркча матнида ҳам 914(1509) йил воқеалари тамомланмай қолган. Шундан кейинги 10-11 йиллик воқеалар ҳам йўқ.

Таржимада 233а саҳифадаги «*Ушибу қун менинг яхши шаҳбозим йўқолди*» жумласи ўрин олмаган. Р.Арат томонидан тайёрланган матнда «*Turna ve kekliği fevkelade iyi tutardı* – (Шунқорим) турна ва какликни яхши тутарди» тарзида берилса (s.261), «Бобурнома»нинг С.Ҳасанов тайёрлаган матнida «*Шаҳбозим турнани ва лаклакни яхши тутар эди*» дейилади (6.171.). Каклик ва лаклак (лайлак) бошқа-бошқа қушлар. Биламизки, каклик овланган, бу ҳақда кўпгина манбаларда ёзиб қолдирилган. Лекин лайлакни овлаш ҳақидаги маълумотларни учратмаймиз. Бундан шу нарса маълум бўладики, табдил ва таржимадаги нуқсонлар нафақат мазмунга, мантиқнинг бузилишига, маданият, маданий муносабатлар ҳақида нотўғри холосага ҳам олиб келади. Аммо бу ўринда туркча таржимада ўзбекча матндаги нуқсон тўғирланганлигини кўриш мумкин.

С. Ҳасанов тайёрлаган матндан «Бобурнома»нинг 935 йил воқеаларини ўқиймиз: «Тонгласа одина куни Муҳаммад баҳши ва баъзилар келиб, мулозамат қилдилар. Номози пешинга ёвуқ Жуунундин ўтиб, Хожа Абдулҳаққа мулозамат қилиб, қалъа бориб, амма бегимларни кўрдим» (6.261).

Асарнинг туркча матнida «Номози пешинга ёвуқ» сўzlари учрамайди. Қолаверса, матнда «*Hoca Abdülhak'a mülazemet ettikten sonra kaleye gidip halalarımı gördüm*» жумласи *Hoca Abdülhak a mülazemet ettikten sonra kaleye gidip halalarımı gördüm* (s.429). Бу ўринда таржимада давр муҳити

ёритилмай қолган, яъни «бегим» сўзи тушиб қолиб, таржимадаги миллий колоритга путур етган. Бу икки миллат орасида лингвокультурологик ўзига хосликлар борлигини кўрсатади.

«Бобурнома»нинг деярли барча илмий нашрлари асосида Қозон ва Лондон нашрлари туради. Шу жумладан, Р. Р. Арат томонидан қилинган таржима ҳам айнан шулар асосида яратилган. Бу ерда энг катта нуқсон иккала асос нашр ҳам араб алифбосида ёзилмаганлигида намоён бўлади<sup>74</sup>. Бироқ Р. Р. Арат асардаги ҳар бир сўз ва иборани таржима қилишга ниҳоятда эҳтиёткорона ёндашади. Сўзнинг маъно чегарасидан чиқмаслигини таъминлашга ҳаракат қиласди: «...ушбу навоҳида эканда бизнинг черик бориб, Ўғрай ва Даҳонадин ошлиқ келтурдилар»<sup>75</sup> жумлалари «Bu civarda iken askerlerimiz Guri ve Dehane taraflarina gidib erzak getirdiler» тарзида келади. Матннинг ўзбекча нашрида Ўғрай ва Даҳона деб келтирилса, туркча матнда бу сўз «Гури» яъни, Қоҳмирнинг шимолий шарқида жойлашган манзил, «Даҳона» эса Балхнинг жанубида жойлашган жой номи сифатида кўрсатилади. Бу маълумотларни китобхон тушунчасига етказиш, табиийки, таржимоннинг бутун диққат ва билими билан ўлчанади. Ана шунинг учун ҳам бадиий таржиманинг асосий шартларидан бўлган ҳар бир сўзнинг маъносини тўғри акс эттириш, асл нусханинг нозик индивидуал услугб хусусиятларини бутун мукаммаллиги билан сақлаб қолиш таржима назариясида муҳим ўрин тутади.

Таржимашунос олим Ф. Саломов таржима жараёни уч босқичдан иборат эканлигини таъкидлайди<sup>76</sup>. **Булар қўйидагилар:**

<sup>74</sup> Хайитов Ш. «Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши (ўзбекча туркча манбалар қиёсий таҳлили). Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2018. – Б .82.

<sup>75</sup> Захиридин Мұхаммад Бобур. «Бобурнома». Нашрга тайёрловчи С.Хасанов. – Тошкент, 2002. – Б.141.

<sup>76</sup> Саломов F. Таржима назарияси асослари. – Тошкент, 1983, – Б. 66.

1. Асл нусхани идрок этишда матн сўзма-сўз идрок этилади. Мазкур босқичда таржимон олдида баъзи бир қийинчиликлар туради. Буларга матнни нотўғри ўзлаштириш, яқин тилларда сохта эквивалентлар домига тушиб қолиш, матнда ишлатилган (масалан, «ўйлук» сўзига ўҳшаган, –таъкид бизники – Д.М.) баъзи хос сўзларнинг маъносига тушунмаслик кабилар киради. Р. Р. Арат таржимасини F. Саломов айтиб ўтган таржима жараёнининг биринчи босқичи асосида таҳлил қилсак, айрим сўзлар таржимасидаги қусурларни ҳисобга олмасак, бу ҳолатлар ижобий ҳал этилганига амин бўламиз.

2. Иккинчи босқичда таржимон муаллиф томонидан ишлатилган услубий омилларга эътибор қилиши назарда тутилади. «Бобурнома»нинг туркча матнига эътибор қаратадиган бўлсак, Р. Р. Арат асарда муаллиф қўллаган айрим сўзларга қўшимча изоҳ келтиради. Масалан, киши номлари, жой, ҳайвонот ва ўсимликлар номини таржима охирида бирма-бир интерпретациялаштиради (изоҳлайди, шарҳлайди, талқин қилади). Асадан ўрин олган хос сўзлар изоҳини агарда саҳифалар кесимида айтадиган бўлсак, 235 бетни қамраб олади. Демак, бу босқичдан ҳам таржимон ўринли фойдаланади.

3. Таржимон муаллиф томонидан яратилган бадиий воқеликни тўлалигича идрок этиши керак. Агар таржимон ҳақиқий санъаткор бўлса, асарда иштирок этувчиларнинг ўзига хос характер хусусиятларини, тилини тўлалигича идрок этиб, кенг мушоҳада юритади. Р. Р. Арат «Бобурнома»ни таржима қилар экан, уни аввал чуқур идрок этиш долзарб аҳамият касб этишини таъкидлайди. Ўзи ҳам аввал асарни ўқиб, тушуниб, сўнгра таржимага киришганини ёзади. Р. Р. Арат фикрига кўра, «Бобурнома» таржимасида энг муҳим жиҳат асар қўлёзмасини имкон қадар чуқур ўрганиш, шулар асосида аввал унинг қоралама илмий матнни тайёрлаш, матн ҳар жиҳатдан тўғри эканлигига амин бўлгандан сўнгги-

на нашрдан чиқарыш керак. Бироқ вақт тиғизлиги боис, түғрироғи, турк тарихи жамиятининг таржимани тезроқ нашр эттиришга бўлган талаби эвазига «Бобурнома» таржимасида ушбу муҳим жиҳатларга кам эътибор қаратилади.

Р. Р. Арат таржимаси F. Саломов айтиб ўтган таржима жараёнидаги учта муҳим босқичга мос келади. «*Vekayi*»да асл нусханинг индивидуал хусусиятларини сақлаб қолишга ҳаракат қилинади. У, айниқса, асардаги масал ва иборалар таржимасига алоҳида эътибор билан ёндашади: Ишонмагил дўстунгфа, сомон тиқар пўстунгфа (6.76) – *İnanma dostuna, saman doldurur postuna*(s.82),

Душман не демас, тушга не кирмас (6.117) – *düşman ne demez ve rüyaya ne girmez* (s.156),

Сафи мағлубро хуе басандаст(6.97) – *mağlup düşmana bir hey sesi kafidir* (s.121),

Тенг бўлмагунча тўш бўлмас (6.115) – *denk olmayan buluşmaz* (s.153) каби.

Тарихий асар нашр қилинганидан сўнг қанча кўп вақт ўтса, уни ўгирадиган таржимоннинг вазифаси шунча қийинлаша боради. Тарихий жой номлари ва ўтмишдаги воқеалар билан боғлиқ асарни таржима қилиш йиллар ўтган сайн мураккаблашиб боради. Бу ҳолни Бобурнинг «Бобурнома» асарида келадиган топонимик атамаларга нисбатан таржимонлар муносабатида ҳам кўриш мумкин. Шу боис ҳам Р. Р. Арат баъзи-баъзида интерпретация, яъни изоҳлаш усулидан фойдаланади. Шу орқали асардаги тушунилиши қийин бўлган сўзни ўқувчи онгига етказишга ҳаракат қиласди. Масалан: *kızıl söğüt - tabulgu, öny süslü elbesi - postını piş berre* сингари.

Р. Р. Аратнинг матн яратиш ва таржимадаги маҳорати воқеаларнинг бир бутунликда келишида кўринади. У асл нусханинг нозик индивидуал услугуб хусусиятларини бутун мукаммаллиги билан сақлаб қолишга ҳаракат қиласди. Масалан, таржимон асардан ўрин олган мақол, матал, афоризмлар ва шеъ-

«БОБУРНОМА» ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛарнинг қиёсий тадқиқи

ларини аввал қўлёзмадаги араб алифбосида<sup>77</sup>ги шаклини беради. Сўнгра унинг таржимаси келтирилади:

کوبو آзғе тинкрай дур بиркоچи  
بو درکهدا يوقтор کیشى نинک کوچى

(Кўп озға Тенгридур бергувчи,  
Бу даргоҳда йўқтур кишининг кучи).  
Туркча таржимаси: Çoğu ve azi veren Tanrıdır, bu  
cihanda insanın kudreti yoktur.

هر چه در آینه جوان بیند  
پیر در خشت پخته آن بیند

(Ҳарчи дар оина жавон бинад,  
Пир дар хишти пухта он бинад) – Ёш киши ойна-  
га қараб нимани кўрса, кекса одам ғиштга қараб ҳам  
шуни кўра олади.

Туркча таржимаси: (*Gencin aynada gördüğünü,  
ihtiyar pişmiş tuğlada görür*).

Р. Р. Аратнинг шеърлар матнини тайёрлашдаги  
тутган ушбу йўли бошқа нашрларда такрорланмайди.  
Бу усул шеърлар матнини ўз ҳолича ўқиш ва таб-  
дил этиш имконини беради.

Асарнинг туркча нашри биринчи жилдида Фарғона  
на воқеалари ифодаланади. Таржимани «Бобурно-  
ма»нинг 2002 йил нашри билан қиёслаганимиз-  
да шу маълум бўлдики, туркча матнинг биринчи  
жилдида айрим камчиликлар мавжуд, аммо у кўп  
жиҳатдан матншунослик талабларига мос келади.  
Фарғона воқеалари «Бобурнома»нинг С. Ҳасанов  
тайёрлаган илмий-танқидий матни билан деярли  
бир хил. Таржимадаги нуқсонлар, асосан, иккинчи  
жилдида кўринади.

Таржимон асарда келтирилган Қуръон оятлари-  
ни тафсири билан беради. Нашрда шахс номи, жой  
ва асар кўрсаткичлари мукаммал тарзда келтирил-  
ган. Масалан, олдинги нашрларда мавжуд бўлма-  
ган қавм-қабила ва насл-насад номлари, ҳайвон ва

<sup>77</sup> Эски ўзбек ёзувидаги имло туркча матнга мослаштириб ёзилди.

ўсимлил номлари, масал ва ҳикматли сўзлар, китоб ва рисолаларнинг номлари ва изоҳи таржимон томонидан қунт билан тайёрланган. Р. Р. Арат бу ўринда А. С. Бевериж тажрибасига таянгани сезилади.

Р. Р. Арат таржима сўнггида икки юз саҳифадан зиёд кўрсаткич ва изоҳлар луғатини тузади. «Бобурнома»нинг бошқа илмий-танқидий матнлардан фарқли равишда у асарда келтирилган ҳар бир шахс, жой, ҳайвон номларига батафсил тўхталади.

«Бобурнома» ҳам бадиий, ҳам тарихий-мемуар характерда ёзилган асар. Бундай асарлар таржимондан жуда катта маҳорат ва қунт талааб этади. Асар таржимасида Р. Р. Арат қўллаган транслитерация, адъеквация ва изоҳлаш методи бу борада анча қўл келганлигини кўрамиз.

Туркча таржимада паремияларнинг ифодаланиш статистикаси қўйидагича:

Мақол-маталлар ва афоризмлар сони ўзбекча матнда Збта. Туркча таржимада уларнинг барчаси акс этган, яъни мақол-матал ва афоризмлар 100% таржима қилинган. Таржиманинг ютуқ ва камчиликлари кейинги бобларда тавсифланади.

Фраземалар «Бобурнома»да 982та. Ушбу фраземаларнинг 30%и туркча матнда фразема шаклида акс этган, қолган қисми таржима жараёнида сўз, сўз бирикмаси, қўшма сўзга айлантирилиб таржима қилинган<sup>78</sup>. Мақол-матал ва фраземаларнинг ўзбек тилида бошқа тилларга нисбатан кўпроқ қўлланилиши бошқа тадқиқотларда ҳам кузатилган. Р. Ширинова шундай таъкидлайди: таҳлиллар натижасида шу нарса аниқландики, ўзбек адиллари француз ёзувчиларига қарагандан ўз асарларига бадиий сайқал бериш ва прагматик таъсирни кучайтириш мақсадида жуда кўп мақоллар ишлатганлар. Албатта, бу шарқ маданиятида халқ тажрибаси ва донолиги асосида пайдо бўлган мақолларнинг миллат тарби-

<sup>78</sup> Бу ҳақда ҳам кейинги бобларда батафсил маълумот берилади.

яси ва камолотида алоҳида ўрин тутганидан дало-лат беради<sup>79</sup>.

Таржимашунослик тарихидан маълумки, соф миллий руҳдаги сўзлар, термин ва ибораларни иккинчи бир тилда мумкин қадар тӯғри бериш масаласи анча мураккаб масала ҳисобланади. Бу ҳолатни таржимон Р. Р. Арат анча ижобий ҳал қилган дея оламиз. Таржимада ўша халқагина хос бўлган урф-одат, кийим-кечак номлари, мақол ва маталлар ўз таъсир доирасини сақлаб қолган. Таржимон сўз ва тушунчаларнинг маъносини баъзи бир ўринларда бошқа-бошқа сўзларга айлантирилиб қўйган. Аммо ушбу таржима ўз даврида бажарилган ишлар ичida энг аҳамиятлиси саналади. Бу ҳақда Ҳ.Бойир шундай ёзади: «Илк бора форс тилига ва бир қанча Европа тилларига таржима қилинган бу асарнинг турк тилига ўғирилмаганлиги катта камчилик эди. Тарих жамиятининг ташаббуси билан Р. Р. Арат бу камчиликни бартараф этди. Р. Р. Арат асарда таржиманинг қийинчиликларини айтар экан, ҳар доим янада мукаммалликка эришишга ҳаракат қилган олим таржимада йўл қўйилган камчиликларини ўзи асослаб кўрсатади. Лекин ишончимиз комилки, ғарб тилларига таржима қилинган бу асар бизнинг тилимизга энг мукаммал шаклда ўғирилмаган бўлса-да, шунга жуда яқиндир ва бундан ортиғи бўлмайди ҳам. Бизнингчча, Р. Арат томонидан амалга оширилган ушбу таржима мен кўрган французча ва инглизча таржималардан анча устундир»<sup>80</sup>.

«Бобурнома»нинг профессор Раҳмати Арат томонидан 1943-1946 йилларда амалга оширилган таржимаси 1970, 1985, 1986, 1987, 1989, 2000 йилларда қайтадан нашр этилади. Шулардан 1943-1946

<sup>79</sup> Ширинова Р. Х. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши. Филол. фан. бўйича док. (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент, 2017. – Б.17.

<sup>80</sup> Gazi Zahirüddin Muhammed Babür. Vekayi (Babür'un Hatıratı). – Ankara, 1987. – Б.020.

ҳамда 1987йиллардаги нашрлари «Vekayi», қолган йиллардаги нашрлари эса «Babürname» номи билан нашр этилган. Күриниб турибдикى, Мирзо Бобурнинг ҳаёти ва ижоди турк адабиётида мунтазам ўрганилмоқда ва халқаро илмий ҳамкорлик воситаси-га айланиб бормоқда. Бу ҳам ўзбек халқининг улуг истеъоди, ифтихоридан нишонадир.

«Бобурнома» жаҳон адабиётининг нодир дурдо-наси ҳисобланади. У ўзининг таржималари билан барча халқлар адабиётига бемисл ҳисса қўшган. Асар дунё тилларига таржима қилинишининг та-рихий ва тадрижий жараёнларини кўриб чиқиш ас-носида, таржимонларнинг аслиятни қайта тиклаш жараёнида неқадар машаққатли ва шарафли йўлни босиб ўтганлигини кўриш мумкин. Бунинг натижа-си ўлароқ бугунги «Бобурнома»нинг жаҳон юзини кўриши учун етарлича тадқиқотлар амалга оши-рилган. Ҳозирда «Бобурнома» ва унинг таржима-сига тегишли бўлган тарихий ҳужжатлар дунёнинг 23 кутубхонасининг ноёб мулки ҳисобланиши ҳам асар салоҳиятининг нечоғлик юқори эканлигини кўрсатади. Асар таржималарининг тадқиқоти шуни англатадики, ҳар қандай вазиятда ҳам таржимон аслиятдан йироқлашмаслиги, асар замиридаги сўз ва фраземалар, реалиялар ёки жой номлари, тарихий шахслар исмларини таржима қилишда эҳтиёт-корлик билан ёндашиши лозимлигини кўрсатади. Чунки аслият мансуб бўлган халқ урф-одатлари ва миллий-маданий хусусиятларини, диний, иқтисодий-ижтимоий турмуш тарзини мукаммал ўрган-май туриб, асарда тасвирланган воқеа-ҳодисалар тўғрисида етарли тасаввур ҳосил қилиш, шакл ва мазмуннинг уйғуналигидан иборат таржима яратиш жуда қийиндир. Ҳар қандай аслмонанд таржима за-мини шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигини ташкил этадики, унинг мазмунига кўпроқ урғу бе-риб, шаклга эътиборни сусайтириш асарнинг бади-

**«БОБУРНОМА» ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛарНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ**

ий ва миллий хусусияти, тарихий ўзига хослигига путур етишига олиб келади.

«Бобурнома» таржималари ичида шунчаки ўзга тилга таржима қилинганлиги билангина аҳамиятли бўлган таржималар талайгина, шу билан бирга асар аслиятига анча яқинлашган, тўлиқ ва эътироф этишга арзирли таржималар ҳам мавжуд. Бундай ишларга инглизча ва туркча таржимани мисол қилиб келтириш мумкин. Йиллар ўтгани сари «Бобурнома»га қизиқиш ҳам кучайиб бормоқда. Бунинг ёрқин мисоли қилиб сўнгги йилларда асарнинг янги-янги тилларга таржималарининг амалга ошаётганини, туркий миллатлар орасида ҳам «Бобурнома»нинг бир неча таржима нусхалари пайдо бўлаётганлигини эътироф этишимиз мумкин.

«Бобурнома»нинг таржималарини ўрганиш жараёнида икки хусусият кўзга ташланди:

А) қариндош бўлмаган тилларга қилинган таржималарда матнни тўғри англамаслик ёки сўз маъноларига беэътибор қараш натижасида кўплаб нуқсонлар қўзга ташланади. Юқорида бундай нуқсонларнинг исм билан, жой номлари билан, урф-одат билан боғлиқ турларини келтириб ўтдик.

Б) қардош туркий тилларга қилинган таржима нисбатан кам нуқсонли бўлади, чунки миллати, урф-одати, яшаш тарзи ўхшаш бўлган миллатлар бир-бирларининг тилларидағи маъно товланишларни яхши илғайдилар.

## II БОБ «БОБУРНОМА»ДАГИ МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАР ТАРЖИМАСИННИГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

### 1 §. Паремиология ва паремиялар тавсифи

Фольклоршунос олимлар мақоллар ва маталларни ўрганувчи соҳани паремиология деб аташади. Паремия – юононча «чукур маъноли гап, ҳикматли сўз, ибора, мақол, матал» маъносини беради. Паремия барқарорлик ҳодисаси бўлиб, бир бутун мазмунни, семантик бутунликни англатади.

Ҳар бир киши тилимиздаги 800 га яқин мақол, матал ёки афоризм ҳақида тушунчага эга. Лекин тилнинг паремиологик бойлиги бир неча ўн минглаб паремияларни ўз ичига олади. Кейинги йилларда тилшуносликда ҳамда лингводидактикада паремиологик луғат, паремиологик ўқув-луғатлари тузишга катта эътибор берилмоқда<sup>81</sup>.

Паремиология коинот қонуниятларини кузатиш, турмуш тажрибаларига суюниш асосида чиқарилган хулосаларни ифодаловчи, халқнинг жамиятга муносабати, руҳий ҳолати, этник ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатларини мужассамлаштирган, авлоддан авлодга оғзаки шаклда кўчиб юрувчи, ихчам ва содда, қисқа ва мазмунли мантиқий умумлашмада пайдо бўлган мақол, матал, ибора, афоризм кабиларни- паремияларни ўрганади. Паремия – юононча «чукур маъноли гап, ҳикматли сўз, ибора, мақол, матал» маъносини беради<sup>82</sup>. Паремия барқарорлик ҳодисаси бўлиб, бир бутун мазмунни, семантик бутунликни англатади.

Паремияларда инсоният тафаккури ва хулқ-атвори ўз ифодасини топади. Шунинг учун паремиялар

<sup>81</sup> Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик лугати. – Тошкент, 1984.

<sup>82</sup> Amanov A.T. Paremiyalarning xususiyatlari va ularni madaniy meros sifatida o'rganish // Ilmiy axborotnoma, – Samarqand, 2016. №4. – Б. 215.

кейинги йилларда вужудга келган антропоцентрик парадигманинг тадқиқот обьекти деб олинган. Антропоцентризм лингвистикада қуидаги масалалар билан шуғулланади:

- 1) шахс факторларининг тилда намоён бўлиши;
- 2) тилнинг шахс тафаккури ва феъл-авторига таъсири;
- 3) тил ва жамиятнинг ўзаро таъсири;
- 4) тил ва халқ руҳиятининг ўзаро таъсири;
- 5) миллӣй менталитет ва халқ ижодининг боғлиқлиги

Паремия фразеологик қатламнинг энг бой ва жуда экспрессив намунаси ҳисобланади. Паремиялар фақатгина мақол ёки ибора ҳисобланиб қолмасдан, улар ўзида кўчма маъно билан биргаликда халқ, миллат маданиятини акс эттиради. Демак, паремиялар нафақат тил маҳсули, балки халқ ва бутун бир миллат маданий бойлигининг тилдаги гўзал ифодасидир.

Маълумотларга кўра, паремиология термини XII асрда юзага келган ва фан сифатида ўрганила бошлаган. Грекча *paroimia* – «ҳикматли сўз, зарбулмасал» маъносини англатиб, ўша пайтларда черковларда бўлиб ўтадиган байрамларда ўз маъносига кўра ишлатилган. Паремия айтувчилар алоҳида ҳурматга сазовор шахслар эди, улар маҳсус таклиф билан бой хонадонларга ва черковларга бориб, байрамларда ҳикматли сўзлар айтганлар. Шунинг учун ҳам халқ паремиялари йигилган китоб «паремейник» деб аталган. В.И.Даль паремияни «ўқимишлилар сўзи» деб атайди<sup>83</sup> ва паремия ўқиладиган кечада ўқимишли, зиёлилар иштирок этишини келтириб ўтади. Паремиялар кўпроқ панд-насиҳат руҳида ёзилган.

Паремиология фани борасида кўпгина тилшунос олимлар илмий изланишлар олиб борган. Уларнинг ҳар қайси бири ушбу термин тўғрисида ўзларининг

<sup>83</sup> Даль В. Пословицы русского народа. Изд.4, – Москва, 1957.

алоҳида фикрларини билдиришган. Жуда катта давр ичида олимлар, тилшунослар ҳар бири уларни, яъни паремиология фанининг объектларидан бири бўлмиш мақолларни ўзича тасниф қилган. Натижада мақолларни тасниф қилишнинг бир неча тури вужудга келган.

Паремиология фанининг асосчиси машхур немис тилшуноси К. Ф. Вангердир. Унинг фикрича, бу фанининг объекти мақоллар, маталлар ҳисобланади, яъни уларни тадқиқ этиш мазкур фанинг бош мақсадидир. Илмий паремиологиянинг асосчиларидан бири эса Г. Л. Пермяковдир. 60-йилларда Г. Л. Пермяков шарқ халқлари мақол ва маталларини қиёсий ўрганиш асосида ўзининг умумий «клише» назариясини яратди ва шу билан «халқ орасида кенг тарқалган иборалар»ни ички шакл ва маъно хусусиятлари асосида изчил таснифлаб берди. Ҳар бир тилнинг луғат захирасида мураккаб ўзига хос қолиплар (клишелар) бўлади, яъни турғун, нутқда тайёр ҳолда қўлланиладиган, бўлинмас оборотлар мавжуд бўлади. Булар фразеологизм-идиомалар, ҳар турли мақоллар, маталлар, «қанотли сўзлар», муаллифнинг халқ ҳикматли сўзлари, семиотика (белгилар ҳақидаги фан)да осон тафаккур қилинадиган одатий газета ва адабий штамплар ва бошқа»лар<sup>84</sup>. Г.Л.Пермяков таърифича, «мураккаб клише» (сложное клише) энг умумий тушунча бўлиб, муайян бир қолипда доимо такрорланувчи муқим сўз бирикмаларини англатади. Булар, ўз навбатида, бир неча гурӯхга бўлинади:

1. Фразеологизмлар. Уларнинг энг умумий хусусияти шаклан камида икки алоҳида сўздан иборат бўлиб, маъно жиҳатидан ягона тушунчани билдиради, яъни қандайдир алоҳида нарса-ҳодиса (вещь) нинг белгиси (знак) бўлиб келади. Демак, фразеологизм шаклан бир неча сўздан иборат бўлса ҳам, маъно жиҳатидан одатда бир сўзга тенгдир.

<sup>84</sup> Пермяков Г.Л. От поговорки до сказки (Заметки по общей теории клише). – Москва, 1970, – С.8.

2. Мақол ва маталлар. Булар шаклан тұлық ёки нотүлиқ, мураккаб ёки содда жумлага тенг бўлиб, мазмунан бир нарса-ҳодисани эмас, балки муайян нарса-ҳодисалар орасидаги муносабатнинг, яъни муайян вазият (ситуация) ёки ҳолатнинг белгиси бўлиб келади. Мақол ва маталлар ҳар қанча мураккаб бўлса-да, бир жумладан ташқари чиқмайди.

3. Бир неча жумладан ташкил топган қайтариувчи матн бирликлари (сверхфразовое единство). Булар халқ оғзаки ижодига тааллуқли турли ихчам жанрлар, кичик масаллар, латифалар, топишмоқлар, парафразалар, эртаклар ва бошқаларни ўз ичига олади<sup>85</sup>.

Албатта, Г.Л.Пермяковнинг таснифи мукаммалиги ва кўп қирралилиги билан бу соҳадаги барча ишлардан ажralиб туради ва олимнинг ҳам мантиқий таҳлилда, ҳам ахборот (информацион) қамро-віда ниҳоятда қудратли эканидан хабар беради.

Кейинги йилларда Америка олими Алан Дандис, фин олимлари Матти Кууси, венгер олими Вильмош Фойт, З.Каньо, инглиз олими Н.Барли, рус олимлари Ю.И.Левин, М.А. Черкасский, эстон олими А.А.Крикманн ва бошқаларнинг назарий мулҳозалари ва амалий тадқиқотлари паремиология илмини бугунги босқичда ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу тадқиқотлар кўпчилигининг асосида Г.Л.Пермяков яратган изчил назарий системани ўёки бу даражада тўлдириш ва такомиллаштириш ётади.

М.Д.Джусуповнинг таъкидлашича, «паремиялар, яъни мақолларни ташкил этувчи сўз-компонентлар, уларнинг луғавий маъноларидан келиб чиқувчи идиомаларда ҳар бир халқнинг оламни образли кўриш, миллий маданият, анъана, одатлар, расм-руслумлари акс этади»<sup>86</sup>.

<sup>85</sup> Пермяков Г.Л, Пословицы и поговорки народов Востока. – Москва, 1979, – С.19.

<sup>86</sup> Джусупов М., Алибекова К., Мажитаева Ш. Специальная лексика и пословицы (лингвоконтрастивные и методические аспекты). – Тошкент, 2013. – Б. 55.

Паремияга тааллуқли ўзбек тилшуносларининг ишларига назар ташласак, Х.Бердиёров ва Р.Расуловнинг «Ўзбек тилининг паремиологик луғати»ни тузганлиги, Ш.Раҳматуллаевнинг ўзбек фразеологияси, О.Мадаевнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини таъкидлаш зарур. Ўзбек тилшунослигида паремияларни тўплаш ва ўрганиш Маҳмуд Кошғарий («Девону луғатит турк») ва Гулханий («Зарбулмасал») замонларидан ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Маҳмуд Кошғарий «оталар сўзини эсламоқ» маъносидা «сав» атамасини келтиради. Кейинчалик Алишер Навоий мақолдан мисол келтиради ва «масал» атамасидан фойдаланади. Ўзбек халқ мақолларига муайян бир тартиб бериб, мажмуя ва хрестоматияларга киритиш, улардан маҳсус тўплам тузиш ишлари эса XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Иборалар фольклоршуносликда паремик тур сифатида Ш.Шомақсудов ва С.Долимовлар томонидан ўрганилган.

И.Баёнхонова паремияни қуйма фикрни ифодаловчи энг майда бирлик, деб таърифлар экан, бу бирликлар сифатида мақол, матал, афоризмларни қайд этади<sup>87</sup>.

Рус тилшунослигида бўлгани сингари туркийшунослика ҳам фразеология доирасини тор ва кенг маънода тушуниш ҳамон давом этиб келмоқда. Жумладан, акад. С.К.Кенесбоевнинг фикрича, фразеология доирасига кенг маънода барча турғун бирикмалар (мақоллар, маталлар, идиоматик бирикмалар, сўзларнинг ноидиоматик, турғун фразеологик гурухлари ва жуфт сўзлар) киради. Уларни бирлаштирувчи умумий хусусият турғунлик ва тилда тайёр ҳолда мавжудлиkdir.

С.К.Кенесбоев турғун сўз бирикмалари орасидан фразеологияни тушуниш учун бевосита асос бўла оладиган гурухларни алоҳида ажратиб кўрса-

<sup>87</sup> Баёнханова И. Турли тизимдаги тилларда паремияларнинг умумий жиҳатлари. Хорижий филология. №2, 2014. – Б.30.

тади. Бундай гурухларга идиоматик ва ноидиоматик бирикмалар, ақад. В.В.Виноградов фразеологик қүшилмаларга киритган фраземалар ҳамда қўшма жуфт обортлар киради<sup>88</sup>.

Хозирги кунда олимлар паремиологиянинг ўрганиш обекти сафига олдингидан қўпроқ бирликларни қўшмоқдалар. Масалан, “паремиологик тўпламларда мақол ва маталлар ўзларига нутқ жозибадорлигини оширувчи ифодалар, тез айтишлар, топишмоқлар, ривоятлар, қишлоқ хўжалик аломатлари ва ҳатто туш таъбирларини ҳамроҳ қилмоқда”<sup>89</sup>. “Мақол жанрлари” кенгаймоқда: уларга нафақат мақол ва маталлар, балки мақолли қиёслаш, мақолли муболаға, мақолли саволлар, валеризмлар киритилмоқда<sup>90</sup>; нафақат халқ мақол ва маталлари, шунингдек, ўткир ифодалар, миш-мишлар, нутқ жозибадорлигини оширувчи ифодалар, эртакнинг муқаддима ва хотима қисми, топишмоқлар, аломатлар, ҳазил-мазах ифодалар, ёинки халқ нутқига оид барча бирликлар қўшилмоқда; мақол ва маталлар, топишмоқлар, нутқ жозибадорлигини оширувчи ифодалар(фраземалар), латифалар, ривоятлар, тилаклар ва бошқа бир қанча нутқий кўринишлар<sup>91</sup> берилмоқда.

Айилчиева Д.Т., Калмурзаева А.А., Жусупова А.А. лар ўзларининг илмий изланишларидан бирида паремия атамаси остида фольклорнинг кичик жанрлари: мақол, матал, афоризм, топишмоқ, валеризмлар,

<sup>88</sup> Кенесбаев С.К. Фразеологические парные выражения в казахском языке // Известия АН Каз.ССР, серия филологическая. № 82. выпуск 6. – Алма-Ата, 1952. – С. 3-13.

<sup>89</sup> Алефиренко Н.Ф. Фразеология и паремиология. Учеб. пособие для бакалаврского уровня филол. образования. – М., Флинта. Наука. 2009. – С.243

<sup>90</sup> Антонова О.Н. Функциональные свойства паремий . Трансформов ванглоязычном публицистическом дискурсе. Автореф. дис . канд. филол. наук. – М., 2012. – С.9.

<sup>91</sup> Сперанская А.Н. (1999). Правила речевого поведения в русских паремиях. Автореф. дис . канд. филол. наук. Красноярск – С.6

тостлар, олқыш ва қарғышлар ва бошқаларинг тушиунилишини қайд этадилар<sup>92</sup>.

Олимларимиз томонидан паремиологияга оид қатор тадқиқотлар олиб борилган<sup>93</sup>. Ўзбек тилидаги ҳикматли сўзлар тўплами 1923 йилда «Ўзбекча оталар сўзи» (тўпловчи ва тузувчи Мулло Бекжон Раҳмон ўғли) деб номланган бўлса, 1926 йилда нашр этилган тўплам «Ўзбек мақоллари» (тўпловчи ва тузувчи Шерали Рӯзи) деб аталди. Шу даврдан бошлаб «мақол» атамаси жанр сифатида кенг ўрин олди, дейиш мумкин. Шундан кейин Б. Каримов, Ш. Ризо, Ў. Азимов, Ў. Холматов, Ҳ. Зариф, М. Афзалов, С. Иброҳимов, С. Худойберганов, Р. Жуманиёзов, М. Аҳмадбоева, Э. Сиддиқов, Т. Мирзаев, К. Имомов, Ф. Жаҳонгиров, С. Қосимов, З.Хусайнова, Б. Саримсоқов, А. Мусақулов, М. Жўраев каби ўнлаб олим ва зиёлилар халқ мақолларини тўплаш ва ўрганишда фаол иштирок этдилар. Айниқса, 1987-1988 йилларда икки жилдан иборат «Ўзбек халқ мақоллари» китобларининг нашр эттирилишини бу соҳадаги алоҳида воқеа сифатида таъкидлаш мумкин.

Абдулҳамид Нурмонов икки ва ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган, нутқ жараёнига тайёр ҳолда олиб кириувчи, тил эгалари хотирасида имконият сифатида мавжуд бўлган тил бирликлари барқарор бирикмалардир<sup>94</sup>, – дейди.

Олим барқарор бирикмаларнинг энг характерли белгиларини куйидагича ифодалайди:

1. Нутқ жараёнига қадар тилда мавжудлик: нутққа тайёр ҳолда олиб киришлик.

2. Маъно бутунлиги.

<sup>92</sup> Айылчиева Д.Т., Калмурзаева А.А., Жусупова А.А. Паремии в произведениях Ч.А. Айтматова <http://arch.kyrlibnet.kg/?&page=view&nadd=3594>

<sup>93</sup> Бердиёров X., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик лугати. – Тошкент, 1984.

<sup>94</sup> Нурмонов А ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-китоб. – Тошкент, 2015. – Б. 225.

3. Тузилиши ва таркибининг барқарорлиги<sup>95</sup>.

Барқарор бирикмаларни ўрганувчи тилшунослик бўлими паремиология (лот. паремия – барқарор, логос – таълимот), барқарор бирикмалар луғатини тузиш муаммоларини ўрганувчи бўлим эса паремиография (лот. паремия – барқарор, графо – ёзмоқ) саналади. Барқарор бирикмалар нутққа тайёр ҳолда олиб кирилиши, таркибий қисмларининг барқарорлиги белгисига кўра умумийликни ташкил этса ҳам, маъно бутунлиги нуқтайи назаридан турличадир. Шунга кўра барқарор бирикмалар қуидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Фразеологизмлар.
2. Мақол ва маталлар.
3. Афоризмлар.

Биз паремияларни ўрганишда Г.Л.Пермяков ва А.Нурмоновларнинг таснифига асосландик. Юқоридаги тадқиқотларга таяниб, паремия доирасида «Бобурнома»даги мақол, матал, афоризм ва фраземаларни таҳлил қилдик.

Турк тилшунослигига паремиология ва паремияга қуидагича таъриф берилади: Bugün dilbiliminde frazeoloji ya da idiomatik adı verilen, dilde birden çok ögeden kurulu kalıplılmış birimlerin tümünü inceleyen bir çalışma alanı vardır. Yine bu türden ögelerden olan atasözleri, paremioloji denen bir alanda incelenmektedir<sup>96</sup>. (Бугунги тилшунослиқда фразема ва идиома номи берилган, тилда бирдан ортиқ сўзлардан ташкил топган бирликларни умумий ўрганувчи бир йўналиш мавжуд. Мақоллар ҳам ана шундай бирликлар сирасига киради ва бу йўналишнинг номи паремиологиядир. – Таржима бизники – Д.М.)

Paremioloji terimi Latince «paroemia», Yunanca «paroimia» + «ology» sözcüklerinin birleşiminden oluşup atasözleri hakkında bilim anlamına gelmektedir.

<sup>95</sup> Нурмонов А ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-китоб, – Тошкент, 2015. – Б. 225.

<sup>96</sup> Aksan, D. Türkçenin Sözvarlığı. – Ankara, 1996. S.171.

Ahlaki – öğüt niteliğinde ve mecazi anlam taşıyan atasözleri paremiyalar adlanmaktadır. Paremiya Yunanca asılı kelime olup anlamı, «atasözleri» demektir<sup>97</sup>. (Паремиология термини лотинча «paroemia», юонча paroimia+ology сўзларининг қўшилишидан ташкил топган бўлиб, «мақоллар ҳақида билим» маъносини билдиради. Тарбиявий-ахлоқий характерга эга бўлган ва мажозий маъно ифодалайдиган мақол-маталлар паремиялардир. –Таржима бизники-Д.М.).

Юқоридаги фикрлардан турк тилшунослигига ҳам паремияларни таснифлашда иккى хил қарашиб мавжуд эканлиги кўринади.

Паремиялarda инсоният тафаккури ва хулқ-атвори ўз ифодасини топади. Шунинг учун паремиялар кейинги йилларда вужудга келган антропоцентрик парадигманинг тадқиқот обьекти деб олинган. Антропоцентризм лингвистикада қуидаги масалалар билан шуғулланади:

- 1) шахс факторларининг тилда намоён бўлиши;
- 2) тилнинг шахс тафаккури ва феъл-атворига таъсири;
- 3) тил ва жамиятнинг ўзаро таъсири;
- 4) тил ва халқ руҳиятининг ўзаро таъсири;
- 5) миллий менталитет ва халқ ижодининг боғлиқлиги.

Паремия фразеологик қатламиининг энг бой ва жуда экспрессив намунаси ҳисобланади. Чунки паремиялар фақатгина мақол ёки ибора ҳисобланниб қолмасдан, улар ўзида кўчма маъно билан биргалиқда халқ, миллат маданиятини акс эттиради. Демак, паремиялар нафақат тил маҳсули, балки халқ ва бутун бир миллатнинг маданий бойлигининг тилдаги гўзал аксидир.

Мақол бу – ихчам, қисқа шаклга келтирилган, инсонларга панд – насиҳат улашадиган, огоҳ бўлишга

---

<sup>97</sup> Suleymanova G. Oğuz grubu türk lehçelerinde organ isimleri ile yapılan deyiimler (rusça ve ingilizce ile karşılaştırmalı çözümlenmesi). – Mayıs, 2018. – S.16.

ундайдиган «гап»дир<sup>98</sup>. Мақоллар рамзий «ҳикоя» бўлиб, мустақил бир фикрни англата олади ва бу билан улар маталлардан қисман фарқланади. Демак, мақоллар мустақил фикрни англатади. Маталлар мустақил фикр англатмайди ва мустақил ҳам саналмайди, чунки улар фақатгина образли ифода билангина чекланиб қолади. «Матал бу – ҳали пишиб етилмаган мева» ёки бошқачароқ айтадиган бўлсак «ярим мақол ибора»дир<sup>99</sup>. Бундан кўриниб турибдики, «мақол» ва «матал» тушунчалари айнан бир хил эмас, балки маълум жиҳатдан фарқланади. Мақол ва маталнинг асосий фарқи мақолнинг ритмик кўриниши ва унда қофияларнинг тушиб қолмаслигидир. Демак, мақол ва маталларни фарқлашда биз уларнинг ритмик қурилишига ва қофияланишига эътибор қаратишимииз лозим бўлади. Мақоллар абстракт ёки масал, рамзий ҳикоя тарзида учраши мумкин ва бу билан улар маталлар ва иборалардан фарқ қиласди. Маталлар мустақил гаплар ҳисобланмайди, чунки улар аниқ бир фикрни ифода этиш ўрнига фақат образли ифода билан чекланиб қолади. Мақоллар бошқа фразеологик бирликлардан маъноси жиҳатидан ва структура (тузилиш) жиҳатдан фарқ қиласди. Булар халқ оғзаки ижодида қотиб қолган, халқдан халққа ўтиб келаётган қисқа шаклдаги чуқур маъноли ҳикоят, ҳикматли гаплардир. Улар, одатда, гап шаклида бўлади ва фикрни бирмунча образли, мавхум тарзда акс эттиради. Мақоллар «микротекстлар» бўлиб, улар худди лексик бирликлар каби контекстда репродукция қилинмайди, балки «цитаталар» шаклида берилади. Мақоллардан фразеологик бирликлар яратиш мумкин.

«Афоризмлар – (юнонча «aphorismos» – ҳикматли сўз) ихчам шаклли, чуқур мазмунли, муаллифи аниқ

<sup>98</sup> Жўрасева Б. Мақол-матал типидаги паремалар // Ўзбек тили ва адабиёти, № 5, – Тошкент, 2005.

<sup>99</sup> Садриддинова М. З. Ўзбек мақол ва маталлари лексикаси. – Тошкент, 1985. – Б.97.

гап; ҳикматли сўзлар. Афоризмлар мақоллар сингари бирор нарса ҳақида баҳс юритмайды, балки инсон онгига таъсир этади. Афоризмлар, таърифдан күриниб турибдики, мақоллардан аниқ муаллиф томонидан яратилғанлиги билан ажралиб туради. Ҳикматли сўзларнинг мақолдан яна бир фарқли жиҳати ҳам мақол маъносининг икки жиҳатга эга эканлигидир. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳикматли сўзлар фақат ўз маъносида келса, мақоллар ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода қўллана олади.

Мақол, матал, афоризм ва фраземалардан ташқари, баъзи олимлар томонидан паремиялар таркиби га топишмоқ, тез айтиш ва тасвирий ифодалар ҳам киритилади. Биз ишимизда бу бирликларга тўхтамадик, чунки бизнинг объектилизм бўлган «Бобурнома»да топишмоқ, тез айтиш кабилар учрамайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб келган мақол ва маталлар халқимизнинг дунёқарashi, жамиятга бўлган муносабати, ахлоқий нормаси, тарихни ва руҳий ҳолатни ифодалайди. Улар ўзининг тузилиши жиҳатидан қисқа, лўнда, пухта мантиқли, фикран тугалланмаган ва сиқиқ ишланган бўлади. Мақоллар кишининг онгини ўстиради, уларни тўғри, ростгўй, меҳнатсевар, мард, саботли ва матонатли бўлишга ўргатади, кишидаги яхши инсоний фазилатларни тарғиб этади. Фикрни қисқа, аниқ ифодалашга ўргатади. Айтмоқчи бўлган фикрлар образли қилиб ифодаланади.

Паремиологияда фикрни ифодаловчи энг майда бирлик паремия деб аталади. Паремиялар сўзлардан тузилиб, маълум бир фикрни ифодаловчи гаплардан иборат бўлгани учун тилшуносликнинг ҳам ўрганиш объектидир, чунки улар сўзлардан ҳосил бўлишига кўра оддий гапларга ўхшаса ҳам, мазмуни, структураси, оҳангি ва бошқа грамматик хусусиятлари жиҳатидан ўзига хосликларга эга. Ҳозирги замон тилшунослари олдига қўйилган дол-

зарб масалаларидан бири, паремиологиянинг объектларини аниқ белгилаб олиш, уни кенг доирада ва алоҳида бир фан сифатида ўрганишдир. Шу жумладан, паремияларни бошқа тиллардаги эквивалентлари билан қиёсий тарзда ўрганиш ва таҳлил килиш муҳим аҳамият касб этади.

## 2 §. «Бобурнома»даги паремиялар таснифи

Мақол халқнинг панд-насиҳати, маънавий-ахлоқий холосаси, халқ миллий руҳининг акс-садоси, тил табиатининг ҳикматли мезонидир. Мақол тўқилмайди, балки маълум шароит тақозоси билан яратилади. Мақол чуқур ижтимоий, ахлоқий, фалсафий-ҳикматона мазмунга эга<sup>100</sup>. Шу сабабли баъзи мақоллар бутун бир роман ёки драманинг мазмунини ўзида ифодалаши мумкин. Маълумки, мақоллар ҳар бир халқ маданиятининг кўзгуси ҳисобланиб, уларнинг замирида халқнинг урф-одати, удуми, доно қадриятлари, миллат дунёқарashi ва миллий манзарасини очиб берувчи маъно ва мазмун ётади<sup>101</sup>. «Бобурнома»да ҳам бирор воқеани тасвиrlаётганда муаллиф кўпроқ мақоллар билан изоҳлашга ҳаракат қиласди. Бу билан воқеанинг таъсир кучи, образлилиги ортади. Масалан, тенг бўлмагунча тўш бўлмас<sup>102</sup>(б.115.) мақолини Бобур Афғонистондаги баъзи тоғлар ҳақидаги тасаввурлари тасвирида келтиради. Айтилишича, бу тоғлар паст-паст, дараҳт ўсмайди, суви танқис, ўти оз, хуллас, нобоп ва кўримсиз тоғлар. Айни пайтда «Тоғлари эллариға муносиб тушубтур», яъни тоғлари

<sup>100</sup> Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. – Тошкент , 1983. – Б.118.

<sup>101</sup> Ширинова Р. Х. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши. Филол. фан. бўйича докторлик (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент, 2017. –Б.15.

<sup>102</sup> «Бобурнома»дан келтирилган парчалар куйидаги нашрдан олинди: Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 2002. Сахифалар кавс ичida кўрсатилади.

халқига мос. Бундан Бобур мирзонинг бу тоғ элини хушламаганлиги маълум бўлади. Шу ўринда муаллиф халқи ёмон, саркаш, бадхулқ каби сифатларни келтириб ўтирумайди, шу мақолни келтириш билан қўнглидагини тушунтириб қўя қолади. Бу мақол ҳозирги кунда «Ўхшатмасдан учратмас» шаклида қўлланилади.

Матал эса нарса ва ҳодисаларни образли ифодаловчи, тилда кенг истифода этиладиган нутқ бирлиқdir. Матал сўзловчининг ўз нутқи мазмунига муносабатини ифодалайди. Мақол билан матал ўртасида умумийлик кўзга ташланади. Бу умумийлик шундан иборатки, ҳар иккала категория ҳам (мақол ва матал) нутқни жонлантириш, жозибадор ва образли қилиш, фикрни тайёр нутқ қолиплари, формуласлари билан ифодалаш, уни мазмундор қилишда ишлатилади. Лекин шу билан бирга, тугал фикрни ўзида ифодалаган мақоллардан маталлар жиддий фарқ қиласди. Матал айтилмоқчи бўлган фикр, муддаони бошқа воситаларни гўё мутасадди қилган ҳолда ифодалайдиган кўчма маъноли нутқий таркиб бўлиб, унда хулоса бўлмайди, балки унинг ўзи бирон хулоса келтириб чиқариш учун хизмат қилади. Матал фикрни тугал баён этмай, балки учга ишора қиласди<sup>103</sup>.

Масалан, *Кўзларини туз тутти* матали ўзидан аввалги фикрларга бевосита боғлиқ бўлиб, олдинги фикрга ишора қилиш хусусиятига эга. Бу матал Бобурга хиёнат қилиб аввал Аҳмад Танбалга, кейинчалик Шайбонийхонга хизмат қилган Мұхаммад Дўст отли бекка нисбатан айтилади. Айтилишича, охири Шайбонийхонга ҳам кўрнамаклик қилиб қочганда, тутиб кўзларини кўр қилишади, Бобур фикрини *кўзларини туз тутти* матали билан хулосалайди.

Ҳар бир афоризм, алоҳида олиб қараганда, ўзича бир тугал асар. Ҳикматли сўзлар таржимасида бош

---

<sup>103</sup> Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. – Тошкент, 1983. – Б.118.

«БОБУРНОМА» ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

мезон шакл гўзаллиги бплан бирга, даставвал, маънени рўёбга чиқаришдан иборат. Акс ҳолда, ҳикмат ва каромат ғойиб бўлиб, мантиқий чалкашлик пайдо бўлади<sup>104</sup>. Афоризмлар, ўз номидан англашилганидек, ҳикматли бирор фикр айтиш учун ишлатилиди. «Бобурнома» турли ибратли мавзулардаги ранг-баранг афоризмлар қўлланилган. Уларнинг умумий миқдори ўттизга яқин. Асардаги аксарият афоризмлар форсчада қўлланган, масалан,

*Ту бад кунандай худро ба рўзғор супор,*

*Ки рўзғор туро чокарест кинагузор* (б.151.)

яъни сен ўзингга ёмонлик қилганни турмушга топшир, турмуш сенинг ўч олувчи хизматкорингдир.

Биз таҳлилга тортаётган афоризмларнинг ўнтаси туркийда. Масалан,

*Бормоқقا не маскане муюссар,*

*Турмоқقا не маъмане муқаррар.*

Афоризмларнинг бир нечтаси насрий йўл билан, аксарияти шеърий шаклда битилган.

«Бобурнома»да мақол ва маталлардан шахс ва вазиятларни янада ёрқинроқ тасвиrlашда унумли фойдаланилган. Асарда 19 та мақол-матал, 27 та афоризм, 1000 га яқин (982та) фразема қўлланган. «Бобурнома»да қўлланган паремияларни мазмунан бир неча семантик гурӯхларга ажратдик:

1. «Ўлим», «умр», «вақт» семасини ифодаловчи паремиялар.

2. «Холат» семасини ифодаловчи паремиялар.

3. «Яхшилик» ва «ёмонлик» семасини ифодаловчи паремиялар.

4. «Давлатчилик» семасини ифодаловчи паремиялар.

5. «Дўст-душман» семасини ифодаловчи паремиялар.

1. «Ўлим» «умр», «вақт» семасини ифодаловчи паремиялар «Бобурнома»да кўпчиликни ташкил

<sup>104</sup> Ўша асар. – Б.119.

этади. Улар орқали Бобур ўзининг ҳаёт ва ўлим, вақт ҳақидаги тасаввурларини ифодалайди.

Бобур вақтни жуда қадрлайдиган, ҳар ишнинг ўз ўрнида бўлишини хушловчи шахс бўлган. У умрини ўткинчи ҳою-ҳавасларга, айшу-ишратларга сарфлашни ёқтирумаган. Аммо доим ҳам у айтганидай бўлавермагани, чангалида турган душманга вақтида хужум қилмаганидан афсусланиб, «Қопудағини қопмаса, қариғунча қайғуур» (эшиги олдига келганини қопмаса (жазоламаса), қаригунча афсусланади) мақолини келтиради. Бу билан ҳам чекланмай, ўқинчини яна бошқа афоризм билан ифодалайди:

*Корҳоро бавақт бояд шуд,*

*Кори бевақт суст бошад, суст* (б.74)

*(Ишлар вақтида бажарилиши керак, вақтида бажарилмаган иш суст бўлади).*

Бу байт ҳозирги «Ҳар ишнинг мавриди – ўз вақти» мақолига teng келади.

Бобурнинг ўлим билан юзлашган пайти, Аҳмад Танбалнинг таъқибига учраган, ҳеч кимсиз, ғанимнинг икки маккор навкарига ишонишдан ўзга чораси қолмаган бир пайтда у

*Агар сад солмони ва-р яке рўз*

*Бибояд рафт аз ин кохи дилафрўз* (б.99.)

*(Агар юз йил ва агар биргина қун яшасанг ҳам, қўнгил очувчи бу қасрдан кетиши керак бўйлур)* афоризми ни келтиради. Ўша пайтда «Оlamda жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш» деб ўз ҳолатини ифодалайди. Бу пайтда Бобур ҳаётининг сўнгги кунларини кечираётганлигига ишончи комил эди, кейинги ҳолатда эса у ўлим ўзига қай даражада яқинлигини билмасди:

*Ким ўлар ҳолатга етса, ул билур жон қадрини* (б.218.) *мақоли* Бобурнинг Иброҳим Лудийнинг онаси малика Буъа томонидан заҳарланиши воқеаси тасвирида берилади. Шу ўринда Бобур жон мундօғ азиз нима эмиш, мунча билмас эдим, – деб қўнглидан кечганини рўй-рост айтади.

Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтанд мақоли Шухрат билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр дерлар(б.142.) деган маънони беради. Бу мақол орқали Бобур барчага хайрли ишлар қилишни, ўлимидан кейин бошқалар фақат яхши ном билан эслали ҳам бахтлигини эслатади. Бошқа бир ўринда аскарларига далда ва шижаот бериш учун ушбу афоризмларни келтиради:

*Ҳарки омад ба жаҳон аҳли фано ҳоҳад буд*

*Онки пояндаву боқист, Худо ҳоҳад буд (б.223.)*

Ҳар кимса бу жаҳонга келаркан, охирда йўқликка кетади, абадий қолувчи ёлғиз Худодир.

Ёки:

*Ба номи неку гар бимирам равост*

*Маро ном боядки, тан маргрост (б.223.)*

Яхши ном билан ўлсам, шу етади, менга яхши ном керак, тана эса ўлим учундир.

Вақт мазмунни ифодаланган паремия сифатида Он гузарро об бурд (б.104.) – ул кечувларни сув олиб кетди маталини келтиришимиз мумкин. Бу матал «у даврлар ўтди, ҳозир замон бошқа» деган маънода қўлланилади ва унда Хисравшоҳ ва Бобур ўртасидағи суҳбат тасвирида берилади. Ўз маъносида «Амударё кенгайиб, атрофидаги гузарларни сув олган», – деган тушунчани берса, кўчма маънода «Хисравшоҳнинг шавкатли даврлари ўтди, энди у Бобурга тебе» деган фикрни ифодалашга хизмат қиласди.

Мисоллардан кўриниб турибдики, Бобурнинг умр, вақт, ўлим ҳақида ўзига хос қараши мавжуд. У шаҳзода бўлиб дунёга келганлиги учун, ҳаётининг ҳар бир дақиқаси хавф-хатарга тўла бўлиши табиий ҳол, аммо ҳеч бир хукмдор ўзининг ҳиссиётларини бунчалик очиқ ифодаламаганлиги аниқ.

2. «Бобурнома»да ҳар хил ҳолатларни ифодаловчи ўндан ортиқ паремиялар келтирилади.

Ғофил аз инжо ронда ва аз онжо мондо (б.64.) – Ғофил бу ердан қувилган, у ердан ажралган матали Бобурнинг Андижонни ҳимоя қилиш учун Са-

марқандни ташлаб чиқиб, Андижондан ҳам ажраб қолган пайтидаги ҳолатига нисбатан қўлланади. Бу матал аро йўлда қолган кишининг ҳолатини ифодалаш учун ишлатилади. Бобур истеҳзо билан бу матални келтирар экан, хато ўзидан ўтганлигини тан олишдан тортинмайди.

Шу маталнинг мантиқий давоми сифатида Бобур *Не бормоқча ере муқаррап, Не турмоқча юрте муайян* (б.160.) афоризмини келтиради, афоризмини келтиради, бу ўринда борар манзили ҳам тайинсиз, қолар юрти ҳам ноаниқ бўлган қўмондон руҳиятини таъсирчан акс эттиради.

*Сафи мағлубро ҳуё басанд аст мақоли киши ҳолатини ёрқин ифодаловчи мақоллардан биридир.* У «енгилган сафга бир «ҳой» кифоядир» деган маънени ифодалайди. Бу мақол орқали Бобур ўзининг қувғинда юрган ҳолатини ифодалайди, яъни орқаларидан таъқиб этиб келаётган душманнинг миқдорини билмай туриб, улардан қочиб кетаётганлиги ўзига ҳам ёмон таъсир қиласди. «Агар ул ваҳмда мунча киши (25 киши) эканликларини таҳқиқ билсак эди, яхши урушур эдик», – дейди афсус билан. Демак, мағлубиятга учраган аскарлар душманнинг зўрлигини ич-ичларидан тан олишади ва уларнинг озчилигидан ҳам қўрқиб қолишади. Бундай ҳолатда рақиб томонидан қилинган биргина ишора уларнинг қочиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бунгунги ўзбек тилида мавжуд бўлган «Қўрққанга қўш кўринар» мақоли айни шу мазмунни ифодалайди.

*Лаззати май маст донаад, ҳушёрон чи ҳаз* (б.108.) – майнинг лаззатини маст билади, ҳушёрларга бундан нима баҳра бор мақоли Кобул тасвирида у ернинг узумларини таърифлаш жараёнида келади. Бобур «оби ангур» номли узумдан яхши чоғир тайёрланишини, эл орасида шу чоғирнинг машҳурлигини айтиб, «Лаззати май...» мақолини келтириб ўтади. Бу мақолнинг ўзбек тилидаги варианти «Зарқадрини заргар билади» мақолидир.

*Ваҳму усраттин амоне топтуқ*

Янги жон тоза жаҳоне топтуқ (б.86.) афоризми Бобурнинг Шайбонийхон томонидан қилинган Сармарқанд қамалидан чиқиб, фаровон жойларга етиб бориб, «амонлиғ ва арzonлиғ қадрини» ҳис қилишган пайтда шукrona сифатида келтирилади. Афоризмда ваҳималардан қутилиб, омон қолганликла-ри янгидан туғилишга тенг деб баҳоланмоқда.

*Ҳарчи дар оина жавон бинад*,

Пир дар хишти пухта он бинад (б.159.) афоризми «Бобурнома»даги гўзал ва ибратли афоризмлардан бири. У «ёш киши ойнага қараб нимани кўрса, кекса одам ғиштга қараб унданам яхшироқ кўра олади», деган маънони билдиради. Шайбонийхон қадам-бақадам таъқиб қилиб келаётганда Бобур хизматидаги кекса беклардан Қосимбек бошқа жойга қўчиш тадбирини қўллаб, Кобулда муқаррар фалокатнинг олдини олади. Бу воқеадан таъсирланган Бобур шу афоризм орқали бекнинг хизматидан мамнунлигини ифодалайди. Ўз навбатида, бу ерда кекса кишиларга хос тажриба, тадбирлилик таъкидлаб кўрсатилмоқда.

2. Яхшилик ва ёмонлик мавзусидаги паремиялардан бири ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхши мақолидир. Бу мақол Бобур мирзонинг Раана Сангага қарши бўладиган жанг олдидан аскарларини руҳлантириш учун сўзлаган нутқида келтирилган. Барчани бирдамликка, бир ёқадан бош чиқариб, ёвга қарши бир жону-бир тан бўлиб курашишга, душманга таслим бўлиб, шармандаликка йўл қўймасликка чақиради. Ҳар кимки ҳаёт мажслисига кирибтур, оқибат ажал паймонасидан ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилиға келибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидур. Ёмон от била тирилгандин, яхши от била ўлган яхшироқ (б.223.). Бобур ўлимнинг ҳақ эканлиги, тирик мавжудотнинг охир-оқибат залолатга маҳкумлигини таъкидлайди. Шундай экан, аскарларини шу қисқа

умрлари давомида ғуурларини сақлаб қолишига, душманга қарши жанг қилишга, ўzlаридан шарафли ном қолдиришга даъват этади.

*Чун ба карди, мабош эмин зи оғат,*

*Ки вожиб шуд табиатро мүкофот – (ёмонлик қилганингдан кейин оғатларга эмин (хотиржам) бўлма, чунки табиатнинг берадиган жазоси аниқ)* (б.48.) афоризми Бобурга хиёнат қилган бек Ҳасан Яъқубнинг қилмишларига хулоса сифатида келтирилади. Ҳасан Яъқуб Жаҳонгир мирзони таҳтга ўтиришмоқчи бўлиб душман беклар билан тил бириктириб юрганини билиб қолишгач, Самарқандга кетаётган пайтда, Бобур жўнатган беклар уни тутишмоқчи бўлади. Ўзаро тўқнашувда ўз йигитларининг ўқидан ҳалок бўлади, Бобур тили билан айтганда, «ўз амалиға гирифтор бўлади». Мана шу воқеа баёнининг хулосасида юқоридаги афоризм келтирилади.

Заррин довонидаги қалин қорли ҳудуддан аскарлари билан ўтаётган Бобур чексиз йўл мاشаққатини шериклари билан баробар тортади. Дам олиш учун бир ғор топишганида, йигитларидан истиҳола қилиб кирмайди. Мен иссиқ ўринда роҳат қилиб ётсаму, мени деб юрган аскарлар совуқдан азоб чекиша, бу мурувватдан бўлмайди, – деб ёзади ва *Марг баёрон сур аст* – Дўстлар билан баробар ўлим тўйдир (б.147.) форсий мақолини келтиради. Ана шу воқеалар сўнгидаги

*Ҳар неку бадеки дар шумораст,*

*То дар нигари салоҳи кораст* – ҳар бир юзага келган яхши-ёмонликни текшириб қарасанг, турмуш учун хайрлидир (б.148.) афоризми шукрга ундаш мақсадида айтилган. Бобур Заррин довонидаги шу қаттиқ қор бўлмагандан, улар манзилларига соғ-омон етиб бора олмасликлари, тик ва йўлсиз довондан ўтиш мушкуллиги, шу сабаб бу воқеа яхшиликка сабаб бўлганлигини таъкидлайди.

Фарғона ва Кобулдаги асосий рақиби Шайбонийхоннинг ҳар бир иши Бобур мирzonинг дили-

ни хира қилар, унга руҳий зарба берарди. Шундай кирдикорларидан бири Самарқанднинг улуғларидан бўлган, Бобурга хайриҳоҳ Хожа Яҳёнинг ўлими билан боғлиқ эди. Шайбонийхоннинг Хожа Яҳёга аввал кетишга рухсат бериб, кейин ортидан одам юбориб ўлдиртиргани Бобурга жуда қаттиқ таъсир қилади. Яна «Қанбарбийлар қилибди бу ишни», – дея эълон қилдиргач, қаттиқ таассуф билан «Узраш батар аз гуноҳ» – узри гуноҳидан ёмонроқ (б.78.) дейди. Бу билан шу айбни қилганини барча билиб турибди, яна уни бошқа бирорвга юклаб икки карра гуноҳ қилди, демоқчи бўлади.

4. Давлатчилик концептли паремиялар Бобур мирзонинг сиёсий тузум ҳақидаги қарашларини ифодалайди.

Бир вилоятқа икки подшоҳ ва бир черикка икки мири сипоҳ мүжиби тафриқа ва вайронлиғ ва сабаби фитна ва паришонлиғдир (б.103.) афоризми Бобур ва укаси Жаҳонгир мирзонинг бир таҳтга даъво қилишлари воқеаларин тасвирлашда келтирилади. Умаршайх мирзо вафотидан кейин беклар иккига бўлинисбатни кетишади, аксарият қисми Бобурнинг таҳт вориси эканлигини тан олиб, унга қуллуқ қилишган бўлса, бошқалари Жаҳонгир мирзони таҳтда кўришини хоҳлашади. Бу зиддиятлар орқасидан Бобур кўп азият чекади, Жаҳонгир мирзо таҳтга чиқолмайди, аммо отамерос таҳт Бобурга ҳам насиб этмайди. Ана шу зиддиятли вазият тасвирида Бобур шу афоризмни келтиради. «Бобурнома»нинг бошқа бир ўрнида Ҳиротдаги давлат бошқаруви ҳақида гапира туриб, яна шу афоризмни эслаб ўтади, фақат бу ерда шу фикрга ҳамоҳанг бўлган Саъдийнинг байтини келтиради:

Даҳ дарвеш дар як гилеме бихусбанд ва ду подшоҳ дар иқлеме нагунжанд – ўн дарвеш бир гиламга сиғиб ётарлар, икки подшоҳ бир иқлимга сиғмайди (б.140.). Маълумки, Ҳусайн Бойқаронинг ўлимидан кейин таҳтни унинг икки ўғли – Бадиуззамон мирзо

билан Музаффар мірзо биргалиқда бошқаришади. Бобур мірзо бу ҳолатта ажабланади ва уни «башир-кіт подшохлік» деб атайди. Саъдийдан келтирилген юқоридаги байт шу мұносабат билан эсланади.

Күрғон бекитмакликка бош керак, икки құл ке-рак, икки бут керак (б.85.) матали Бобур мірзонинг Шайбонийхон қамалида қолиб, ҳеч бир ёқдан мадад күчлари келмай турғандаги хulosасини ифодалайди. У бош сардорлик қылади, икки құл икки тарафдан келадиган күмак ва мадад, икки бут күрғоннинг суви билан захирасидир, – деб мatalни изохлайди ва үзіга ҳозир үша икки құл, яъни мадад күчлари келмай, ахволи тант бўлаётганлигини изтироб билан ёзади.

*Ҳар кимки бўюнни қўймаса, они тийғай*

*Чопғой, талағай, мутису мунқод этғай* байти Бобурнинг давлатчилик сиёсатини очиб берувчи афоризмлардан биридир. Бобур қаерга юриш қилмасин, аввало, келишув йўлини таклиф қилган: «Ра-инятлиққа бўюн қўйғон раиятлиқ бўлғай», яъни ким бўйсунса, яхши мұносабатда бўлинади, омон қолади, ким бўйсунмаса, боши олинади, эли таланади». Мана шу сиёсати орқали қўпгина шаҳару қўрғонларга тегилмаган, аҳолиси зиён қўрмаган. Бошқа подшохларнинг сиёсатига эътибор берсак, шундай ваъда бериб, қўрғонни олганидан сўнг барчани қатлиом қилганининг ёки халқни талаганлигининг гувоҳи бўламиз, Бобур бундай пасткашликни үзиям қилмаган, аскарларигаям қилдирмаган.

5. Дўст-душман концептли паремиялар. Бобур юксак ҳарбий салоҳиятга эга шахс бўлган, унинг атрофида дўстлари билан билан бир қаторда душманларининг бўлиши ҳам табиий ҳол. Душманларнинг доимо иғво тарқатиб юриши эса барчага маълум. *Душман не демас, тушга не кирмас мақоли* Бобурнинг хизматида юриб, уни ғийбат қилган ана шундай кимсаларга нисбатан ишлатилади. У бундай ғийбатларга эътибор бермаган бўлса-да, воқеа-

лар баёнидан дили оғриганлиги сезилади. Дарвозай иш шаҳрро тавон баст, натвон даҳани мухолифон баст, яъни Шаҳар дарвозасини ёпиб бўлади-ю, душман оғзини ёпиб бўлмайди мақоли ҳам шу воқеалар ривожида келтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Бобурнома»даги мақол, матал ва афоризмларни семантик таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, аксарият воқеаларни тасвиrlаётганда Бобур мирзо бирор паремия билан фикрини якунлайди. Асарда келтирилган мақол-маталларнинг бир қисми (12таси) форс тилида. Бунга сабаб, эҳтимол, Бобур мирзо умрининг асосий қисми Кобул ва Қандаҳорда ўтганлиги, атрофида шу тилда мулоқот қилувчиларнинг қўплигидадир. Яна бир сабаб, ҳали-ҳануз давлат ишлари форс тилида олиб борилишидир, бунга асос қилиб фармонларнинг аксарияти форс тилида битилганлигини келтиришимиз мумкин.

Туркий тилда берилган мақол-маталлар ҳозирги ўзбек тилида ўзгаришсиз қўлланилади, фақат «Қўрғон бекитмакликка бош керак, икки қўл керак, икки бут керак» матали тарихан эскирганлиги учун ишлатилмайди, лекин сўзлари тушунарли, «Қопудағини қопмаса, қариғунча қайғурур» мақоли эскирган. Афоризмлар «Бобурнома»да фикри хулосалаш учун энг кўп ишлатилган паремиялардир, чунки улар муаллифнинг ҳаётидаги яхши-ёмон воқеалардан чиқарган сабоқларидир. Масалан, «Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим» (6.89.) байти Бобур мирзонинг атрофидаги дўсту душманидан тинимсиз панд еган пайтларида ёзилган. Бу байт гарчи ғазалнинг матлаъси бўлса-да, эл орасида афоризм сифатида машҳур. Ёки «Агар тифи олам бижунбад зи жой, Набуррад раге то наҳоҳад Худой» – агар олам тифи жойидан қўзғолса, худо хоҳламаса, бир томирни ҳам қирқолмайди (6.150.) афоризми Бобур мирzonинг навбатдаги ўлимдан омон қолганилиги муносабати билан келган хулосасидир.

### **3 §. «Бобурнома»даги мақол ва маталларни таржима қилиш тамойиллари**

Маълумки, таржимашунослик ҳақидағи дастлабки назарий фикрлар Римда пайдо бўлган. Юон ва лотин тилларини мукаммал билган Аристотель, Цицерон ва Гораций таржима жараёнида сўз кетидан қувиш ярамайди, уларнинг маъно ифодаларини аввал тарозизда ўлчаб, кейин таржима қилиш мъқул, деган фикрни билдирганлар. Кейинчалик Италияда Бартоломео ва Манетти, Францияда дю Белле ва Малерб, Англияда Бекон ва Драйден, Германияда Гёте ва Гумбольдт, Россияда Ломоносов ва Сумариков таржима хусусида ўз назарий тушунчаларини билдириб ўтганлар<sup>105</sup>.

Таржима назариясига бағишлиланган илк тадқиқотлар ўтган асрнинг 20-30-йилларида юзага кела бошлигар. Бу даврда нашр қилинган Амос, Постгет, Финкель, Алексеев китобларида ва Санжар Сиддиқнинг «Адабиёт таржимаси санъати» (1936) рисоласида таржима назарияси фан сифатида эътироф этилган. Реформатский «таржима амалиёти барча фанлар учун хизмат қиласа-да, таржима назарияси мустақил фан бўла олмайди, балки тилшуносликнинг бир бўлимигина бўлиши мумкин», – деган ғояни илгари сурган эди<sup>106</sup>.

Ўзбек таржимашунослигининг тамал тошини қўйган олимлар сифатида Жуманиёз Шарипов<sup>107</sup>, Нинель Владимирова<sup>108</sup>, Гайбулла Саломов<sup>109</sup>, Ку-

<sup>105</sup> Холбеков М. Таржимашуносликдаги муаммолар // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2013. №4.

<sup>106</sup> Холбеков М. Таржима назарияси ва танқиди муаммолари мавзусига бағишлиланган давра сұхбати / «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». – Тошкент, 2014. №10.

<sup>107</sup> Шарипов Ж. Некоторие проблемы поэтического перевода. – Тошкент, 1958.

<sup>108</sup> Владимирова Н. В. Некоторие вопросы художественного перевода с русского на узбекский язык. – Тошкент, 1957.

<sup>109</sup> Саломов F. Мақол ва идиомалар таржимаси. – Тошкент, 1961.

**«БОБУРНОМА» ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛарнинг қиёсий тадқиқи**

драт Мусаев<sup>110</sup>, Муҳаммаджон Холбеков<sup>111</sup>ларнинг ишларини санаш мумкин.

Таржиманинг қиёсий тилшунослик билан «эгизак»лиги маълум. Бироқ таржиманинг грамматик, лексик ва стилистик муаммоларини мустақил илмий тадқиқ этмасдан туриб, унинг прагматика, когнитив тилшунослик, психолингвистика ва семиотика билан алоқаларини ўрганиб бўлмайди<sup>112</sup>. Роман Якобсоннинг ёзишича, бир тилдаги белгини бошқа тилдаги белги билан бера билишнинг уч тuri мавжуд: биринчиси, таржима қилинаётган асар тилидағи белгини бошқа белги ёрдамида таржима қилиш ёки унга бошқа ном бериш; иккинчиси, семиотик белгиларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш; учинчиси, семиотик тизимлараро таржима: тил белгиларини мусиқа, рақс, кино, расм билан бера билиш<sup>113</sup>. Ҳамма даврларда аслият намунаси ни танлаш, тушуниш, ичига кириш, унинг тарихи, юзага чиқарган муҳит, шароитни ўрганиш, янги муҳиттага унинг қандай қабул қилинишини ўйлаш ва бу ҳақда иложи борича аниқ тасаввурга эга бўлиш, таржима усулини аниқлаш сингарилар барча таржима жараёнлари учун муҳим жиҳатлар ва булар охир-оқибатда аслиятта мувофиқ таржима текстини яратишга хизмат қилади. Паремиологик бирликларни таржима тилида қайта яратиш жуда мураккаб бўлиб, таржима қилинаётган мақол, матал ёхуд идиомалар аслият тили билан узвий bogлиқлиги ва шу тилнинг вакили- миллат тарихи, турмуш тар-

<sup>110</sup> Мусаев Қ. Таржиманинг лингвостилистик муаммолари. – Тошкент, 1988

<sup>111</sup> Холбеков М. Ўзбек-француз адабий алоқалари: таржима, танқид ва идрок тадоригида. – Тошкент, 1991.

<sup>112</sup> Абдуазизов А. Таржима назарияси ва танқиди муаммолари мавзусига бағишлиланган давра сұхбати «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». – Тошкент, 2014. №10.

<sup>113</sup> Ўша муаллиф: Таржима назарияси ва танқиди муаммолари мавзусига бағишлиланган давра сұхбати / «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». – Тошкент, 2014. №10.

зи, урф-одати, маданияти, топонимикаси, ўзига хос миллий хусусиятлари билан чамбарчас болғылғидир. Мана шу ҳолат мутаржимни ўз ишига ўта ма-съулият билан ёндашишига, ҳар бир деталь устида бош қотиришига түғри келди. Бунинг учун, албатта, аслият тилини ҳам мукаммал билишлик тақозо этилади.

Таржимачилик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унинг ҳам бир нечта этапларга, яъни таржима қилишнинг турли восита ва усулларига мурожаат қилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шулар жумласига сўзма-сўз таржима, таглама, миллийлаштириш, тасвирий таржима, изоҳли таржима, дигалогик таржима, билвосита таржима, бевосита таржима ва ҳоказолар. Тўғри, юқорида қайд этилган таржима усулларининг таржима тараққиётида ўз ўрни бор. Ҳозир ҳам баъзан мурожаат қилишимизга тўғри келади. Лекин мавжуд тадқиқотларнинг далилат беришича (F.T. Саломов, Н.Комилов, Пошли Усмон, М.Бокаева ва бошқалар), таржимадан эмас, балки аслиятдан тўғридан тўғри ўгирилиши лозимлигини мисоллар воситасида исботлаб берган. Чунки таржимадан таржима қилинса, биринчи таржимоннинг таржима жараёнида қилган хатоси икки ҳатто уч баробарга ошиши муқаррардир.

Таржимани амалга ошириш усулларини тўғри танлаш бу жараён учун жуда муҳим ҳисобланади. Таржимашунослиқда уларнинг қуйидаги турлари мавжуд: 1) маълумотларни қисқа ва лўнда ёзиб олиш ва уларга таяниб ўгириш; 2) таржимада асл нусха материалини маънодор бўлакларга ажратиб ўгириш; 3) матнни лексик ва грамматик трансформациялар орқали ўгириш; 4) антонимик воситалар орқали ўгириш; 5) синонимик воситалар орқали ўгириш; 6) таржимавий транскрипциялар орқали; 7) таржимавий транслитерациялар орқали; 8) калька орқали; 9) компенсация орқали; 10) умумлашти-

риш орқали; 11) конкретлаштириш орқали; 12) нутқни ихчамлаштириш орқали ўгириш.

Паремиялар лексик бирликларга нисбатан мураккаб компонентли лисоний ҳодиса бўлганлиги сабабли уларни таржимада ифодалаш ҳам таржи-мондан алоҳида масъулият талаб қиласди. Чунки паремиялар асардаги бадиий-тасвирий воситалар сифатида фикрнинг оддий баёнидан кўра кўпроқ асарнинг образли ҳамда ҳиссий-тасвирий қийматини ошириш каби услубий ўзига хосликларни ифода этишда иштирок этади. Шунинг учун паремиянинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни мақсадга мувофиқ таржима қилишга интилиш бадиий асарни қайта яратишга тенгдир.

Професор А.В. Фёдоров ўзининг «Таржима назариясига кириш»<sup>114</sup> номли асарида мақол ва маталларни рус тилига таржима қилишнинг қуйидаги та-мойилларини кўрсатади:

1. Мақол ва маталларни таркибидаги сўзларнинг моддий маъносини айнан сақлаган ҳолда аниқ таржима қилиш.

2. Асл нусхаси мақол, матал ва фразеологик иборалар таркибидаги сўзларнинг моддий мазмунини ёки шаклини бирмунча ўзгартириб таржима қилиш.

3. Асл нусхадаги мақол, матал ва фразеологик бутунликларни асар таржима қилинаётган тилда ҳақиқатдан мавжуд бўлган муқобил билан алмаштириш.

Мақол ва маталларни таржима қилишда образиликни йўқотмаслик учун асл нусхадаги мақолнинг мақоллик ҳусусиятини сақлаб қолишида сўз танлаш муҳим аҳамият касб этади. Мақол ва маталларни образли ва мазмунини сақлаб қолган ҳолда таржима қилиш учун мақолларнинг ўзига хос тилини чуқур ўрганиш керак, уларнинг мантикий мазмунини теран тушуниб олмоқ зарур.

<sup>114</sup> Каримов Б.А. Паремийная единица в словарном ракурсе на материале толковых словарей русского и английского языков: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, УзГУМЯ, 2003. С.15.

Аслият ва таржима тиллари мақол ва маталлар-нинг табиатини қиёсий ўрганган ҳолда, улар орасидаги мазмуний-услубий мувофиқлик ҳолатларини аниқлаш ва таржима жараёнида уларнинг бирини иккинчиси воситасида талқин этиш йўллари ва имкониятларини белгилаш тўлақонли таржима яратиш учун замин ҳозирлайди. Тадқиқот объектимиз ҳисобланган «Бобурнома»да муаллиф воқеа ва ҳодисани тасвирлаш учун мақол, матал ва фраземалардан маҳорат билан фойдаланади. Асар тилининг равон ва жозибадорлигининг сабаби ҳам шундадир.

«Бобурнома»даги паремияларни турк тилига таржима қилишда қўлланилган тамойиллар қўйидагилар:

1. Паремия сўзма-сўз таржима қилинган.
2. Паремия бирор грамматик воситани ўзгартириш орқали таржима қилинган.
3. Паремиянинг таркиби ўзгартирилган ҳолда таржима қилинган.

Мақоллар таржимасида таржимон кўпроқ сўзма-сўз таржима қилиш усулидан фойдаланади. Масалан, Марг бо ёрон сур аст – дўстлар билан бирга бўлган ўлим тўйдир мақоли *Dostlarla beraber ölüm düğündür* (Дўстлар билан биргаликда ўлим тўйдир) тарзида таржима қилинади.

*... ne gibi ıztırap ve meşakkat olursa, ben de göreyim ve halk nasıl tahammül edip duruyorsa, ben de durayım – diye düşündüm. Farsça bir mesel vardır; Dostlarla beraber ölüm düğündür* (s.214). Кўринадики, бу ерда мақол сўзма-сўз таржима қилинган.

Қопудағини қопмаса, қаригунча қайғурур мақоли Бобурнинг вақтида ҳаракат қилмай, душманини қочириб қўйганлиги ҳақида. Ушмундоғ қопуда келган ғаним мутазаррир бўлмай ажрашди. Масал борким, «*Қопудағини қопмаса, қаригунча қайғурур*»(б.74).

Бу мақол туркча матнда *Kapidakini kapmazsa, ihtiyarlayincaya kadar nedamet eder* (s.76) – капи(эшик)дагини қопмаса, қаригунга қадар надомат қи-

«БОБУРНОМА» ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛарНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

лади тарзида (эски ўзбек тилида қопу – эшик маънисида қўлланганлиги бизга маълум) сўзма-сўз таржима қилинади. Мақоллар ва маталларни ўғириш жараёни таржима амалиётида муҳим ўрин эгаллайди. Бунда таржимондан зийраклик ва катта маҳорат талаб қилинади. Чунки айнан мақол ва маталларнинг таржимасини чиройли ёритиб бера олмаслик бадиий асар мазмунига путур етказиши мумкин. Аммо юқоридаги мақолнинг сўзма-сўз таржимаси асарнинг бадииятига путур етмайди, аксинча, унинг китобхонга тушунарлилик даражаси ортади. Эҳтимол, уни турк тилидаги бошқа бир мақол билан берганда бундан ҳам чиройлироқ, образлироқ чиққан бўлар эди.

Бобур Кобул тасвирида оби ангур узуми ва ундан тайёрланадиган чоғир ҳақида шундай дейди: *Бир навъ узум бўлур, оби ангур дерлар, хейли яхши узум-дур. Mast чоғирлари бўлур. Xожа Хованд Сайд Домани қўййининг чоғири туандлуқ била машҳурдир. Агарчи ҳоло тақлид бирла андин таъриф қилурларки: «лаззати май маст донад, хушёрон чи ҳаз»* (6.108). Ўзбек тилига майнинг лаззатини маст билади, ҳуашёrlарга ундан нима баҳра бор деган маънени ифодаловчи бу форсий мақол турк тилига *Sarabin lezzetini sarhoş bilir; akli başında olan ondan ne zevk alır* (s.140) – Шаробнинг лаззатини сархуш билади, ақли бошида бўлган (хушёр) нима завқ олади (таржима бизники -Д.М.) тарзида таржима қилинади. Кўриниб турибдики, деярли барча сўз тўғридан тўғри таржима қилинган, фақат хушёр сўзи *akli başında olan* бирикмаси билан ифодаланган, ҳозирги турк тилида хушёр сўзи *uyanik, dikkatli* деб ўгирилади, бу ерда таржимон, эҳтимол, маънени янада аникроқ беришни мақсад қилгандир, зеро мақол маъноси жуда аниқ ва тушунарли тарзда таржима қилинган. Бу мақол таркибни ўзгартирган ҳолда таржима қилинган.

Паремиялар қўп маъноли ва қўп вазифали бирликлардир, мазмун жиҳатидан мос икки тил бирли-

клари таржимада ҳар доим ҳам бир-бирига түлиқ мос келавермайды. Муайян матндары паремиялар мазмуни фразеологик эквивалентлар, мақоллар ёки муқобил вариантыларда ўз ифодасини түлиқ топмаслиги мумкин. Юқоридаги мисолда айни шу ҳолат кўзга ташланади.

*Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхши мақоли турк тилига Kötü adla yaşatmaktansa iyi adla ölmek daha iyidir (s.357) – ёмон от билан яшамоқдан яхши от билан ўлган янада яхшидир (таржима бизники –Д.М.) тарзида таржима қилинади. Эътибор берсак, бу таржимада анча ўзгариш мавжуд: тирилгандин сўзи «яшамоқдан»га, ўлган яхши бирикмаси «ўлмак янада яхшидир»га ўзгарган.*

тирилгандин – *yaşatmaktansa*,  
ўлган яхши – *ölmek daha iyidir*.

Бу фарқ маънонинг ўзгаришига ҳам сабаб бўлган ва бу мақол таркиби ўзгартирилган ҳолда таржима қилинган.

Шу мақолнинг мантиқий давоми бўлган Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтаанд (Шуҳрат билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр демишлар) матали темурий шаҳзодалар Шайбонийхонга қарши бирикаётгандан Кепак мирзонинг аҳдига вафо қilmay келмаганлиги воқеасини ёритиши жараёнида келтирилган. Гараздик бу дунёда кишидин ушмундоғ нималар қолур, ҳар ким ақлдан баҳравар бўлса, нега андоғ ҳаракатга иқдом қилғайким, андан сўнг ёмон дегайлар ва ҳар кишига ҳушдин асари бўлса, нега андоғ амрга иқдом ва эҳтимом қилмағайким, қилғондин сўнг муҳтаҳсин дегайлар: Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтаанд (б.142.).

Зикри номеро ҳакимон умри соний гуфтаанд (Шуҳрат билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр демишлар) мақоли *Ismi zikredilmesine hekimler ikinci bir ömür adını vermişlerdir (s.204.)* тарзида ўгирилган. Бу таржимада ҳам сўзлар, ҳам грамматик шакллар алмашган. Яъни туркча таржимани сўзма-сўз ўзбек-

чага ўғирсак: Исмини зикр этишлариға ҳакимлар иккинчи умр отини берганлар.

Шұхрат билан ёдланиш – исмини зикр этиш;

Ёдланиши – зикр этишлариға;

Демишлилар – отини берганлар бирликлари билан ифодаланған. Бу мақол грамматик воситалари ўзгартырилған ҳолда таржима қилингандар.

Ким ўлар ҳолатга етса, ул билур жон қадрини мақоли ўлар ҳолатга етган инсоннинг күнгил кечинмаларини ўзида акс эттирган. Жон мундоғ азиз нима эмиш, мунча билмас әдим, ул мисра борким: **«Ким ўлар ҳолатга етса ул билур жон қадрини»**. Ҳар қачон бу воқиъайи ҳоила хотиримга келса, бехост ҳолим мутағайишпүр бўлур (б.218.).

Ким ўлар ҳолатга етса ул билур жон қадрини мақоли *canın kadrini ölmek üzere olan kimse bilir* тарзида таржима қилинади. Аммо бу ерда ўзбекча матндағи қўшма гап содда гап тарзида берилган, шеърий оҳанг ҳам бузилган. *Can böyle aziz bir şey imiş; böyle olduğunu bilmezdim. Bir misra vardır: canın kadrini, ölmek üzere olan kimse bilir* (s.347).

Мақоллар, маталлар, идиомалар таржималари шу амалиётнинг энг хузурбахш, ижодий соҳаларидан. Улар таржимаси ифодаларида таржимоннинг лаёқати, истеъоди, сўзни, образлиликни юксак даражада англаш ва ҳис қила билиш қобилияти намоён бўлади<sup>115</sup>.

Булардан ташқари, Ишонмагил дўстунгға, сомон тиқар пўстунгға (б.76) – *İnanma dostuna, saman doldurur postuna* (s.82) мақолида тиқар сўзи *doldurur* (тўлдирап)га ўзгартырилиб, таркиби ўзгартырилған таржима бўлган, Душман не демас, тушга не кирмас (б.117) – *düşman ne demez ve rüyaya ne girmez* (s.156), *Сафи мағлубро ҳуе басандаст* (б.97) – *mağlup düşmana bir hey sesi kafidir* (s.121), Тенг бўлмагунча туш бўлмас (б.115) – *denk olmayan buluştaz* (s.153)

<sup>115</sup> Фафуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш. – Тошкент, 2008. – Б.4

мақолларыда барча сўзлар түлиқ мос тушади, шунинг учун улар сўзма-сўз таржимага мисол бўлади.

Маталларда ҳам баъзан түлиқ мос тушадиган сўзлар орқали, баъзан таркиби ўзгарган ҳолда қилингандар таржималар учрайди. Деҳ кужову дараҳтон кужо (б.36) – қишлоқ қайди-ю, дараҳтлар қаерда матали Аҳси қўргони тасвирида берилади. Маҳаллоти қўргондин бир шаръий йирокроқ тушубтур. «Деҳ кужову дараҳтон кужо» масалини ғолибо Аҳси учун айтибтурлар.

Бу матал туркча матнда шундай ифодаланади: *Mahalleleri kurgandan bir şer'i uzaktadır..... köy nerede, ağaçlar nerede darb-i meselini, galiba, Ahsı için söylemişlerdir*(s.4.). Кўринадики, бу ўринда маталнинг ҳар бир сўзи ўзаро мос тарзда таржима қилинган.

«Бобурнома» матнида Кўзларини туз тутти матали учрайди. У «хиёнат қилди», «нонкўрлик қилди» деган маънони ифодалашга хизмат қилади. Бобур аввалроқ ўз хизматида бўлган Мұхаммад Дўст исмли бек ҳақида гапирап экан, ўзидан кейин Аҳмад Танбалга хизмат қилганини, унгаям кўп ёмонликлар қилиб, кейин ўзбак (Шайбонийхон) хизматига борганини айтади. Аммо у ердаям тинч юролмай, кўп фитналар қилади: *(Мұхаммад Дўст) Oxir ўзбак илигига тушти. Кўзларини кўр қилдилар. «Кўзларини туз тутти»*нинг маъниси бу эмиш(б.77). Бу матал турк тилига айнан таржима қилинади: *Gözlerini «tüz tuttu»* (s.83).

Он гузарро об бурд матали «у даврлар ўтиб кетди, ҳозир замон бошқа» деган маънони билдиради. Албатта, асар мазмунидан маталнинггўз маъносини ҳам тушуниш мумкин. Дедиким, агар гузар топилса, худ келгусидир, vale гузарлар сув улғайгач тағайёр топар. Ул масал борким, «Он гузарро об бурд» (б.104). Мазмуни: агар кечиб ўтадиган жой тополса, келади, аммо кечувлар сув кўпайгач, ўзгариб кетган, деди. Шундай масал борки, «ул кечувларни

сув олиб кетди». Бу ўринда Бобур сўз ўйини қила-ди: матал ўз маъносида «кечув йўқ, шунинг учун ке-лолмайди» дегани бўлса, қўчма маънода, «аввалги шавкати йўқ, шунинг учун келолмайди» маъносини билдиради.

Туркча матнда бу матал қуийдагича ифодаланган: *Eğer geçit bulunursa, çabuk gelir; fakat su yükselsence, geçitler değişir. Bir darb-i mesel vardır: «o geçidi su götürdü» – dedi* (s.133). – Агар кечув бўлса тезда келади, фақат сув кўтарилса, кечувлар ўзгаради. Бир масал бордир: у кечувни сув ўзгартирди – деди (таржима бизники –Д.М.). Кўринадики, бу ерда ҳам маталдаги сўзлар маъносига мувофиқ таржима қилинган. Биз маталлар доирасида таҳлил қилган икки мисол ҳам сўзма-сўз таржимага оид.

«Таваккал қилиб иш бошлаш» маъносини берувчи гаҳ ёздаҳ беҳ, гаҳ нўҳ – гоҳ ўн бир яхши, гоҳ тўққиз матали Бобур жанг услубининг бир қиррасини намоён қиласди. У баъзан кўп сонли душманга қарши кам аскари билан қарши чиқиб, аксар ҳолларда ғалаба қозонган. Бундай таваккалчилик унга Самарқандни олишда ва Иброҳим Лўдий билан тўқнашувда фойда келтирган. Давлатхон ул қарилиғи била белиға икки қилич боғлабтур. Булар жазм урушурлар. Хотирға кечтиким, ул масал борким, «Гаҳ ёздаҳ беҳ, гаҳ нўҳ». Чун бу кетмас, Лаҳурдағиларни ўзумизга қўшуб ўқ урушалинг (б.186).

Демак, Давлатхоннинг 30-40 минг қўшинига қарши ўзининг 12минг лашқари билан уришмоқчи. Бу матн туркча таржимада бироз бошқачароқ ифодаланган: *Devlet Han, bu ihtiyarlığı ile, beline iki kılıç kuşatmıştır. Bunlar şiddetli vuruşacaklardır. – Bir darb-i mesel vardır: on dost dokuzdan evladır. Eldeki vasitalardan hiç birini kaçırıtmamak için, Lahur'dakileri kendimize takip sonra vuruşalım – diye düşündük* (s.289). Бу ерда гаҳ ёздаҳ беҳ гаҳ нўҳ матали on dost dokuzdan evladır, яъни «ўн дўст тўққиздан яхшироқдир» деб таржима қилинган. Матал таркибидағи гоҳ-гоҳ

боғловчиси тушиб қолган, ўн бир (ёздах) сўзи ҳам ўн (*on*) тарзида таржима қилинганд. Эътиборлиси, бундай матал ёки мақол ҳозирги турк тили мақоллари луғатида ҳам топилмади. Күринаради, бу матал таркибиň үзгартириб қилинганд таржимага киради.

Шайбонийхон сўзи бу экандурким, Хожанинг иши мендин эмас эди, Қанбарбий ва Кўпакбий қилдилар. Бу андин ёмонроқ. Масал борким: «*Узраш батар аз гуноҳ*» (б.78). Шайбонийхоннинг қилмишларига баҳо бериш учун қўлланган узраш батар аз гуноҳ – узри гуноҳидан ёмонроқ матали ҳам турк тилига бироз үзгариш билан таржима қилинганд.

Şıbani Han, Hoca'nın öldürülmesi işinin kendisinden olmadığını ve katillerin Kanber Bi ile Köpek Bi olduğunu söylemiştir. Bu ise daha kötüdür. Bir atalar sözü vardır: özrü kabahatinden büyük (s.85.). Бу матн таржимасида бир неча фарқ мавжуд. Биринчидан, Хожанинг иши – *Hoca'nın öldürülmesi işi* (Хожанинг ўлдирилганлиги) тарзида үзгартирилган, иккинчидан, ўзбекча матнда бўлмаган *katillerin* – қотилларнинг сўзи қўшилган. Албатта, бу қўшимча киритишлар матнни тўғри, аниқроқ тушунтириш учун, аммо учинчи матал билан боғлиқ фарқ ҳақида бундай деб бўлмайди. Матал таркибидаги, яъни асл матндан батар (ёмонроқ) сўзи *büyük*(катта, йирик) сўзига үзгарган. Туркча матн таржимаси қўйидагича: Шайбонийхон Хожанинг ўлдирилишини ўзидан эмаслигини ва қотилларнинг Қанбарбий ва Кўпакбийлар эканлигини айтармиш. Бу эса яна ёмонроқ. Бир мақол бордир: узри қабоҳатидан катта (таржима бизники –Д.М.). Бу таржима орқали Шайбонийхоннинг узри олдида қабоҳати арзимас иш деган маъно келиб чиқади.

«Бошқа халқнинг мақол ва маталини сўзма-сўз таржима қилишда ғоят моҳирлик ва эҳтиёткорлик талаб этилади. Акс ҳолда, бошқа халқнинг миллий тафаккур таҳлитини айнан акс эттираман деб, мақолни қуруқ гапга, матални эса суюқ бирикмага

айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас»<sup>116</sup>. Айрим мақол ва мatalлар, фразеологик бирикмалар сўзма-сўз таржима қилингандан ўз қимматини йўқотади, улар замиридаги ҳикмат, миллий колоритга хос бўлган турфа жиҳатлар, асосий ва кўчма маънолар таржи-ма тилида тўла ўз аксини топа олмайди. Аммо биз тадқиқ этаётган манбалар тили бир тил оиласига, муштарак анъаналарга эгалиги учун миллий колоритга мос келмаган ўринлар учрамайди.

Афоризмлар «Бобурнома» матнидаги энг кўп кўлланган паремиялар сирасига киради. Уларни таржима қилиш жараёнида ҳам бир қанча ўзгартиришлар киритилган.

*Корҳоро бавақт бояд жуст*

*Кори бевақт суст бошад суст* (Ишлар вақтида бажарилиши керак, вақтида бажарилмаган иш суст бўлади, суст) афоризмини Бобур иккиланиб ўтириши натижасида омадини қўлидан чиқарганидан афсусда ёзган. Туркча таржимада афоризмнинг берилиши қуидагича:

*İşlerin zamanında yapılması lazımdır,*

*vakitsiz yapılan iş gevşek olur, gevşek* (s.76).

Таржима, форсий байт билан қиёсланганда, тўғри амалга оширилган, аммо *vakitsiz* сўзи «бевақт» деган маънони ифодалаши мумкинлигини эътиборга олсак, бироз нуқсон пайдо бўлади, яъни вақтидан олдин бажарилган иш суст бўлади деб ҳам тушунилиши мумкин.

Агар бу афоризм *İşlerin zamanında yapılması lazımdır, Yapılmayan iş gevşek olur, gevşek* тарзида таржима қилинса, Бобур айтмоқчи бўлган фикр аниқроқ ифодаланаарди. Бу ўринда ўзбекча матндағи табдил аниқроқ маъно ифодалайди: вақтида бажарилмаган иш суст бўлади.

Ба тунди сабук даст бурдан ба тиғ,

Ба дандон ғазад пушти дасти дариф (6.82) афоризми Бобурнинг шошилиб жангга кириб, афсусла-

<sup>116</sup> Саломов Ф. Тил ва таржима. – Тошкент, 1966. – Б. 245.

ниб қолғанлиги ҳақида. Бобур мунажжимларнинг «саккиз ўлдуз оралықда, бугун урушсангиз ғалаба сиз томонда», – деган гапларига ишониб, шошилиб жангга киради, аммо яхши тайёр бўлмаган қўшин билан Шайбонийхондан мағлубиятга учрайди. Ўзининг аччиқ сабогини ана шу афоризм орқали баён этади.

Бу байт бир неча манбада турли хил изоҳланган. «Бобурнома»нинг илмий-танқидий матнida «Енгилтак аччиғланганда тиф билан қўлини кесар, сўнгра қўли орқасини тиши билан чайнар»<sup>117</sup> тарзида изоҳланади, «Бобурнома» табдилида эса Ғазабдан ханжарга қўл чўзган киши, Афсус бармоғини тишлашдир иши<sup>118</sup> деб шеърий шаклга солинади. Туркча матнда бу байт *Hiddetli hemen elini kilica uzatan, peşiman olarek, elinin arkasını isırır* (s.93) – ғазабли тезда қўлини қиличга узатса, пушаймонлик билан қўлининг орқасини тишлайди деб таржима қилинган.

Асл матн	Танқидий матн	Табдил	Туркча матн
Тунди сабук	Енгилтак	Киши	<i>Hiddetli</i> (ғазабли)
Даст бурдан	Кўлини кесади	-	<i>Elini uzatan</i> (қўлини узатади)
Тиг	Тиг	Ханжар	<i>Kilic</i> (килич)
Ба дандон	Тиши билан	-	-
Газад	Чайнар	Тишлаш	<i>isırır</i> (тишлайди)
Пушти дасти	Кўли орқаси	Бармоғи	<i>elinin arka-sı</i> (қўлининг орқаси)
Дариф	-	Афсус	<i>peşiman olarek</i> (пушаймонлик билан)

<sup>117</sup> Захириддин Мұхаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи С. Ҳасанов. – Тошкент, 2002. – Б. 82.

<sup>118</sup> Захириддин Мұхаммад Бобур. Бобурнома. Ҳозирги ўзбек тилига В.Рахмонов ва К.Муллахўжаевалар табдил қилишган. – Тошкент, 2008. – Б. 81.

Кўринаидики, афоризм танқидий матнда сўз-ма-сўз таржима қилинган, фақатгина дариғ – афсус сўзи акс этмай қолган, табдилда шеърий усулни сақлаб, мажозий маъносинигина ёритиш билан чекланилган, аммо тунди сабук – киши деб, тиф сўзи ханжар деб, пушти дасти (кўлининг орти) – бармоқ деб ўзгартирилган, ба дандон (тиши билан) сўзи тушиб қолган. Туркча матнда ҳам қатор ўзгаришлар мавжуд, биринчидан, даст бурдан (кўлини кесади) бирикмаси *elini uzatan* (кўлини узатган) тарзида ўзгартирилади, иккинчидан, тиф сўзи *kılıc* (қилич) га айланади, учинчидан, ба дандон (тиши билан) бирлиги таржимада акс этмаган. Шунча ўзгариш бўлишига қарамасдан, таржимон Бобур айтмоқчи бўлган мажозий маънони ифодалай олган.

Бобур Ҳусайн Бойқарога таъриф берар экан, аҳли оиласи ҳақида шундай дейди: аввал олғон хотуни Бека Султонбегим эди. Санжар мирзо Марвийнинг қизи эди. Бадиъуззамон мирзо мундин туғуб эди. Кўп кажхулқ эди. Султон Ҳусайн мирзони кўп оғритур эди. Кажхулқлиғидин мирзо батанг келди, охир қўйди ва халос бўлди, не қилсун, ҳақ мирзо жониби эди.

Зани бад дар сарои марди нақӯ,  
Ҳам дар ин олам аст дўзах ў (б.131).

(Яхши киши хонасидаги ёмон хотин шу дунёнинг ўзидаёқ унинг дўзахидир)

Бу афоризм туркча матнда қўйидагича акс этган:

*İyi bir erkeğin evinda kötü bir karısı olursa, o erkeğin sehennemi bu dünyada demektir* (s.184) – яхши бир эркакнинг уйида ёмон хотини бўлса, у эркакнинг жаҳаннами бу дунёда демакдир. Кўринаидики, бу афоризмнинг маъноси туркчага ҳеч қандай ўзгаришсиз, муваффақиятли ўгирилган.

Аксарият ҳолларда таржимон ҳар бир мақол, матал ёки идиомага, асарда тасвирланаётган воқеалар мазмуни, объект, миллий мухит ва услугуб хусусиятига кўра, ўз тилидан муқобил ёки монанд бирик-

малар топиб қўяди ёки уларни сўзма-сўз таржима қиласди. Шунга кўра, айни бир хил мақол ёки идиомани ҳам бир қанча ўринларда, маънога қараб, ҳар хил ўғириш мумкин. Бинобарин, ҳар қандай ҳоллар учун баб-баравар мувофиқ келадиган тайёр рецепт топиш амри мақол.

Хулоса қилиб айтганда, таржима ва таржимашунослик илми ўтган XX асрда кенг тараққий этди, умумфилологик фан тарзида эътироф қилинди. И. Фафуров, А. Абдуазизов, Қ. Мусаев, М.Холбеков, О. Мўминов, Н. Қамбаров, Ш.Сирожиддинов каби таникли таржимон ва таржимашунос олимларимизнинг саъй-ҳаракати туфайли таржима назарияси ва амалиётига оид дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари чоп этилди.

Тил тадқиқининг ҳозирги босқичида кўпгина олимлар мақол, матал ва афоризмларни ўрганувчи паремиологияни тилшуносликнинг алоҳида бир мустақил соҳаси сифатида эътироф этишмоқда. Паремиялар ҳали ёзув пайдо бўлмасдан олдин ҳалқ оғзаки ижодига муҳрланган ва жамият онгининг бир қисмига айланган. Ёзув пайдо бўлгандан сўнггина у маданий ёдгорликларда ўз аксини топа бошлаган. Биз таҳлилга тортган паремияларнинг ҳам аксарияти тарихий мақол ва маталлар бўлиб, уларинг бир қисми бугунги кунда истеъмолдан чиқиб кетган, бир қисми маълум ўзгаришларга учраган ҳолда луғатларимизда мавжуд. Уларни аниқлаш ва англатган маъноларини бугунги кундаги мақол-маталларимиз билан қиёсий ўрганиш бугунги кун учун ҳам долзарбdir.

Мақол, матал ва афоризмларга бағишиланган иккинчи боб юзасидан келган хулосаларимиз қуйидагилар:

«Бобурнома» таржимони Р. Р. Арат таржима жарашенида асаддаги ҳар бир паремиянинг дастлаб эски ўзбек ёзувидағи шаклини келтиради, мазмунини эса қавс ичидаги туркча алифбода беради.

Аксарият воқеаларни тасвирлаётганда Бобур мирзо бирор паремия билан фикрини якунлайди.

Мақол-маталларнинг бир қисми (12таси) форс тилида. Бунга сабаб, форс тилининг давлат ва ижод тили сифатидаги мавқеи ҳали ҳам амалдалиги ва Бобурнинг кўпроқ ҳаёти форсий қавмлар орасида кечганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Туркий тилда берилган мақол-маталлар ҳозирги ўзбек тилида ўзгаришсиз қўлланилади, фақат «Қўрғон бекитмакликка бош керак, икки қўл керак, икки бут керак» маталининг сўзлари тушунарли бўлса-да, маъноси тарихан эскирганлиги учун ишлатилмайди, «Қопудагини қопмаса, қаригунча қайғурур» мақоли эскирган. Афоризмлар «Бобурнома»да фикри хулосалаш учун энг кўп ишлатилган паремиялардир, чунки улар муаллифнинг ҳаётидаги яхши-ёмон воқеалардан чиқарган сабоқлариdir.

Паремияларнинг таржима қилинишида уч хил ҳолат кўзга ташланади: паремия сўзма-сўз таржима қилинган, паремия бирор грамматик воситани ўзгартириш орқали таржима қилинган, паремиянинг таркиби ўзгартирилган ҳолда таржима қилинган. Паремиялар кўп маъноли ва кўп вазифали бирликлардир, мазмун жиҳатидан мос икки тил бирликлари таржимада ҳар доим ҳам бир-бирига тўлиқ мос келавермайди. Бунда мисолларга туркча таржимада бир неча маротаба дуч келинди.

Мақоллар таржимасида таржимон кўпроқ сўзма-сўз таржима қилиш усулидан фойдаланади. Асарда келтирилган мақоллар ҳозирги турк тилида учрамайди. Шеърий тарзда берилган мақол ва маталлар таржимада насрый тарзда ифодаланади, афоризмларнинг насрый баёнини бериш билан чекланилади. Бу ҳам ўзбекча танқидий матн ва туркча таржиманинг фарқли жиҳатларидан биридир.

Туркча таржимада маъноси етарлича очилмаган, ёки бошқа маънони англатган мақол, матал ва афоризмлар мавжуд. Бобур афоризмларида ўз ҳаётидаги хусусий вазият ҳалқ, омма, ҳаёт нуқтаи назардан умумлашади.

**III БОБ  
«БОБУРНОМА»ДАГИ ФРАЗЕМАЛАР  
ТАРЖИМАСИННИГ СТРУКТУР-СЕМАНТИК  
ТАҲЛИЛИ**

**1 §. Таржимада фраземалар хусусиятига  
асосланиш тамойили**

«Фразеология» атамаси юонча «фраза» (phrasis – ифода, нутқ ўрами) сўзидан олинган бўлса-да, туркӣшунослиқда дастлаб бу атама турлича маъноларни ифодалаш учун хизмат қилган. Масалан, XIX асрда яшаган туркийшунос олим Мирза Козимбек (1802-1870) ўша давр анъаналаридан келиб чиқиб, рус тилида ёзилган бошқа тасвирий грамматикаларда бўлгани сингари ўз асарида «фраза» сўзини «жумла», «гап»(предложение) маъносида қўллаган . «Фразеологик бирикма» дейилганда эса сўздан йирик тил бирликларини тушунган.

Мустақиллик йилларида ўзбек фразеологиянинг назарий масалаларини ўрганишга эътибор кучайди. Жумладан, тадқиқотчи Қ. Ҳакимов фразеологизмларни компонент таҳлил методи асосида ўрганди. Фраземаларни компонент таҳлил қилишнинг айрим натижалари

Ш. Раҳматуллаевнинг илмий мақолаларида ва 1992 йилда нашр этилган «Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви» номли монографиясида ҳам умумлаштирилган. Жумладан, Ш. Раҳматуллаев *таъби хира, дили сиёҳ, бағри қон* фраземаларининг семантик структурасини куйидагича таҳлил қиласди: «Хар уч фраземадан «хафа»лик маъноси англашилади, лекин бу «хафа»лик таъб/и/ хира фраземасида бошланғич босқичда («бир оз»), дил/и/ сиёҳ фраземасида нормал ҳолатдан юқорироқ («нормадан кучлироқ даражада»), бағр/и/ қон фраземасида эса энг юқори босқичда («ўта кучли даражада») экани англашилади. Шунга кўра таъб/и/ хира фра-

земаси «кайфияти бир оз ёмон ҳолатда» маъносини англатса, дил/и/ сиёҳ фраземаси «руҳияти ёмон» маъносини, бағр/и/ қон фраземаси эса «ғам-алам, изтироб билан тўлиб-тошган» маъносини англатади».

Ш. Усмонова ўзбек ва турк тилларида бирикмага ва гапга teng соматик фразеологизмларни функционал-семантик жиҳатдан таҳлил қилган . Ҳ.Шамсиддинов фразеологик бирикмаларни оддий сўзларнинг функционал-семантик синонимлари деб ҳисоблайди ҳамда сўз ва фразеологизмлар орасидаги синонимик муносабатларни семантик жиҳатдан кенг ўрганишга ҳаракат қилган.

А. Маматов ўзбек тилшунослигида илк бор фразеологиянинг тил нормаси ва нутқ маданияти билан боғлиқ муаммоларини тадқиқ этди. Муаллиф фразеологияга доир турли қарашларни танқидий жиҳатдан кўздан кечириб, фразеологизмга куйидагича таъриф беради: «Фразеологизм - бу тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига ёки гапга teng бўлган, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, турғун лексик-семантик бирликдир» . Бу таъриф, бизнингча, ҳам ҳақиқатга бироз яқин, фақат умумлашган луғавий маъно дейилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Муаллиф фраземаларнинг куйидаги категориал белгиларини ҳисобга олган: а) фразема компонентлари жиҳатидан сўз бирикмасига ёки гапга teng бўлади, якка сўз-компонентдан иборат фразема бўлмайди; б) фразема компонентлари умумлашган, яхлит маъно ифодалайди; в) фраземани ташкил этувчи сўз - компонентлар, яъни лексик элементлар қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлади; г) фразема турғун лексик-семантик бирликлар қаторига киради. А. Э. Маматов тадқиқотининг энг муҳим жиҳатларидан бири ўзбек тилшунослигида фразеологик норма тушунчасининг олиб киришидир.

Шунингдек, мустақиллик йилларида фраземаларнинг матндарги информацион, эмоционал-экспрессив хусусиятларига бағишенгандан тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, шу йұналишдаги дастлабки иш сифатида Ҳ. Қаҳжорованинг А. Қодирий асарларидаги фразеологизмларга бағишенгандан тадқиқотида фраземаларнинг матн мазмұны ифодасидаги ўрни ёритилген. М. Йүлдошев изланишларыда эса Җ. Қарасалиевтың «Кече ва күндер» романында құлланған фразеологизмлар анча асосли таҳлил қилинди.

К. Бозорбоевнинг сўзлашув нутқи фразеологизмларининг пайдо бўлиш манбалари, қатламлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Ўзбек тилида сўзлашув нутқи фразеологизмларининг грамматик ва семантик таснифи амалга оширилган. Шуниси муҳимки, иш муаллифи сўзлашув нутқи фразеологизмларининг 40 фоизи ўзбек адабий тилида ҳам ўз аксини топганлигини, 50 фоизи эса сўзлашув нутқида турли хил варианти ва синонимларга эга эканлигини, уларнинг фақат 10 фоизи луғатларда сўзлашув нутқига хосланған ҳаволаси билан берилгандыгыни түғри таъкидлаб кўрсатади.

Фразеология фанига доир янгича илмий-назарий қарашлар кейинги йилларда яратилаётган дарслер ва ўкув қўлланмаларидан ҳам мустаҳкам ўрин олмоқда. Масалан, М. Миртоҗиевнинг фикрича, иборалар турғун бирикма ҳолидаги атамалар (*мелодий йил, аграр масала, катта маслаҳатчи, илмий ходим каби*), парафразалар (*мўйқалам соҳиби, илм заҳматкашлари, зангори кема капитани каби*) ва фразеологизмлар (*кўнгли хира тортди, кавушини тўғрилаб қўйди каби*) дан иборат. Проф. Ҳ. Жамолхонов эса фраземаларни кўчма маъноли турғун конструкция деб ҳисоблайди. Олимнинг таъкидлашига кўра, фразема ҳам лексема каби луғавий бирлик саналади, аммо ўзининг ифода ва мазмун планларидаги қатор белгилари билан фарқланади.

Фразеология туркийшунослиқда нисбатан ёш соҳалардан бири саналади, чунки уни системали равишда ўрганиш фақат асримизнинг 40-50-йилларидан бошланди. Туркий тилларнинг грамматик қурилишини ўрганувчи тадқиқотчилар қисм(компонент)ларга ажралмайдиган бирикмаларнинг нутқда қўлланиш хусусиятларига ҳам аҳамият бериб келганлар. Бундай бирикмаларнинг функционал жиҳатдан сўзга яқин эканлигини ҳисобга олиб, айрим туркийшунослар уларни лексик сўз бирикмалари ёки лексик бирликлар (лексик бирлашмалар), деб ҳисоблаганлар ҳамда синтаксис ёки сўз ясалиши соҳаларининг ўрганиш объекти доирасига киритганлар.

Бошқа тадқиқотчилар эса бундай бирикмаларни «лексикализациялашган бирикмалар» ёки «лексик маънога эга бўлган юмуқ бирикмалар» деб ҳисоблаб, тилшуносликнинг мустақил ўрганиш объекти бўлиши керак, деган фикрни олға сургандар. Шунингдек туркийшунослиқда фразеологик бирликлар гапнинг ажралмас бўлаклари бўлиб, улар лексикология ёки фразеологиянинг ўрганиш объекти бўлиши лозим, деган қарашлар ҳам 60-йиллардаёқ юзага кела бошлаган эди.

Кейинги қирқ-эллик йил мобайнида туркий тиллардаги фраземаларни ўрганиш соҳасида муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Г. А. Байрамовнинг «Озарбайжон тили фразеологиясининг асослари» (1970), Г. Х. Ахунзяновнинг «Идиомалар» (татар тили материаллари асосида тадқиқот, 1974), З. Г. Ураксиннинг «Бошқирд тили фразеологияси» (1975), М. Ф. Черновнинг «Ҳозирги замон чуваш тили фразеологияси» (1988), Н.Ш.Шаммаевнинг «Инглиз ва туркман тилларидағи фразеологик бирликларнинг чофиштирма тадқиқи» (1994) номли докторлик диссертациялари, бир қанча монографиялар, номзодлик диссертациялари, илмий мақолалар яратилди.

С. К. Кенесбоев турғун сүз бирикмалари орасидан фразеологияни тор маңнода тушуниш учун бевосита асос бўла оладиган гуруҳларни алоҳида ажратиб кўрсатади. Бундай гуруҳларга идиоматик ва ноидиоматик бирикмалар, акад. В. В. Виноградов фразеологик қўшилмаларга киритган фраземалар ҳамда қўшма жуфт оборотлар киради. Олим идиоматик бирикмаларнинг бошқа тип турғун бирикмалардан, жумладан, мақол ва маталлардан фарқини ҳам алоҳида белгилашга интилади. Тадқиқотчининг фикрича, идиомаларнинг семантик ўзига хослиги уларнинг нутқда яхлит кўчма маңнода қўлланилиши, бу устама маъно компонентлари англатган маънога алоқадор эмаслиги билан белгиланади. Мақол ва маталлар эса ўз семантикасига кўра мустақил жумла (высказывание) хосил қиласди.

Идиомалар С. Кенесбоев талқинича, мақол ва маталлардан фарқ қилиб, чекланган таркибдаги компонентлардан тузилади. Тўғри, мақол ва маталлар семантикасини идиомалар семантикасидан фарқлашда миқдорий мезон (компонент таркиби) маълум роль ўйнаши мумкин. Аммо фраземалар типлари орасидаги семантик фарқларни белгилашда миқдорий мезондан кўра булардаги лексик-семантик муносабатлар белгиловчи омил саналади.

Л. С. Аркитская «Қўмиқ тилида қўшма ва составли феъллар» мавзуидаги номзодлик диссертациясида ҳам қўшма феъл билан фразеологик бирликларни фарқлашдек туркийшуносликда долзарб бўлган муаммони маълум даражада ҳал этишга интилади. Иш муаллифи *китрик қоқмоқ, дўст тутмоқ, эсида тутмоқ* каби бирликларни фразеологик сўз бирикмалари деб талқин этади. Олиманинг фикрича, бундай турғун, ярим эркин қурилмалар составли феъллардан фразеологик бирикмаларга ўтиш жараёнида туради, чунки улар кўп ҳолларда кўчма маңнода қўлланади.

Бошқирд тилшуноси З. Г. Ураксин ҳам фразеология объектини тор доирада тушуниш тарафдорларидан бири саналади. Унинг талқинига кўра, фразеологик бирликлар турғун сўз бирикмаларининг бир қисми ҳисобланаб, «тайёр ҳолда та-крор қўлланиши, компонентлар орасидаги боғла-нишнинг турғунлиги ва маънонинг яхлитлиги» билан характерланади. Фразеологик бирликларни бошқа типдаги турғун бирикмалардан фарқлашнинг асосий белгиси образлиликдир, – дейди З. Г. Ураксин.

Г. Х. Ахунзянов «фразеология» термини кўп маъноли бўлгани учун унчалик маъқул эмас, уни «идиоматика» ёки «идиомалогия» терминлари билан алмаштириш зарур, деб ҳисоблайди. Олим идиомаларни яхлит маъноли ва аналитик гуруҳларга ажратади. Биринчи гуруҳ идиомалари учун яхлит маънонинг алоҳида ажратилган компонентларда ифодаланиш хосдир. Кейинги гуруҳдаги идиомалар маъноси аналитик характер касб этиши билан фарқланиб туради. Яхлит маъноли идиомалар Г. Х. Ахунзянов томонидан ўз навбатида идиома – сўз бирикмалари ва идиома-гапларга ажратилган. Озарбайжон тилшуноси С. Жафаров 50-йиллар охири ва 60-йилларда фразеология доирасини жуда кенг маънода тушуниш, унинг таркибига идиомаларни ҳам киритиш тарафдорларидан бири эди. У турғун сўз бирикмаларини идиомалар, иборалар, ҳикматли сўзлар, оталар сўзи ва зарбулмасаллар, деб беш гуруҳга ажратилади. Асарда идиомалар дастлаб событ идиомалар (беш йиллик, винтбуран, ойнабанд каби) ва событ бўлмаган идиомалар, деб тасниф қилинади. Событ бўлмаган идиомалар эса ўз навбатида қовушма идиомалар (қўз юммоқ, ҳа-ракатга келмоқ, оғиз очмоқ, қўли эгри, қалби қора), бирлашма идиомалар (бошига тушмоқ, бошига солмоқ, қўнглини олмоқ), уюшма идиомалар (назар солмоқ, йўлга солмоқ, назардан кечирмоқ) синга-

ри уч гурухға ажратилади. Иборалар ҳам бу асарда лексик иборалар (қора эл, мәрд юракли, она Ватан каби), идиоматик иборалар (қадаминг муборак, жонинг соғ ўлсин каби), предикатив иборалар (Буйруқ сизни кидир, одил ҳукмдор, Сизда адолатда, саҳоватда бор каби), деб гурухланган. М. Ф. Чернов фразеологик бирликларни таърифлаш, уни бошқа тил бирликларидан фарқлаш, чуваш тили фразеологик таркибининг күламиини белгилаш каби фақат чуваш тили фразеологиясининг эмас, умуман туркій фразеологияниянг ўзак муаммолари тадқиқ қилинган. Олим фразеологик бирликларни номинация назарияси аспектіда ўрганади, сўзларнинг фразема ясаш имкониятларини белгилашга интилади. Фразеологик бирликларни семантик-грамматик тасніф қилишда М. Ф. Чернов уларнинг вазифавий тавсифини ҳам инобатга олади.

Хулоса қилиб айтганда, фразеология соҳасида қиёсий-чоғиширма, структурал-типологик ва ареал тадқиқотлар олиб бориш фразеологияниянг умумназарий муаммоларини ҳал этишга кенг йўл очади. Умуман, фразеологик бирликларнинг шаклланиш манбаларини аниқлаш турғун бирикмаларни этиологик таҳдил қилишга нисбатан анча кенг мазмунга эга. Яъни бу умумфилологик муаммо бўлиб, энг қадимги, дастлабки фразеологик моделларнинг шаклланиш босқичларини аниқлаш муҳим семиотик масала саналади. Сўнгги пайтларда туркийшунослар худди ана шундай долзарб муаммони тадқиқ этиш билан ҳам шуғуллана бошладилар. Жумладан, профессор Г. Байрамовнинг фикрича, фразеологик маънени майян сўз билан ифодалаш уни турғун ёки эркин бирикма ёрдамида беришга нисбатан анча қадимийроқдир. Чунки фразеологик бирликларнинг шаклланиши тил тараққиётida бир оз кейинги даврларга тегишли бўлса, лексик бирликлар тил вужудга келгандан бўён амал қилиб келади. Масалан, Маҳмуд Кошғарийда *андғар* ясама сўзи

қасам ичирмоқ маъносини ифодалаган. Туркий тилларда кейинчалик -ғар аффикси ич сўзи билан ўрин алмашган ҳамда анд ичдирмэқ, ант ичирмек каби фраземалар юзага келган.

Мустақил соҳа сифатида шаклланган туркий фразеология келгусида бой тил материалини тўплаш ва системалаштиришни давом эттириш билан бир қаторда туркий тиллардаги турғун сўз бирикмалирини тарихий, қиёсий, ҷоғиштирма ва типологик аспектларда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса, биринчи навбатда, барча мавжуд туркий тиллар, жумладан ўзбек тили фразеологиясига оид тадқиқотларни ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш лозим бўлади.

## 2 §. «Бобурнома»даги фраземалар таржимасининг структур-семантик хусусиятлари»

Тарихий асарлардаги семантик фраземаларни ўрганиш ўзбек тили фразеологияси тарихи, халқ дунёқараши, урф-одат, анъаналари ҳақида муҳим маълумот беради. «Бобурнома»да муаллиф воқеа ва ҳодисани тасвирлаш учун мақол, матал ва фраземалардан маҳорат билан фойдаланади. Асар тилининг равон ва жозибадорлигининг сабаби ҳам шундадир. Худди шу маънода «Бобурнома»даги фраземаларни ўрганиш ҳам бугунги кун учун долзарбdir.

«Бобурнома»да тана аъзолари иштирок этган фраземалар кўплаб учрайди. Бундай соматик фраземаларга бош, қўл, юз, оёқ, тил, оғиз сўзлари қатнашган бирикмаларни келтириш мумкин: бош қўтармоқ, бошини қўлига олиб, қўз етар ерда, қўз илмас, қўз солинг, аркни иликламоқ, илик олиши билар, иликка тушти, юзини қўрсатмас, юзига келтурмай, оёқ маҳкам, оёқ устида, тил тута борғонлар, тил олғали, оғизға сиққусиз, оғиз сўзлар кабилар шулар жумласидандир.

1. «Бош» ядроли фраземалар таржимасида қуидаги хусусиятлар намоён бўлади: Бош ядроли фраземалар инсонлардаги турли-туман характер ва ҳолатларни ифодалашга хизмат қиласди. Бош тортиб – «бўйсунмаслик» (...ул шайтон сифат бош тортиб, биздан ажралганларга бошлиқ бўлди), бош кўтармоқ – «исён қилмоқ» (Икки сув орасиға бош кўтариб, Кўйил қасабасини урушиб олиб эди) каби фраземалар итоат ёки итоатсизлик; бош олиб кетмоқ – «бутунлай кетмоқ» (Хитойға бормоқни жазм қилиб, бош олиб кетмоқقا азм қилдим) иборасида воз кечиш; бошига етмоқ – «ҳалок қилмоқ» (...ҳар ёмонлиқ бошиға етса ўзидин ва ҳар ношойист қошиға келса, сўзидин кўрсун), бошини қўлиға олиб – «боши кесилганлик» (бошини қўлиға олиб, дунёдин чиқар) фраземаларида ўлим; бош уриб – «намоён бўлмоқ» (Имодулмулқинким, мундоқ намакҳаромлиқ бош уриб эди, ўлтуруб, жазосиға еткурди) бирикмасида кўриниш маъноси юзага келган.



Эътибор берсак, келтирилган мисолларнинг аксарияти бугунги кунда ҳам ҳеч ўзгаришсиз қўлланилади, фақат бошини қўлиға олиб ибораси бундан мустасно. Бу фразема нафақат табиий ўлим маъносини, балки «кимдир томонидан қатл эттирилиш,

ўлдирилиш» маъноларини ифодалайди. **Бош уриб** фраземаси бугунги кундаги маъносидан бутунлай фарқ қилаётганингини ҳам кўришимиз мумкин. Юқоридаги мисолда бош уриб фраземаси «намоён бўймоқ», «кўринмоқ» маъноларида қўлланган. Яъни, *Имодулмулкда нонкўрлик белгилари қўринган* эди (*нонкўрлик қилган* эди), шунинг учун ўлдириб, жазо бердик.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бош уриб фраземасига шундай таъриф берилади: *Бош урмоқ* 2) ёрдам сўрамоқ, бош эгиб келмоқ. Сенинг учун азизларга бош урдим, Боргин, болам, сени ҳақقا топширдим. «Маликаи айёр».

Бундан кўринадики, бу фраземанинг бир неча маъноларидан бири *«итоат»* экан.

Ул баҳти қайтқон, эшиттиким, черик таъйин бўлубтур, бошини қўлиға олиб, дунёдин чиқар

(6.265). Ушбу гапда икки фразема бор, бошини қўлиға олиб ва дунёдин чиқар фраземалари. Биринчи фразема (бошини қўлиға олиб) ўлимнинг ҳолатини, иккинчиси (дунёдин чиқар) **ўлим** семасини ифодашга хизмат қилмоқда.

*Бош-кўз қилмоқ* ибораси ҳам бугунги кунда ишлатилмайдиган фраземалардан биридир. У *«назорат»*, *«эгалик»* маъноларини ифодалайди. Чун Иброҳим муҳимми устида эди, филҳол оғасининг эл-кунини ул *бош-кўз қилди* (6.212).

Бу жумла шундай табдил қилинган:

Иброҳим муҳим ишлар билан банд эди, дарҳол уни акасининг одамлари ва ишига бош қилиб қўйди (6.220). Кўринадики, бош-кўз қилмоқ фраземаси бугунги тилимизга бош қилиб қўймоқ тарзида редакцияга учраган.

Бош ядроли фраземаларнинг аксарияти от + феъл шаклида бириккан, икки ёки уч таркибли иборалардир. Масалан, *бош тортиб* – от + феъл, *бош қўтармоқ* – от + феъл, *бош олиб кетмоқ* – от + феъл, *бошига етмоқ* – от + феъл, *бошини қўлиға олиб* – от

+ от + феъл, бош уриб – от + феъл. Бирикиш усулла-рига кўра бундай таркибли фраземалар бошқарув усули билан бириккан.

2. «Кўз» ядроли фраземалар инсоннинг чексиз ва турли-туман ҳис-ҳаяжонини, физиологик жараён-ларни ифодалашга хизмат қилади, уларнинг асосий қисми структуралжиҳатданот+феълтузилишигаэга бўлганиккиҳамдауч компонентли феълиборалардир : кўз етар ерда – «яқин» (...*кўз етар ерда бир отнинг устида бир нима йилтираб қўринадир*), кўз илмас –«писанд қилмаслик» (*Бу фиръавн ани кўз илмас эди*), кўз солинг – «қарамоқ» (*Ўйға кўз солинг, ўйни итурманг*), кўзлари чироғдек ёруди – «хурсанд бўлмоқ», кўз тутулур – «эътибор тортадиган» (Вале онча нафис китобларким, кўз тутулур эди, онча чиқмади.), кўзим уйқуга борди –«ухламоқ» (...*бир замон кўзим уйқуга борди*). Ушбу мисолларда феъл грамматик таянч компонент вазифасини ўтаса, кўз сўзи семантик таянч компонент бўлиб, фраземаларнинг мантиқий ядросини белгилайди.

**ЭЪТИБОР  
ТОРТМОҚ**

**ЯҚИН**

**КЎЗ**

**ХУРСАНД  
БЎЛМОҚ**

**ҚАРАМОҚ**

**УХЛАМОҚ**

**ПИСАНД  
ҚИЛМАСЛИК**

Ушбу мисоллардан кўз етар ерда ва кўз илмас фраземалари масофа ва майдон тушунчасини, кўз солинг, кўзларига мил тортқайлар, кўзим уйқуга

борди, кўзлари чироғдек ёруди, кўз тутулур фраземалари эса ҳолат семаларини ташишга хизмат қилган.

*Кўз тутмас* фраземасининг семаси бошқа фраземаларнидан фарқ қиласиди. Бунда ишонган одамининг ножъя ишидан ранжиш маъносидаги кутмаганлик семаси англашилади.

*Бу аснода хабар келдиким, Ҳумоюн Деҳлига бориб, Деҳлидаги хизоналардан бир неча уйни очиб, беҳукм мутасарриф бўлубдур. Мен андин ҳаргиз мундоқ кўз тутмас эдим.* (Мен ундан буни кутмагандим).

**Кўз тутмас** фраземасининг бироз ўзгарган вариантлари – кўз тутмоқ ва кўзда тутмоқ ҳозирги адабий тилимизда ҳам қўлланилади.

*Кўз тутмоқ* Кутмоқ. Келасиз деб кўз тутдим, бўлмади хабар.

*Кўзда тутмоқ*. Мўлжал қилмоқ, назарда тутмоқ. Гектаридан кўзда тутилганидан кўпроқ дон ва қўкпоя олинди.

Бизнинг изланишларимиз кўз тутмоқ фраземасининг «Бобурнома»да келганидек, бўлишсиз формада келмаслигини кўрсатди.

*Кўз тутулур* фраземасидан диққат-эътиборни тортиш, кўзини узолмаслик маънолари тушунилади.


*Вале онча нафис китобларким, кўз тутулур эди, онча чиқмади.* (Лекин бир қараганда қимматбаҳо кўринган китоблар ичida арзийдиганлари кўп эмасди.).

Асар табдилидан ҳам кўриниб турибдики, ушбу фразема ҳозирда ишлатилмайди, шунинг учун унинг маъноси бошқа сўзлар ёрдамида англатилган.

Кўз ядроли фраземаларниң ҳам аксарияти от + феъл шаклида бирикади. *кўз етар ерда* – от + феъл + от, *кўз илмас* – от + феъл, *кўз солинг* - от+феъл, *кўзлари* чироғдек ёруди – от + от + феъл, *кўз тутулур* – от + феъл, *кўзим уйқуга борди* – от + от + феъл.

3. «Қўл» ядроли фраземалар «Бобурнома»да қўл, илик ва даст шаклларида ишлатилади, биз ушбу

компонентни ҳам грамматик, ҳам ҳам семантик таңч вазифасида күришимиз мумкин: *илик элтмадим* (*от + феъл*) – «құл узатмадим», «емадим» (Бу сұхбатда менинг олдимға қоз кабоби қўйдилар, чун қуш бузмоғини ва түрғамоғини қилғон эмас эдим, илик элтмадим), *илик олишмоқ* (*от + феъл*) – «курашмоқ» (Бойсунқұр Мирзонинг кишиси била илик олиштилар), *ўзимнинг илигимда* (*от + от*) – «ўз қўлимда» (ўз жиловим ўзимнинг илигимда бўлур), *илик қўнглидин юб* (*от + от + феъл*) – (*Вағаним илик қўнглидин юб, ва умр памуғини қўйдурууб, бизни баронғорға* ва жавонғорға чопиб, ўзларини яқин ҳам тегуздилар), *аркни иликламоқ* (*от + феъл*) – «аркни қўлга киритмоқ» (Шайх Боязидни тутмоқ керак, аркни иликламоқ керак), *қўлға кирғай* (*от + феъл*) – «эгалламоқ» (Тенгри таолодан умидвормизким, ўшул яқинда Ҳиндустон қўлға кирғай), *қўлға олмоқ* (*от + феъл*) – «эгалик қилмоқ» (Анинг хизонаси ни осонлик билан қўлға олдуқ), *даст бермас* (*от + феъл*) – «бўйсунмас» (Мен дедимким, «Салтанат ва жаҳонгирлик беасбоб ва олот даст бермас...»), зери *дасти* – «қўл остида» (Самарқанд подшоси анинг зери дасти эди.) каби.



Келтирилган мисолларнинг кўпчилигига илик сўзи кўчма маънода ишлатилган бўлиб, улар одатда «ихтиёр», «эгалик қилиш» каби маъноларни билдиради, бу эса халқнинг турмуш тарзи ва дунёқараши ҳосиласи ҳисобланади.

*Илик элтмадим* (*от + феъл*) фраземасининг тўғридан тўғри маъноси қўл узатмадим тарзида бугунги кунда ҳам қўлланилади, емадим сўзига тенг келади. Қўл узатмаслик турли сабабдан бўлиши мумкин, масалан, хоҳламаслик, қорин тўқлиги, аразлаш ва нимадир сабаб билан ейишга имкони йўқлиги каби. Биз юқорида келтирган мисолда ҳам илик узатмаслик сабаби очиқланган, яъни Бу сухбатда менинг олдимға қоз кабоби қўйдилар, чун куш бузмоғини ва тўрғамоғини қилғон эмас эдим, илик элтмадим-ғоз кабобини тўғраш ва бузишни билмагани учун емаган.

*Қўл солиб ўт* (*от + феъл*) бирикмаси ҳам ҳозирда ишлатилмайдиган, эътиборни тортадиган фраземадир. Ушбу кун Ганг дарёсини қўл солиб ўттим – Ўша қуни мен Ганг дарёсини кулочлаб сузиб ўтдим. Демак, қўл солиб ўтиш – кулочлаб сузиш маъноларини берар экан.

*Даст* сўзи иштирокидаги фраземалар ҳам ўзига хос бўлиб, форс-тоҷик тилидаги даст сўзи семантик таянч вазифасини ўтайди. *Даст бермоқ*, зери *дости* кабилар бунга мисол бўла олади. *Даст бермоқ* (*от + феъл*) фраземаси эришмоқ, қўлга киритмоқ маъноларида қўлланади. Мен дедимким, «Салтанат ва жаҳонгирлик беасбоб ва олот даст бермас – Мен шундай дедим: «Салтанат ва жаҳонгирликка қурол-яроғ ва аслаҳа-анжомсиз эришиб бўлмайди».

*Даст бермоқ* фраземаси бугунги тилимизда тутқич бермас шаклида учрайди. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида шундай таъриф берилади:

Тутқич бермоқ (кўпинча бўлишсиз шаклда) Ўзини туттириб қўймоқ. Қуён тутқич бермай қочди. Куш ҳам итга тутқич бермай, яна пириллаб учди.

3. «Оёқ» ядроси иштирокидаги фраземалар камчиликни ташкил этса-да, мазмунан ҳар хиллиги билан ажралиб туради. *Оёқ маҳкам құлмоқ, оёқ устидадир, оёқ остида, оёқ беркитти* каби.

ҚАРШИЛИК  
ҚИЛМОҚ

ТҮХТАМОҚ

ОЁҚ

ТҮКИЛИБ  
ЁТМОҚ

ПАСТЛИКДА

*Оёқ маҳкам* (*от + сифат*) ибораси қаттиқ қаршилик құлмоқ маъносида қўлланади.

Чун оёқ маҳкам қилиб эрдик, мухолифни турар мажоли қолмай, беихтиёр қоча бердилар. – Оёғимизда мустаҳкам турганимиз учун душманнинг туришга мажоли қолмай, беихтиёр қоча бошлади. Бу ўринда оёғимизда мустаҳкам турганимиз бирикмаси кўчма маънода «қаттиқ қаршилик қўрсатганимиз» маъносида келмоқда. Кўринадики, бир ибора маъноси бошқа бир ибора билан тушунтирилмоқда.

*Оёқ устидадир* (*от + от*) фраземаси тўқилиб ётган деган маънони ифодалайди. Шоли қалин экибурлар шолиси пишиб, тамом оёқ устидадир – Шолиси жуда кўп экилган экан, пишиб ҳаммаси йиғилмасдан турибди.

Бу ўринда ҳосилнинг шунчаки йиғилмасдан туриши эмас, балки ерга тўқилиб ётиш даражасидаги қаровсизлиги оёқ ядроси ёрдамидаги фразема орқали акс эттирилган. Ҳозирги ўзбек тилида бу фразема одатда, *оёқ остида, оёқ ости* иборалари билан ифодаланади.

Оёқ остида (*от + от*) фраземаси «пастликда» маънини беради.

Кирмош тоғлари ва Бангаш тоғлари оёқ остида күринаадур.

Оёқ беркитти (*от + феъл*) ибораси тўхтатди, ўтказмади каби семаларни ифодалашга хизмат қилаади.

Жавонғор кишиси бовужуди озлиқ яхшилар тўхтаб оёқ беркитти. – Чап қанот жангчилари оз бўлишига қарамай, яхши, мардонавор уришиб, ёвни тўхтатди (б.159).

Демак, оёқ ядроли фраземаларнинг юзага келишида оёқ тушунчасининг бошқа-бошқа услубий маъноларидан («мустаҳкамлик», *тупроқча тегиб тургани* учун «хорлик», «паски қисм») фойдаланилган.

5. «Бобурнома»даги фраземаларнинг яна бир катта гуруҳи қўнгил сўзи иштирокидаги фраземалардир. Муаллиф **қўнгил** сўзи ёрдамида бир қанча маъноларни ифодалашга ҳаракат қилган.

ЁҚТИРМОҚ

ХУРСАНД  
ҚИЛМОҚ

ХОҲЛА-  
МОҚ

ХАФА  
ҚИЛМОҚ

ҚЎНГИЛ

УМИДСИЗЛИК

ХОТИРЖАМ-  
ЛИК

1. Ёқтирмоқ, севмоқ семалари фраземаларнинг асосий қисмини ташкил қиласи. Қўнгул бермоқ (*от + феъл*): Ясоллар ерлик-ерига келгандин сўнг, жамиъ ясолларға илдам қатраб етиб, буронғор, жавонғор,

ғулдағы беклар ва йигитлар ва сипоҳийларға құнгуллар беріб...; құнглум мойил (*от + сифат*): құнглум агарчи мойил әди, мундоқ құлмағон амрни узлук била құлмоқ мушкіл әди; құнгли тортмоқ (*от + феъл*): вале чөгір ичмоққа майлім бор әди ва бу водийни тай құлмоққа құнглум тортар әди каби фраземалар шулар жумласидандир.

2.Хоҳламоқ ёки хоҳламаслик: құнгул тұхтатмайдур (*от + феъл*): Шайбонийхон Самарқандни яқинда олиб, ҳануз әл анга ва ул әлга құнгул тұхтатмайдурлар, ушбу фурсатта бир иш қила олсак худ қилгайбиз; құнглум тилаганидек: Мундин дам аларнинг құнгли тилагандек фармонлар йиборилди.

3.Умидсизлик: құнгул тиндурмак (*от+феъл*): бу йусунлуқ нолойиқ пешадин құнгулни тиндуруб, қаламни синдурдум.

4.Хұрсанд құлмоқ: құнгли хейли құпмак (*от + феъл*): Ушмунча била черик элининг құнгли хейли құпты, қувонди; құнгулларин олуб (*от + феъл*): хатм ва дуолар борғонларнинг арвоҳиға қилиб, құнгулларини олиб, қароларини солиб, бу муҳиммомттин *фориғ* бўлғондин сўнг; құнгли қавий бўлуб (*от + феъл*): то бу неча йил ўзбак тафриқасидин дилшикаста бўлған элларнинг құнгли қавий бўлуб, умидвор бўлғайлар әди.

5.Хафа бўлмоқ: құнгулни қўпрак синдиреди (*от + феъл*). Мундоқ шумнафас неким сўрди, бедил элнинг құнглини қўпрак синдурди.

6.Хотиржамлик: қўнгил жамъ қилиб (*от + феъл*). То инке кеча бўлди, ғанимдин қўнгил жамъ қилиб, комёб қайттуқ, қўнгулларидин қаронғу кўтарилиди (*От + от + феъл*) – (...Мустафо Румийни буюрудуким, ғулдин аробаларни илгари элтиб, милтиқ ва зарбзан билан андоқ мухолифни лашкарини дарҳам урдиким, баҳодурларнинг қўнгулларидин қаронғу кўтарилиди. б.263), қўнглидин чиқариб (*от + феъл*) (...Хумоюн Калпий тұғриси етканда киши йибориб, дағдағаны қўнглидин чиқариб, ўзи била олиб келди. б.218).

Хулоса қилиб айтганда, «Бобурнома» матнида турли фраземалардан характер ва ҳолатни чиройли ҳамда образли ифодалашда унумли фойдаланилган. Ушбу фраземаларнинг биз таҳлилга тортган турларидан ташқари *оғиз* (*оғизга сиққусиз, оғиз очиб, оғиз сўзлар каби*), *тил* (*тилга келтурмоқ, тил тутма борғонлар, тил олғали каби*), *қулоқ* (*қулоқ солур, қулоғига етмоқ, сўзларини гўш қилмай каби*), *бел* (*бел боғлаған*), *тандри* (*тенгри ҳукми, тенгри карам қилди, тенгри рост келтурса, тенгри қошида*) сўзлари иштирокидаги фраземалар ҳам камсонли бўлса-да учрайди.

«Бобурнома» матнида қўлланилган фраземаларни структур таҳлил қилиш мобайнида уларнинг, асосан, от + феъл шаклида бирикканлигини (*илик элтмадим* (*от + феъл*) ва уларнинг аксарияти икки таркибли эканлиги аниқланди. От + от шаклидаги фраземалар оёқ ядроли фраземаларда кўпроқ кўзга ташланди (*оёқ устидадир* (*от + от*)). Умуман, асар матнидаги бир хил ядроли фраземаларни *структурал жиҳатдан* тўлиқ тадқиқ қилиш сўзларнинг бирикмалар таркибидаги маъно товланишларини аниқлаш учун муҳимдир. Тарихий фраземалардаги бундай нозик маъно қирраларини кўрсатиш бу-гунги кун лексикологияси учун ҳам қизиқарли ва муҳим маълумотларга асос бўлади.

«Бобурнома» йирик ҳажмли, услубий жиҳатдан етук асар бўлганлиги сабабли унинг тилини фраземаларсиз тасаввур қилиш қийин. Асарда қўлланган фраземаларни тузилиши, семантикасига кўра маълум гурухларга бўлиб ўрганиш мумкин.

«Бобурнома»даги фраземаларни семантик жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. «Ҳаракат-ҳолат» семали фраземалар: гуноҳини бағишла – «кечирмоқ» (*Хожа Калоннинг шафоати била гуноҳларини бағищлаб, аҳл ва аёлларини аларга қайтиб руҳсат берилди. 6.162*), таъзият тут (*от + феъл*) – «аза тутмоқ» (*Ул ўлганда Мирзо бисёр қат-*

тиқ таъзият тутқондур. б.49), сўзни (бу ерга) қўймоқ – «келишмоқ» (менинг улуғ онам Эсан Давлатбекимнинг қошида йиғилиб, сўзни бу ерга қўйдиларким, Ҳасан Яъқубни маъзул қилиб фитнасиға таскин берилғай. б.47.), тилим тутулди – «гапира олмаслик» (Андоқким, тўрт кунгача тилим тутулди, оғзимга пахта била сув томизурлар эди. б.63.), бошсизлиқ қилғон – «бўйсунмаслик» (Қорабулоққа тушганда баъзи кирган кенд-кесакка бошсизлик қилғон мўгулларни тутиб келтурдилар. б.56.) каби.

Феъл сўз туркумидаги бўлишли-бўлишсизлик шакли олимларимиз томонидан мавжудлик категорияси<sup>119</sup> деб ҳам юритилади. Феъл сўзлардан фарқли равишда ҳаракат-ҳолат семали фраземаларнинг барчаси ҳам ҳар икки аспектда баравар қўллана олмайди.

«Ҳаракат-ҳолат» семали фраземаларда мавжудлик категориясига кўра:

а) ҳам бўлишли, ҳам бўлишсиз аспектда келувчи иборалар: сўзларини қулоққа олмоқ – «ишонмоқ» (Ушмундоқ маҳалда мухолифларнинг фирибомуз сўзларини кулоққа олиб, ...элчиликка юбордилар. б.64.); юзларига келтурмай – «таъна қилмай» (Султон Ҳусайн Мирзо бориға эҳсон мақомида бўлиб, ёмонлиқларини юзларига келтурмай, инъомлар ҳам қилди. б.123.); яхши маош қилди – «яхши муомала қилмоқ» (Бу жиҳатдин бу тоғ эли била яхши маош қилмоқ вожиб ва лозим эди. б.166.) каби.

Келтирилган мисоллардаги иборалар асарда ҳар икки ҳолатда, яъни бўлишли ва бўлишсиз шаклда келтирилади. Масалан, ёмон маош қилмоқ фраземаси ёмон маош қилди-ёмон маош қилмади ёки яхши маош қилди шаклида бир неча бор ишлатилган.

в) фақат бўлишли шаклда келувчи иборалар: бурунидин чиқти – (Неча йил қилғон беклиги ва салтанати тамом бурунидин чиқти. б.104.), бехузур бўл-

<sup>119</sup> Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. №4. – Б. 36.

ди – «ўзини ёмон ҳис қилмоқ» (Менинг онам хоним бехузур бўлдилар, хейли ёмон бехузурлиқ эди. 86-б.), шунқор бўлди – «вафот этди» (Умаршайх Мирзо дардин кабутар ва кабутархонаси била учуб, шунқор бўлди. б.37.), жонға еттук – «сабри тугамоқ» (..биз ҳам аниңг ахлоқ ва афъолидин жонға еттук, рухсат бердук. б.125.), қочмоққа юз қўймоқ – «қоча бошлимоқ» (Ўйларини ҳам соғиндилар, Бирар-иккираар қочмоққа юз қўйдилар) каби. Ушбу мисоллар асарда фақат бўлишши шаклда қўлланади, аслида ҳам бу фраземалар бўлишсиз шаклда қўлланилиши мумкин эмас. Шунқор бўлди – шунқор бўлмади каби.

с) фақат бўлишсиз шаклда келувчи иборалар: кўзга илмас эди – «писанд қилмаслик» (Агарчи Дарвеш Муҳаммад тархон тўра ва муча била мундин улуғ эди, vale бу фиръавнани кўзга илмас эди. 6.45.), писанд тутмас эди – «писанд қилмаслик» (Ўзидин ўзга ҳеч кишини ҳеч ишта писанд тутмас эди. б.50.) каби.

2. «Нарса-ҳодиса» семали фраземалар: жон ваҳми – «ўлимдан қўрқиши» (Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш. б.99) моли омон (*от + от*) – солиқ тури (*Талон ва тарож қилмай Бҳира элига моли омон* солиб, нақд ва жинсдин тўрт лак шоҳруҳий олиб..), зери дасти – «қўли остида» (Самарқанд подшоҳи аниңг зери дасти эди. б.195.), Беш кун ўтар дунё – «ўткинчи дунё» (Беш кун ўтар дунё учун бир ўзи ўстурғон валинеъматзодасини кўркилди. б.49.).

3. «Белги» семали фраземалар: бўйи *oғip* – «ҳомиладор» (Ул замонда *Дилдор оғачанинг бўйи оғип* эди. б.163), калла хушк – «қалтис ҳаракатли» (*Маъжунийликда калла хушк* бўлур эди, етим шиор эди, лаъби дағи бисёр эрди, ҳамиша нард ўйнар эди... б.37.), сўзига ўз – «сўзининг устидан чиқадиган» (*Сайди Қаро агарчи сўзига ўз* эди, қиличига сустроқ эди. б.82.), тили қисиқ – «тазийқ ўтказолмаслик» (*Хейли тили қисиқ* йўқ эди. б.86.), жон тортқон (*от + сифатдош*)

- «ич ачир» (Күрсамким, Қутлуқ Мұхаммад Барлос ва Бобойи Парғарийким, менинг жон тортқон навкарларим ўн-ўн беш, йигирма киши бўлғай, етиб келдилар.б.100), сўзга мунги йўқ - «гапга чечан» (Сўзга мунги йўқ эди. Оғаси Бойқаро Мирзонинг ўртанча ўғли Султон Вайс Мирзоға чиқариб эди. б.130.) риоят қобили - «эътиборга арзирли» (Мунча риоят қобили эмас эди. б.135.) каби.

4. «Вақт» семали фраземалар: бир сут пишими - «бир сут пишунча бўлган вақт» (Яна Жаҳонгир мирзони бир сут пишими бурунроқ қавлаб чақирибтурлар. б.96); ражаб ойининг турраси - «ражаб ойининг боши (биринчи қуни)да» (Ул юрттин чаҳоршанба қуни, ражаб ойининг туррасида кўчуб, Алварнинг икки кўруҳисида келдук.б.230), офтоб ҳануз ўлтурмай - «қун ботмасдан» (Офтоб ҳануз ўлтурмайдур эдиким, дарёдин кечилди. б.246); ушбу сўзнинг устида - «шу пайт» (Ушбу сўзнинг устида эрдиким, боғнинг деворидин ташқари қалин отлиқнинг келур овози келди. б.100); завол вақти - «қун ботиши пайти» (Завол вақтиғача бунда ичилди. б.179), туш қотила - «туш пайти» (Андин эрта кўчуб, Качакот сувини ўтуб, туш қотила Сандаки кўталини ошиб тушулди. б.165.); фарз вақтида (Фарз вақтида ғаним устиға етарлар. б.190.), туш қайта (Сешанба қуни, ойининг ўн тўйқузида туш қайта хожа Сеёрон сариға отланилди.б.72.)

6. «Ўлим» семали фраземалар: қиличқа борди (Қони тутулоғон бадбахт сумжста экандур, булар бориб тутун қўюб етмиш-сексон ҳазорани олдилар, кўпраки қиличқа борди. б.127. ), оламдин нақл қилди (Фосиқ ва бебок эди, фисқнинг шоматидин обила маразиға гирифтор бўлуб, илик-оёғидан қолиб, неча йил турлук-турлук азоб ва машаққатлар тортиб, ушбу балийя била-ўқ оламдин нақл қилди. б.135. ), охир аҳди (Султон Шиҳобиддин Гурийдин сўнг Султон Ферузшоҳнинг охир аҳдиғача аксар Ҳиндустон Дехли салотинининг тахти забтида экандур. б.196), бошини

қўлига олиб дунёдин чиқар (Ул баҳти қайтқон эшитиким, черик таъйин бўлубтур, бошини қўлиға олиб, дунёдин чиқар. б.265.), тенгри ҳукмини буткармиш (Чандерийни муҳосара қўлғонда хабар келдиким, Кобулда Тенгри ҳукмини буткармиш. б.131.), гарди фаноға кетмоқ (Ва Ҳасанхон Меватийга милтиқ тегиб, гарди фаноға кетти. б.264). Булардан ташқари «ўлим» семали фраземаларнинг тенгри раҳматига борди, жувонмарг бўлди, ажал етти, оламдин кечти, шунқор бўлди, шаҳид бўлди, тенгри раҳматига борди, оламдин кечди, ажал етди, ўқقا, қиличқа, сувға борди, қиличқа борди, оламдин сафар қилди, қора олдурмай каби шакллари ҳам учрайди.

«Бобурнома»да «ўлмоқ» тушунчаси ўн тўқиз хил шаклдаги ибора билан ифодаланган. Асарнинг ўттизга яқин ўрнида «ўлмоқ» тангри номи билан боғлаб акс эттирилган<sup>120</sup>. Ўлим семали фраземаларни нутқида ифодалашга қадимдан халқимизда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашилган. Сабаби, ҳар бир инсонга нохуш хабар айтилганда ёки етказилганда эшичувчи инсон томонидан доим ҳам босиқлиқ билан қабул қилинавермаган. Шунинг учун ҳам халқимизда «ўлди» маъносини берувчи бир неча сўз ёки бирикмалар мавжуд бўлган. «Бобурнома» матнида «ўлим» семасини ифодаловчи 20дан ортиқ фраземанинг борлиги бизнинг ушбу фикримизга яқол далилдир.

6. «Жазо» семали фраземалар: қатли ом қилмоқ – «барчани ўлдирмоқ» (Элни тамом қатлиом қилди. б.82.), қоратаёқ қилмоқ – «урмоқ» (Ахсининг бир пора лаванд ва авбошли барин қилиб, қоратаёқ қилиб, Ахсининг тош қўрғонидагиларни зарби ростаркка тиқиб..., б.68.), калла минора қўпормоқ-«калладан минора тиклаш», бўйниға урдурмоқ – «ўлдирмоқ» (Шайбоқхон Самарқанднинг Чорсуйида бўйниға

<sup>120</sup> Холманова З. «Бобурнома»даги эвфимизмларнинг функционал-семантик хусусиятлари // Ўзбек тили ва таълими, – Тошкент, 2007, №6. – Б. 61.

урдурди. б.105.), ясоққа етти – жазо тури (Баъзи султонлари ва саркашлариким, иликка тушиб әди, ясоққа етти. б.162.) ясоққа етқурди, бурнини тешди – жазо тури (Кишилар йибориб бесарлиқ қылғон элнинг баъзисини ясоққа етқуруб, баъзисини бурнини тешиб, ўрдадин әврурдилар. б.166.)

7. «Муомала» семали фраземалар: ёмон маош қилмоқ – «ёмон муомала қилмоқ» (Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбал вилоят элига бисёр зулмлар ўткариб, ёмон маош қилиб әдилар. б.68.), яхши маош қилмоқ – «хушмуомала бўлмоқ» (Бу жиҳаттин бу тоғ эли бирла яхши маош қилмоқ вожиб ва лозим әди. б.166), зиддана маош қилмоқ – «келишмаслик» (Чун Устод Алиқули зиддана маош қилур әди, бу жиҳаттин Мустафоны буронғорда Хумоюннинг олида таъйин қилилди), мусолаҳа ораға солиб –«сулҳ тақлиф қилиш» (Чун элчи йибориб, қадимдан туркка алоқадор вилоятларни тилаб, мусолаҳа ораға солилиб әди, тавжих қилғон ярмоқлар аксар иликка тушти. б.169).

8. Ҳарбий тушунчаларни ифодаловчи фраземалар: тил тута йиборилди – «айғоқчиликка юбормоқ» (Хожса Калоннинг навкари Ҳайдарқулини тил тута йиборилди. б.191.), қочмоққа юз қўйди – «чекинмоқ» (Бу ҳолатни кўруб мўлжор тўғрисидағи қалин бангалий кемалари сув қўйи қочмоққа юз қўйдилар. б.258), илик қўшмоқ – «қўшилмоқ» (Султонларға киши чоптурдумким, ўтганларни яхши йиғиб, ул ўтрудадағи фаржға ёвук ета ёнидин юруб, ғанимға илик қўшунг, б.258.), қўлға олмоқ –«тутмоқ» (Анинг хизонасини осонлиғ била қўлға олдуқ. б.264), аҳдға турмай – «хиёнат қилмоқ» (Тусни секкиз ой қабаб, судҳ била олиб, аҳдға турмай, тамом эл атоғларини қириб, хотинларини асир қилдилар. б.214), ғалаба бош йиборди – «исёнчиларнинг бошини олиб жўнатмоқ» (Бориб, йироқдин илғоб, бу афғонларни яхши босиб, қалин кишисини қириб, ғалаба бошлар йиборди. б.217), банд қилди – «асир олмоқ» (Рустамхон деган бир мардак Миёни дуобдағи таркашбандларни йиғуштуруб, ке-

либ Кўйилни олиб, Кичик Алини банд қилди. б.223), бош қўтариб – «исён қилиб» (Икки сувни орасиға бош қўтариб, Кўйил қасабасини урушуб олиб эди. б.264).

Кўринадики, «Бобурнома»да синоним ва уядош фраземалардан унумли фойдаланилган. Ибораларнинг бир гуруҳи гарчи синоним бўлса-да, улар ўртасида маълум услубий фарқлар мавжуд. Масалан, шунқор бўлди фраземаси шунчаки «ўлмоқ» маъносини ифодаласа, жувонмарг бўлди фраземаси «ёш вафот этди» маъносини билдириб, ёш кетганлик ҳолатига урғу берилади.

Хулоса қилиб айтганда, бир умумий маънони билдирувчи туркум фраземалар «Бобурнома»да ўринсиз такрорлар, услубий ғализликлар бўлмаслигининг олдини олишга хизмат қиласи. Шу билан бир қаторда ифоданинг равонлиги, баённинг мусиқийлигини ҳам таъминлайди. Тилшунослик нуқтаи назаридан бундай синоним ва уядош фраземаларни, айниқса, уларнинг тарихий шаклларини ўрганиш янги-янги маълумотлар, аниқ хулосаларга асос бўлиши мумкин.

### 3 §. Таржима матнда сақланиб қолган фраземалар

Бугун дунёда глобаллашув жараёни кечеётган бир пайтда таржиманинг нафақат амалий, балки назарий аҳамияти ҳам янада ортиб бормоқда. Ҳар қандай таржиманинг асосий вазифаси асл тилда билдирилган коммуникатив мақсадни таржима тилида тўла ва аниқ ифода этишдан иборат. Таржимада «мукаммаллик» атамаси кўп тилга олинади. Лекин унинг аксарият мутахассислар томонидан эътироф этилган, таржиманинг барча турларига хос универсал таъриф ёки қолипи мавжуд эмас. У ёки бу асар (матн) таржимасига бир пайтнинг ўзида ёки турли даврларда бир нечта таржимон қайта қўл уриши мумкин. Ушбу жараёнда таржима асари сай-

қаллашиб, такомиллашиб боради. Ф.Салимова Паведе Куртейлнинг «Шарқ ва турк тиллари луғати»ни ҳамда «Бобурнома» таржимасини қиёсий ўрганар экан, асар таржимасининг адекватлигини таъминлаш омилларидан бири бу таржима луғатлари яратиш ишларига жиддий эътибор зарурлигини таъкидлайди<sup>121</sup>.

Таржиманинг аниқ ва мукаммал бўлишида таржима тилининг грамматик қурилиши, унда мувофиқ тил бирликларининг мавжуд эканлиги ёки эмаслиги, тилнинг объектив борлиқни ифода эта олиш имкониятларининг миқёси бир хил эканлиги ёхуд бир хил эмаслиги каби омиллар қаторида таржимоннинг маҳорати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, таржимон нафақат аслият, таржима тилларининг грамматик қурилиши, лексик бойлигини, балки ўша тилларда гапиравчи халқлар тарихи, урф-одатлари, анъаналари, тил бирликларининг функционал жиҳатлари ҳақида ҳам мукаммал билимларга эга бўлишлари керак.

«Бобурнома»нинг туркча таржимаси қўп жиҳатдан юқоридаги талабларга мос келадиган муваффақиятли чиққан. Ундаги фраземалар таржимасида мутаржим бир неча усуллардан самарали фойдаланган.

Маълумки, таржимашунослиқда фразеологик бирликлар таржимасида, асосан, З тамойил ҳукм суради .

1. Асл нусхадаги фразеологизмга таржима тилидан тенг қийматли эквивалент қидириб топиш;
2. Фразеологизмни сўзма-сўз таржима қилиш;
3. Фразеологизмни тасвирий йўл билан таржима қилиш;

Сўзга нисбатан бирмунча мураккаб таркибли тил бирлиги бўлмиш фраземаларни таржимада

---

<sup>121</sup> Ширинова Р. Х. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши. Филол. фан. бўйича докторлик (DSc) дисс. автореферати. –Тошкент, 2017. – Б.21.

тўғри талқин этиш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Фраземалар таржима жараёнида мастьулият билан ёндашиш, лингвистик, этнографик, тарихий билим талаб этадиган бирликлардир. Фразеологик бирликларни таржима қилиш ўта мураккаб амалий жараён бўлиб, бунга сабаб уларнинг лексик-семантик ва қурилиш жиҳатларидан мураккаблигиdir. Асл нусха ва таржима тиллари фразеологизмлари табиатини қиёсий ўргангандан ҳолда, улар орасидаги мазмуний-услубий мувофиқлик ҳолатларни аниқлаш ва таржима жараёнида уларнинг бирини иккинчиси воситасида талқин этиш йўл ва имкониятларини белгилаш тўлақонли таржима яратиш учун замин ҳозирлайди.

Турли халқлар фразеологик бирликлари баъзан бир-бирларига ҳам шаклий, ҳам мазмуний-услубий жиҳатдан мос бўлади. Бундай тиллараро лисоний воситалар илмий адабиётда фразеологик эквивалентлар деб аталади. Фразеологик эквивалентларнинг аксарияти маъно ва вазифа жиҳатдан бир – бирига мос бўлади, чунки, бундай бирликлар негизида халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва мантиқий мушоҳадаларида муштарақлик, бир хил ҳаётий тажрибага асосланган тушунчалар ётади. Бу хил фразеологик бирликлар таржимада бир-бирларини бемалол алмаштира оладилар.

Фразеологик эквивалентлар икки хил бўлиши мумкин: моноэквивалентлар ва танланган фразеологик эквивалентлар.

Моноэквивалент – ягона мос келадиган фразеологик эквивалентdir. Улар 2 турга ажралади: тўлиқ ва қисман фразеологик эквивалент.

Тўлиқ фразеологик эквивалентлар маъноси, лексик таркиби, образлилиги, услубий йўналганилиги ва грамматик тузилиши жиҳатидан тўлиқ мос келадиган иборалардир. Биз туркча матнда тўлиқ фразеологик эквивалент талабига мос келувчи фразема учратмадик.

Қисман фразеологик эквивалентлар маңнодаги түлиқсизликни англатмайды, фақатгина бир хил мазмун ва бир хил услубий йўналганликни бериш учун лексик, грамматик, лексико-грамматик томондан хилма-хилликка эга бўлади. Шунинг учун қисман фразеологик эквивалентлар тўлиқ фразеологик эквивалентларга тенг бўлади. Қисман фразеологик эквивалентлар маъноси, услубий йўналганлиги, образлилиги билан яқин, бироқ лексик таркиби билан фарқланувчи эквивалентлар . Бундай фраземалар туркча матнда кўплаб учрайди. Хабар топиб – *haber almak, oraga solib – ortaya atip* каби.

Танлаб қилинадиган фразеологик эквивалентлар. Кўпинча таржима қилинаётган тилдаги фразеологик бирликнинг турли эквивалентлари мавжуд бўлиб, таржимон контекст учун мосини танлаб олиши мумкин

«Бобурнома»даги фраземаларнинг туркча таржимасига эътибор берсак, қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланади:

1. Фразема унга якин маъноли фразема орқали таржима қилинган, яъни қисман эквивалентликдан фойдаланилган.

*Сайди Қаро, агарчи сўзига ўз эди, қиличиға забунроқ эди.*( б.82)

*Seydi Kara Bey gerçi sözünün eri idi, fakat kılıçı bir az zayıf idi* (s.93)

Ушбу мисолда сўзига ўз фраземаси туркчага *sözünүn eri* (сўзининг эри, сўзининг эгаси) ибораси билан ифодаланган. *Sözünүn eri* ибораси маъно жиҳатидан сўзига ўз фраземасига ўхшайди, аммо таркиби грамматик жиҳатдан ҳам, лексик жиҳатдан ҳам фарқ қиласди.

Сўзига – *sözünүn* (-га қўшимчаси -йн(-нинг) шаклида ўзгарган.)

Ўз – *eri*.

Бу ўринда ўз сўзи «эга» деган маънони ифодалашга хизмат қилган, сўзига ўз-ўз сўзига жавоб бероладиган, бир сўзли дегани. Ер сўзи турк тилида эркак киши, мард жасур деган маъноларни ифодалайди, фразема рамзий маънода сўзига «мард» деганидир.

Sözünün eri фраземасига Deyimler sözlüğü (фраземалар луғати)да қуйидагича таъриф берилган: *Herhangi bir konuda vermiş olduğu sözü her ne pahasına olursa olsun yerine getiren (bir insan olmak) lafinin eri (olmak)* (ҳар қайси соҳада берган ваъдасини қийин бўлса ҳам бажарадиган одам. Таржима бизники-М.Д.) Бундан кўринадики, худди ўзбек тилидаги маънони ифодаловчи туркча фразема таржиманинг асл маъносини яхши очиб берган.

Бир том уйга кириб, ўт ёқиб, бир замон кўзим уй-куга борди (б.99).

*Duvarla çevrilmiş bir eve girip, ateş yakıp, bir müddet içkiya daldım* (s.125). Кўзум уйқуга борди ибораси таржимасида кўз комроненти ифода этилмаган, унга эквивалент сифатида ицкия дадим фраземаси қўлланган. Бобур уйқу ҳолатини кўзга нисбатан тасвирлади, таржимада эса ицкия дамак бутун танага нисбатан олинган. Шу билан биргаликда уч таркибли фразема (кўзум уйқуга борди) икки таркибли ибора (ицкия дадим) билан ўгирилган. Ўзбек тилида уйқу сўзи *daldi* – чўмди тушунчаси билан биргаликда қўлланмайди, хаёл, ўй сўзлари билан биргаликда қўллана олади. Бу ҳам ўзбек ва турк тилларидаги фраземаларнинг фарқли жиҳатларидан биридир.

**Дедимким, мундоқ душворлиқ била тирилгунча бош олиб йитсам яхши** (б.89).

Ушбу мисолдаги **бош олиб йитсам** фраземаси турк тилига *başımı alıp gitmek* ибораси билан таржима қилинган, фақат йитсам сўзи ўрнига *gitmek* (кетмоқ) сўзи қўлланади.

*Böyle müşkilat içinde yaşamaktan ise, başımı alıp gitmek daha iyi... (s.107).*

Бир-бирларига маъно ва услубий вазифа жиҳатларида мос қатор фразеологик эквивалентлар лексик жиҳатдан, бир ёки икки компонентга фарқ қиласылар. Бу, асосан, турли халқлар вакилларининг ҳаёт воқеа-ходисаларига ўзига ҳос тарзда ёндашишлари, ўз тасаввурлари доирасида фикр-мулоҳаза юритишлари билан боғлиқ бўлиб, кўпгина нарса ва ҳодисалар улар лафзида турлича мазмун ва рамзий маъно касб этади. Бундан ташқари, бир халқ ўзи ишлатган фразеологик бирлик таркибига муайян тушунчани ифода этадиган қатор маънодош сўзларнинг биридан фойдаланса, иккинчиси бошқасини истеъфода этиши мумкинки, натижада ўхшаш маъно ва услубий вазифа ифодаси учун хизмат қиласидан икки тил фразеологик эквивалентларининг биттадан компонентлари фарқ қиласи. Масалан, хабар топиб – *haber alarak* фраземасида ўзбекча топмоқ феъли туркчада *almak* (олмоқ) феъли билан ифодаланади. Ўзбек тилида хабар олмоқ ва хабар топмоқ бирликларининг ҳар иккиси ҳам фразема сифатида мавжуд, аммо уларнинг маъноларида бироз фарқ бор. Хабар топмоқ бирикмасида хабарни қаердан билган ёки эшитганлиги семаси ноаниқ, хабар олмоқ ибораси эса ўзидан олдинги сўзнинг кимдан? сўроғига жавоб бўлишини талаб этади. Яъни кимданdir хабар олмоқ. Ўз навбатида хабар олмоқ фраземасида омонимлик хусусияти ҳам мавжуд, Франциядан хабар олмоқ (нимадир ҳақида) ва дўстидан хабар олмоқ (ҳолидан). «Бобурнома» матнидаги хабар топмоқ бирикмасининг туркча матнда *haber alarak* тарзида берилиши ҳам маънонинг бироз бузилишига сабаб бўлган, аммо туркчада айнан хабар топмоқ маъносини берувчи бошқа фразема мавжуд бўлмаганлиги учун, эҳтимол, таржимон шу ибора билан беришга қарор қиласи.

Ўзбекча матндаги ораға тушиб ибораси турк тилида мавжуд бўлган *araya girmesi* фраземаси билан

берилади, яъни ўзбек орага тушса, турк орага киради ёки ўзбекча матнаги ислоҳ ҳикоятини орага солиб фраземаси туркча таржимада *sulh masalını ortaya atıp* (сулҳ ҳикоясини ўртага отиб) тарзида ифодаланган. Қулоқ солиб фразеологик бирлигидаги ҳам шундай ҳолатни кузатишимиш мумкин, бу бирикма туркча матнда *kulak vermek* (қулоқ бермоқ) фраземаси билан ифодаланган.

Эътибор берилса, биз таҳлил қилаётган фраземаларнинг барчасида биринчи сўз таянч вазифани бажариб, фраземанинг маъноси шу сўзлар асосида реаллашади, бирикмалардаги иккинчи сўз эса барча мисолларда ўзаро фарқ қилмоқда ва улар иккала ҳалқдаги ҳолатни ифодалашдаги ҳар хилликни кўрсатиб беради.

Самарқандға илик қўюб ҳеч иш очилмади (6.67), яъни Самарқандни олишга ҳаракат қилдик, ҳеч ишимиз юришмади (изоҳ бизники-М.Д.). Бу ерда илик қўюб бирикмаси «ҳаракат қилиш», «уриниш» маъноларида келмоқда.

...*Semerkend'a el uzatmaktan da hiç bir netice çıkmadı* (s.63). Самарқандга қўз узатищдан ҳеч бир натижа чиқмади (таржима бизники М.Д.). Ушбу фразема туркча таржимада жуда чиройли ва аниқ ифодаланган, айтиш мумкинки, бу ибора бугунги ўзбек тилида мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ҳозирги ўзбек тилига қилинган табдилида бу бирликни қўшма сўз (ҳаракат қилдик) ёки битта содда сўз (уриниш<sup>122</sup>) билан ифодалаймиз, аммо айни шу маънони берувчи фразема ҳозирги замон турк тилида мавжуд.

*Неча йил қилғон беклиги ва салтанати тамом бурунидин чиқти* (6.104).

Бурунидин чиқти фраземаси ҳозирги ўзбек тилида ҳам, қардош турк тилида ҳам фаол қўлланувчи иборалар сирасига киради. Аммо бирикмадаги

<sup>122</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Ҳозирги ўзбек тилига В.Раҳмонов ва К.Муллахўжаевалар табдил қилишган. – Тошкент, 2008. – Б.64.

феъллар ўзаро фарқланади. Бурундин чиқти – *burnundan geldi*.

*Kaç senedir yaptığı beyliği ve sultanati tamamen burnundan geldi* (s.133).

Ўзбек ва турк тилларининг бир оиласа мансублиги ҳамда бу тиллар соҳибларининг диний карашлари, турмуш шароитлари ўхшашлиги туфайли лафзларидағи кўпгина фразеологик бирликлар бир-бирларига ўхшаш бўлиб, уларнинг аксарияти бир хил манбалар асосида вужудга келгандирлар. Шунинг учун ҳам таржимон ўз тилига моддий жиҳатдан аниқ таржима қилиб, ғайритабиий биррикмалар ҳосил қилмаган, балки бу биррикманинг *burnundan geldi* фразеологизмининг эквиваленти эканлигини фаҳмлагани ҳолда, масалани ижобий ҳал қилган. Агар сўзма-сўз *burnundan cicti* шаклида таржима қилганида турк китобхони учун тушунарсиз биррикма ҳосил бўларди.

1. Фразема сўзма-сўз таржима қилинган:

Таржима ўз табиати билан ҳам оригинал ижод жараёнидан фарқ қиласи. Ёзувчи ҳаёт воқеала-ридан олган мушоҳадаларини тилда бадиий ифодаласа, таржимон асл нусха матнини янги тил воситасида қайта гавдалантиради. Таржиманинг аслиятга шаклан ва мазмунан монанд тарзда яратилишининг бирдан бир шарти таржимоннинг ўз тилида аслий монанд лисоний воситалар танлаб ишлата олишидир. Бу масъулият унинг зиммасига, аввало, аслият маъно вазифасини бекаму кўст адo этиш, сўнгра хотирасида шаклланган фикрни ўз тили маданияти ва меъёри асосида тўла-тўқис ифода этиш вазифасини юклайди. Агар таржима қилинаётган тилда ўша фраземага маъно жиҳатдан яқин бирлик мавжуд бўлмаса, таржимон фраземани сўзма-сўз таржима қилиш йўлини танлайди. Масалан:

*Bu жиҳаттин бу тоғ эли била яхши маош қилмоқ вожисиб ва лозим эди* (б.166).

*Bu sebeple bu dağ halkı ile iyi münasabatte bulunmak vacip ve lazımdı* (s.251).

Бу мисолда яхши маош қилмоқ фраземаси *iyi tünasabatte bulunmak*-яхши муносабатда бўлмоқ тарзида таржима қилинган. Türk dili deyimler sözlüğüда бундай фразема берилмаган, шунга кўра таржимон фраземани сўзма-сўз таржима қилган дейишимиш мумкин. Худди мана шу ҳолатни кейинги мисолимизда ҳам кўришимиз мумкин:

Ҳар неча бандикум қолиб эди, Хожа Калоннинг шафоати била гуноҳларини бағишлиб, аҳл ва аёлларини аларға қайтиб руҳсат берди (б.162).

*Geri kalan bir kaç esirin, Hoca Kelan'in şefaatı ile, günahlarını bağışlayarak kadın ve çocukların iade edip, gitmelerine müsaade etti* (s.245).

Бу ерда ҳам фраземанинг айнан сўзма-сўз таржима қилинганлиги кўриниб турибди.

гуноҳларини бағишлиб – *gunahlarını bağışlayarak*

-«кўз илмас»(писанд қилмаслик) ибораси *nazar-ı dikkate almazdı* (эътиборга олмасди) шаклида қўлланган.

Бу фиръавн ани кўз илмас эди (б.45).

*Fakat bu fir'avun onu nazar-ı dikkate almazdı* ( s.21.).

Бу ибора таркибидаги кўз компоненти туркчада кўзга алоқадор бўлган ҳолат оти- *nazar-ı dikkate* изофали биримаси билан ифодаланган. Писанд қилмаслик тушунчаси ҳам мазмун жиҳатидан бироз юшаган, у такаббурлигидан эмас, шунчаки эътибор бермаган деган тушунчага яқинлашган.

Шайх Боязидни тутмоқ керак, аркни иликламоқ керак (б.95).

*Şeyh Bayezid'i yakalamak ve erki ele geçirmek lazıim* (s.118).

Бу мисолда аркни иликламоқ фраземаси *erki ele geçirmek* (аркни қўлга киритмоқ) шаклида таржима қилинган. Таржимада иликламоқ сўзи қўлга киритмоқ тарзида ифодаланган.

Аслида фразеологик бирликларни таржима тилида қайта яратиш жуда мураккаб бўлиб, таржима қилинаётган фразема аслият тили билан узвий боғ-

лиқ ва шу тилнинг вакили – миллат тарихи, турмуш тарзи, урф-одати, маданияти, топонимикаси, үзига хос миллий хусусиятларини үзіда намоён этади. Мана шу ҳолат мутаржимдан үз ишига ўта масъулият билан ёндашишни, ҳар бир деталь устида бош қотиришини талаб қиласы.

Таржимон асар давомида сўзма-сўз таржима усулидан күп маротаба фойдаланган. Масалан, ғавғони босиб – *kavgayı yarıştırarak*, бош чиқаргани қўймас –*başa çıkamaz*, үз жиловим үз қўлимда – *kendi dizginim kendi elimda*, йўлнинг чап тушгани –*yolun ters çekmasında*, сўзида маза йўқ – ne sözünde tat var, оёқ остиндадир – *ayak altındadır*, мулкигирлик дағдағаси – *temleketini genişletmek*, маҳкам совуқ – çok soğuk, кўнглида эгрилиги бор –*gönlündə kötü bir niyet var*, аскар сақламоқ – *asker beslemek*, даст топмагон – *ele geçiremediği*, танқислик тортти – *sıkıntı çekti* каби фраземаларда сўзларни айнан таржима қилиш йўлидан боради. Бундай фразеологик бирликларда одатда, сўз ҳам, бирор морфологик восита ҳам ўзаро фарқ қилмайди. Баъзи ҳолларда эса таржимон фраземани сўзма-сўз таржима қиласы, аммо турк тили имкониятидан келиб чиқсан ҳолда сўзларига бироз ўзгариш киритади. Масалан, черик тортти фраземаси «бирор жойга аскарлари билан ҳужум қилди» маъносини ифодалайди, бу бирикма туркчага *asker sevketti* (*аскар жўнатди*) тарзида таржима қилинган. Бундай фразема *türk dili deyimler sözlüğü* да топилмаганлигини эътиборга олсак, таржима натижасида «хукмдор лашкари билан бориб ҳужум қилган» эмас, «лашкарини бошқа бир лашкарбоши билан юборган» деган тушунча келиб чиқади. Бу гапни *Samarkand'a kaç kez asker çekti* тарзида таржима қилса, маъно аниқроқ ифодаланган бўлар эди.

...таржимада ноўрин қўлланилган реалиялар, мақоллар, метафоралар, фразеологик бирликлар китобхонларда когнитив диссонанс, яъни матндан

қониқмаслик ҳолати<sup>123</sup>ни келтириб чиқаради.

(Умаршайх мирзо) неча навбат Самарқанд устига черик тортти, баъзи маҳал шикаст топти, баъзи маҳал бемурод ёнди (б.36). Яъни бир неча марта Самарқанд устига юриш қилди, баъзан талафот кўрди, баъзида мақсадига етолмай қайтди (изоҳ бизники -М.Д.).

*Bir çok defa Semerkand üzerine asker sevketti. Bazan mağlup oldu; bazan gayesine erişemeden döndü (s.5).* Яъни бир неча марта Самарқанд устига аскар жўнатди, баъзан мағлуб бўлди, баъзан мақсадига етолмай қайтди.

Таркибиға бирор ўзгариш киритилган, сўзма-сўз таржима қилинган фраземаларга яна шуларни мисол қилиш мумкин: тенгри раҳматига борди *-tenri rahmetina kavuştu* (*тангри таҳмтига қовушди*), тангри қошида *-tenri nezdinde* (*тангри назарида*), бош кўтариб *-ısyan edip* (*исён этиб*), юзларига келтурмай – *yuzlerine vurmadiğî* (*юзларига урмай, ёки юзларига отмай*).

Таржиманинг вазифаси – аслият ва таржима тиллари лексик, грамматик ва стилистик ҳодисалари ўртасидаги уйғун ҳамда тафовутли жиҳатларни пухта ўзлаштириб олган ҳолда, аслиятнинг шакл ва мазмун бирлигини она тили воситалари ёрдамида қайта яратишдан иборатдир. Бу тамойилга риоя қилмаслик таржимада аниқликнинг, ифода меъёрининг бузилишига олиб келади.

Таржимашуносликда сўзма-сўз таржима ҳақида доим ҳам ижобий фикр билдирилмайди. Унга ҳатто таглама матн деган тавсиф ҳам берилади. «Муаллиф матнини ҳижжалаб ўгириш орқали унинг мазмуний-вазифавий уйғунлигини сохталаштирадиган, ҳиссий-таъсирчанлик хусусиятини, бадиий-образли асосини хиralаштирадиган, таржима тили меъ-

<sup>123</sup> Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши. Филол. фан. бўйича док. (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент, 2017. – Б.19.

ёри ва маданиятини барбод этадиган, бинобарин, аслиятнинг тугал-адекват таржимаси сифатида қабул қилиб бўлмайдиган иккиламчи матнга сўзма-сўз таржима дейилади. ...Шунинг учун бундай амалиёт тури сохта таржима усули дейилади»<sup>124</sup>. Аммо бизнинг юқоридаги тадқиқотимиздан маълум бўлдики, туркча матнда сўзма-сўз таржима бальзи камчиликларни ҳисобга олмаганда, ўзини оқлаган. Муҳими, таржимон Бобур шу фразема орқали нимани назарда тутганлигини турк китобхонига тўғри етказа олган.

Хулоса қилиб айтганда, «Бобурнома»да қўлланилган ибораларни турк тили билан қиёсий ҳамда структур тадқиқ этиш тарихий фраземаларнинг бугунги кундаги эволюциясини аниқлаш ва таржимадаги ўзига хосликларни аниқлашга ёрдам беради. Бу эса тил тарихи, тилшунослик назарияси, лексикология, лексикография ва фразеология соҳалари учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши мумкин. Биз юқорида кўриб чиқсан фразеологизмлар ва уларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, анъаналаридаги муштарак ва фарқли томонлар кўзга ташланади.

#### **4 §. Муқобилига алмаштирилган фраземалар**

Фразеологизмлар таржима қилинар экан, таржима тилида аслиятдаги фразеологизмларнинг барчасига муқобил вариант топилмаслиги аниқ. Бинобарин, муқобили топилмаган фразеологизмни таржима қилишда ҳар бир ҳолатда таржимон алоҳида йўл тутиши керак бўлади. Аслиятда берилган реалиялар таржима тилида мавжуд реалиялар билан алмаштирилганда ҳам асарни ўқиган китобхонда

---

<sup>124</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент, 2005. – Б.22.

когнитив диссонанс ҳолати пайдо бўлади<sup>125</sup>. Худди шундай ҳолат фраземалар таржимасида ҳам кузатилиши мумкин. Таржима жараёнида бир тилнинг материали ўрнини бошқа тил материали эгаллайди, бинобарин, тилга алоқадор барча бадиий воситаларни таржимоннинг ўзи, ўз она тилида, янгидан яратади. Таржима қилишдан мақсад асл нусхани (ахборот) эгаллаш, сақлаш ва етказишидир, лекин ўз прототипига эга бўлмаган янги асар яратишдан иборат эмас; таржиманинг мақсади қайта яратишдир.

Аслида таржима жараёни З босқични ўз ичига олади:

1) Асл нусхани идрок этиш, яъни матнни сўз-ма-сўз, яъни филологик тарзда идрок қилиш. Бу босқичда бир қанча таржима қусурлари рўй беринши мумкин: бошқа тилдаги бир сўзни худди шундай жаранглайдиган бўлак сўз билан қоришириш; яқин тилларда сохта эквивалентлар домига тушиб қолиш; контекстни нотўғри ўзлаштириш, айрим хос сўзларнинг маъносига тушуниб етмаслик, муаллифнинг муддаосини англамаслик.

2) Асл нусха интерпретацияси, яъни услубий омилларга эътибор қилиш. Текстни тўғри ўқиган китобхон лисоний ифоданинг услубий омиллари ни ҳам англайди, яъни кайфият, пичинг ёки фожиавий маъно, оҳангдорлик ёхуд воқеани қуруқ баён қилишга мойиллик ва ҳоказо. Росмана китобхон барча бу сифатларни англаб етиши шарт эмас, таржимон эса автор қандай қилиб тегишли натижага эришаётганини аниқлаши, тадқиқ этиши лозим. Таржима оддий ўқишга нисбатан китобга анча юқори талаб билан онгли муносабатда бўлишни талаб қиласи.

<sup>125</sup> Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши. Филол. фан. бўйича док. (DSc) дисс. автореферати. – Тошкент, 2017. – Б.21.

3) Асл нұсханың қайта ифодалаш, бунда айрим тил воситаларининг услугбий ва маъно-мазмунини англашдан таржимон асарнинг бадиий яхлитлигини, бадиий воқелик ҳодисаси, характерлар, уларнинг муносабати, муаллифнинг ғоявий нијатини англашга ўтади. Текстни англашнинг бу йўли анча мураккаб ва оғир – муаллиф яратган бадиий воқеликни тўлалигича қамраб олиш, идрок этиш учун таржимонда юксак тасаввур қобилияти бўлиши зарур.

«Бобурнома» туркча таржимасида фраземаларнинг аксарият қисми бошқа воситалар ёрдамида ифодаланган. Бунинг бир неча сабаби бўлиши мумкин. Улардан бири шу фраземани ифодаловчи муқобил берлик замонавий турк тилида топилмаган бўлиши мумкин ёки бошқа воситалар ёрдамида таржима қилинганда маъно янада тушунарлироқ бўлган бўлиши мумкин. Амалиётда бундай ҳодисалар кўплаб учрайди. Таржимашунос F.Саломов таржима жараёни ҳақида шундай деган эди: Дуруст таржимада асл нұсханинг формал мантиқий-грамматик кўрсаткичлари, сўз бирикмаларининг категориал белгилари, тур, тус, майл, жинс кўрсаткичлари эмас, балки улар воситасида ифодаланган фикр, маъно етакчилик қиласиди. Зеро бунда муайян сўз туркumlари ёки гап бўлаклари тамомила бўлак грамматик унсурлар, категориялар билан ифодаланиши ҳам мумкин<sup>126</sup>. Шу фикрдан келиб чиқсан ҳолда таржимада фраземаларнинг бошқа воситалар билан алмаштириб ифодалаш, агар у маънога путур етказмаса, салбий ҳолат эмас деб баҳолаймиз.

«Бобурнома» туркча таржимасида бошқа воситалар билан ифодаланган фраземалар таржимаси қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилган:

1. Фраземанинг маъноси сўз бирикмаси билан ифодаланган.

2. Фразема қўшма сўз билан ифодаланган.

---

<sup>126</sup> Саломов F. Таржима назарияси асослари. – Тошкент, 1983. – Б.123.

3. Фразема содда сўз билан ифодаланган.

1. Фраземанинг маъноси сўз бирикмаси билан ифодаланганда ундаги мажозийлик йўқолиб, бирикмадан англашилаётган маъно тўғридан-тўғри ифодаланади.

– кўз етар фраземаси *gözle görünür* тарзида таржима қилинади.

*Кун туш бор эдикум, қўз етар ерда бир отнинг устида бир нима ийлтираб қўринадир*(б.99.).

*Ögle vakti gelmişti; gözle görünürbir yerde bir at üzerinde bir şey parlıyordu.* (s.124.)

Бу ерда кўз етар ерда фраземаси *gözle görünür* (кўз билан кўрадиган) сўз бирикмаси билан таржима қилинган. Фраземада кўз компоненти сақланган, фақат грамматик категорияларгина алмашган, холос.

*Иликка тушкан* навкарларнинг тамом бўйнича уртурди. ( б.57.)

*Eser düşen adamlarının hepsinin başlarını kestirdi*(s.43.).

Бу ерда иликка тушкан ибораси *eser düşen*(асир тушган) тарзида таржима қилинган. Иликка тушкан фраземаси шу маънони берувчи асир тушиш бирикмаси билан алмаштирилган ва бу асарнинг тушунарлилигини таъминлаган. Айтиб ўтиш лозимки, асир тушиш бирикмаси ўзбекча тарихий манбаларда ҳам кўп учрайди.

«Бобурнома»нинг дастлабки саҳифаларида Бобур мирзо Хўжанд шаҳрига таъриф бераётиб табиатига тўхталади, ҳавосининг рутубатлилигини ва безгак касаллиги кўп учраши ҳақида ёzáди. Ана шу ўринда қуидагии жумлани келтирилади:

*Андоқ ривоят қилурларким, чупчуқ безгак бўлғон-дур* (б.36).

Ушбу матндағи чупчуқ безгак фраземаси маъносини англаш ва таржимада ифодалаш ҳақида бир неча тадқиқот ишларида сўз боради. Асарнинг ҳозирги ўзбек тилига қилинган табдилида бу жумла

*Шундай ривоят қыладиларки, ҳатто чумчук ҳам безгакка чалинган экан*<sup>127</sup>, – дея талқин қилинади. З.Тешабоева ўз ишида бу фраземанинг тушунилиши ва таржима қилиниши ҳақида ёзади: «Лейден-Эрскин об-ҳавога ва фаслга эътибор қаратади (*Ҳавоси гайриоддий ва кузда безгак кўт тарқалади*), С.Бевереж эса чумчук худди одамдек иситмалаб қолган, дея таржимани жонлантиради. В.Текстон ўша рутубатли ҳаво ҳатто чумчукларга ҳам таъсир қиласи, дея ўз вариантини акс эттиради»<sup>128</sup>.

Кўриниб турибдики, безгак сўзининг чумчук билан бирикуви ҳар хил талқинларга сабаб бўлган. Одатда ҳайвон ва паррандаларга оид касалликлар тўғрисида маълумотга эга эмасмиз, фақат кейинги йиллардагина парранда гриппи номли қушларга хос касаллик номи ҳақида гапирилмоқда, инсонларга хос касалликларнинг ҳайвонларда кузатилиши ҳақида фикр юритиш, айниқса, Бобур даври учун ажабланарли ҳол. Шундан келиб чиқиб таржимонлар ўзларича жумлани ёритишга ҳаракат қилгандар.

*Чумчук безгак фраземаси турк тилига serce bila sitma tutarmis тарзида таржима қилинган.*

*Rivayete göre, serce bila sitma tutarmis*(s.3). – Ривоятга кўра, чумчук ҳам безгак бўлар эмиш.

Таржимадаги *serce* сўзи «чумчук» маъносини, *sitma* «безгак касаллиги» маъносини англатади, демакки, туркча таржимада Бобур айтмоқчи бўлган фикр тўғри талқин қилинган.

Бобурнинг Шайбонийхон билан уруши саҳналари ёритилган 906-йил воқеаларида шундай жумла бор:

*Тонгласига Ҳожа Абулмакорим ва Қосимбек ва жасамиш беклар ва ичкilar ва сўз тегар йигитларни чар-*

<sup>127</sup> Захириддин Мұхаммад Бобур. «Бобурнома». Ҳозирги ўзбек тилига В.Рахмонов ва К.Муллахўжаевалар табдил қилган. – Тошкент, 2008. – Б.36

<sup>128</sup> Тешабоева З. «Бобурнома»даги фразеологик бирликларнинг инглиз таржималари киёсий таҳлили. – Тошкент, 2018. – Б.107.

лаб машварат қилиб, сўзни қўргонни беркитмакка ўлук-тирикни қўргон ичидага қўрмакка қўйдук (б.84).

Ушбу гапда сўз тегар фраземаси беклардан қуий лавозимда, аммо муҳим вазифаларни бажарувчи шахс (изоҳ бизники-М.Д.)<sup>129</sup> маъносини ифодалайди, яъни Эрталаб Хожа Абулмакорим, Қосимбек, ҳамма беклар ва муҳим вазифа бажарувчи йигитларни чақириб машварат қилиби...

«Бобурнома»нинг туркча таржимасида сўз тегар фраземаси *müşaverete iştirak edebilecek* – мажлисда қатнаша оладиган тарзида таржима қилинган.

*Ertesi sabah Hoja Ebülmekarim'i, Kasım Bey'i, bütünbeyle ve içkileri ve müşavereye iştirak edebilecek yigitleri davet edip, müşavereettik ve kurganı tahkim ederek, hayat ve ölümü kurgan içinde görmeğe karar verdik* (s.95), - эртаси эрталаб Хожа Абулмакорим, Қосимбек, барча беклар ва ичкilar ва мажлисда қатнаша оловчи йигитларни чақириб машварат ўтказдик, қўргонни беркитиб, ҳаёт ва ўлимни қўргон ичидаги кўрмоққа қарор қилдик (таржима бизники – М.Д.).

Бизнингча, сўз тегар фраземасининг туркча таржимаси – *müşaverete iştirak edebilecek* бирикмаси ҳам асл маънога яқин, фикрни тўғри ифодалаган. Муҳим вазифаларни бажарадиган йигит мажлисларда доимо қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиши мантиққа зид эмас.

Бобур Ҳусайн Бойқарога таъриф берганда унинг қизи Султонбегим ҳақида ҳам бироз маълумот бериб ўтади. Султонбегимнинг гапга чечанлигини сўзга мунги йўқ фраземаси билан ифодалайди. Бу фразема туркча таржимада *Serbest konuşurdu*-эркин сўзлашарди шаклида ўғирилади.

Хейли сўз билур эди. *Сўзга мунги йўқ эди* (б.130).

<sup>129</sup> Сўз тегар фраземаси ҳакида Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати(1984)да ҳам, ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати(1978)да ҳам, Бобурнома табдили(2008)да ҳам ҳеч бир изоҳ учратмадик, шунинг учун ўзимиз изоҳлашгага ҳаракат қилдик.

*Cok söz bilir ve serbest konuşurdu*(s.182). – Күп сўз билар ва эркин гаплашарди.

*Serbest konuşurdu* сўз бирикмаси гапга чечан эди фраземасининг маъносини тўлиқ ифодалай олмайди, эркин гаплашиш бу гапга чечанлик эмас.

«Бобурнома» реал тасвирларга асосланган, унда бадиий баландпарвозлиқ, жимжимадор ташбеҳлар деярли ишлатилмайди. Аммо муаллиф табиий ҳолатларга нисбатан жуда чиройли ўхшатишлар қиласидики, бу унинг табиатидаги образли фикрлашнинг намунаси дейиш мумкин. Асарда офтоб ўлтурур фраземаси кун тушдан оғган пайтни ифодалайди, яъни қуёш тик ҳолатдан «ўтирган» пайтини англаради.

*Мундоқ мутаҳаййирлиқ ва саргардонлиқда бу хабар келган била ҳеч андиша ва таваққуф қилмай, ўшал замон-ўқум, офтоб ўлтутур чоғ* эди, *Марғинонга илғор тариқа била мутаважжих бўлдим* (б.67).

*Böyle şaşkın bir halde bulduğum bir sırada, bu haberin gelmesi üzerine, hiç andiše ve tevakkuf etmeden, gün batarken, çabuk yürüşeyle, derhal Merginan'a doğru hareket ettim* (s.63).

Бу гўзал ибора турк тилига *gün batarken* – кун ботар пайт тарзида ифодаланади, бизнингча, бу ерда образлилик йўқолиб, ўрнига оддий хабар мазмунини берган.

Булардан ташқари, оламдин нақл қилди-*dünyayı terk etti*, ёқа ерда улғайган – *taşrada büyündüğü*, ташвиш берди – müşkilat çekti, бисёр тараққий устида – *fevkalade iyi gidiyordu*, элга санг кўпурмоқ – başkalarına taş atmak, илиги ёмон эмас – *fena değildi*, ёмон маош қилмоқ – *fena miamele etmiş*, отға бўғуз бер – *yem verdikfen*, қабал тортми – *muhasere altında kaldı*, яхши кўрди – *iyi kabul etti*, урушга тортми – *harbe sürüklendi*, шойиста хизмат – *yararlaklar gösterdiği*, маскин берилгай – *nihat verilmesi* каби фраземалар маъноси ҳам сўз бирикмаси орқали ифодаланган.

2. Фразема маъноси қўшма сўз билан ифодаланган.

Фраземалардан бир туркуми таржимада қўшма сўзлар билан ифодаланади. Ораға солди – *tekliif etti*, сўзни мунга қўюб – *karar verip*, илик қўшмоқ–*hüsüt etmeğ'i*, оламдин борди – *vefat etti*, таъзият тутқон – *matem tuttu* кабилар шулар жумласидандир.

Асарнинг барча лексик-грамматик шаклий аломатларини оқизмай-томизмай кўчиришни талаб қилиш, шубҳасиз, формализмга олиб келади ва бу реалистик таржима принципига, унинг руҳига бус-бутун ёт. Лекин ана шу шакл хусусиятлари замирида ўз ифодаснни топган услугуб нафосати, манзаранинг яхлитлиги ва баён қилинаётган фикрнинг салмоғини бериш таржиманинг асосий вазифала-ридан биридир<sup>130</sup>.

3. Фразема йўқолиб, унинг маъноси содда сўз билан ифодаланган.

Фразема бир сўз билан ифодаланганди, унинг шакли бутунлай ўзгариб, фақат англатувчи маъносигина қолади. Бундай ҳолатда бадиий асаддаги образлилик, жозибадорлик бирмунча хиралашади, ўрнини маънодаги соддалашиб эгаллади.

Ўйға кўз солинг, ўйни итурманг, то ўйлнинг қай сари чиқари маълум бўлғай (б.87).

Öküze bakin, ne der; yolin nereye çıkışacağı malum oluncaya kadar yürü (*s.101*).

Бу ўринда «кўз солинг» ибораси «bakin» (боқинг, қаранг) сўзи билан ифодаланган. Бу билан матндан ифодаланаётган маъно соддалашган.

Таржимоннинг ижодий индивидуал хислатлари, хусусиятлари у таржима қилаётган асар матнига ҳам ўтади. У таржима қилаётган матн шу хусусиятларнинг тўла ва ҳар томонлама таъсирида бўлади. Таржима матнининг ширадорлиги, жозибаси, худди оригинал каби ўқилиши мана шу ижодий индиви-

<sup>130</sup> Саломов F. Таржима назарияси асослари. – Тошкент, 1983. – Б.146.

дуалликдан бўлади<sup>131</sup>. Таржимоннинг ижодий ёндашуви асардаги бирор бадиий воситани ўзгартиришга тўғри келса, у шу вазиятдан моҳирона чиқиб кетиш йўлини топа олиши лозим. Қуидаги мисолларда ана шундай ижодий топқирликни кўришимиз мумкин.

Ушбу кун баъзи ички беклар Хиёбон бошида Бойсунқур мирзонинг кишиси била илик олиштилар. (б.56.)

*O gün bazı içki beyler hiyaban başında Baysungur Mirza'nın adamları ile çarpıştılar.* (s.41.) – Ўша кун баъзи ички беклар хиёбон бошида Бойсунқур Мирзонинг одамлари билан тўқнашдилар .

Жумладаги илик олиштилар фраземаси карпыштилар (тўқнашдилар) сўзи билан ифодаланган. Илик олиштилар фраземаси бугунги ўзбек тилида ҳам, турк тилида ҳам қўлланилмайди. Шунинг учун таржимон уни шу маънони ифодаловчи сўз билан англатишга ҳаракат қилган. Бу билан матндан ифодаланаётган маъно соддалашган. Бу тарихий фразема ҳозирги ўзбек тилида ҳам «тўқнашдилар» тарзida қўлланади, буни «Бобурнома»нинг табдилида ҳам кўришимиз мумкин<sup>132</sup>. Щу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда таржимон тўғри йўл тутган дейишимиз мумкин.

«Бобурнома»да Боқи Чагониёний ҳақида гапи-ратуриб, жонға еттук фраземасини қўллайдики, бу фразема «жонимиздан тўйғазди», «жонга тегди», «безор бўлдик» каби маъноларни ифодалайди.

**Нози ва рухсати ҳаддан ошти, биз ҳам анинг ахлоқ ва афъолидин жонға еттук, рухсат бердук (б.125).**

Туркча матнда бу фразема *bıktık* – безор бўлдик

<sup>131</sup> Faafurov I. Таржимонлик мутахассислигига кириш. – Тошкент, 2008. – Б.23.

<sup>132</sup> Захириддин Мұхаммад Бобур. Бобурнома. Ҳозирги ўзбек тилига В.Рахмонов ва К.Муллахўжаевалар табдил қилишган. – Тошкент, 2008. – Б.52.

тарзида таржима қилинади.

*Nihayet nazi ve müsaade istemesi hadden aştı; biz de onun ahlak ve hareketlerinden biktilk ve nihayet müsaade verdik(s.173).*

Шу гапда яна ҳаддан ошди фраземаси мавжудки, у ҳақида ҳам тўхталишни жоиз топдик. Бу фраземанинг тарихий келиб чиқиши ҳақида шундай маълумот бор. Одатда кексаларимиз ўз ёшларини пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ёшига нисбатан айтишган, ҳатто пайғамбар тўйи деган маросим ҳам шаклланган, пайғамбар ёши, яъни 63 ёшдан ошган кексалар ўзларининг пайғамбардан узоқроқ яшаганликлари учун хижолат чеккандек «энди биз ҳаддан ошдик», – дер эканлар. Кейинчалик бу фраземанинг маъноси кенгайиб, «меъёрдан, тарбия чегарасидан ошиш» тушунчасини ифодалай бошлаган.

Бобур Андижон ҳақида гапираркан, у ернинг табиати, мевалари, тили, ва одамлари ҳақида маълумот беради. Шу ўринда «Элининг орасида ҳусн хейли бордур», – дейди. Бу гапдаги ҳусн хейли фраземаси табдилда санъаткорлар<sup>133</sup> деб изоҳланган. Айни шу ибора туркча матнда *güzeller* –гўзаллар тарзида таржима қилинади, бу эса матн мазмунини англамаслик натижасидир.

*Ahalisi arasında güzeller çok bulunur (s.2). – Аҳолиси орасида гўзаллар кўп бўлади.*

Бу ерда ҳусн хейли –санъаткорлар фраземасини *insanlar arasında sanatçilar var* тарзида таржима қилиш ҳам мумкин эди.

Матнни англолмай, фикрни нотўғри ифодалаш ҳолати одатда қариндош бўлмаган тиллар орасида рўй беради. Бунга асл матн тилини, урф-одатлари ва реалияларини етарлича билмаслик сабаб бўлади. Аммо «Бобурнома»нинг туркча таржимаси ҳақида бундай дея олмаймиз. Тили, дини, дунёقا-

<sup>133</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Ҳозирги ўзбек тилига В.Рахмонов ва К.Муллахўжаевалар табдил қилишган. – Тошкент, 2008. – Б.29.

раши ва урф-одатлари бир халқ вакиллари бўлгани учун матн мазмуни ва ундаги нозик маъно ва қочи-римларни англаш унчалик мушкул бўлмайди. Зеро, таржимон буни уddaлай олган. Хусн хайли – *güzeller* тарзидаги таржима таржимоннинг эътиборсизлиги натижаси бўлиши мумкин.

Сўз бирикмаларини бир сўз билан ифодалаш ҳолатларини қуийдаги мисолларда кўриш мумкин: сўз чиқди – *bahsedildi*, *tuproqقا топшурдук -götmük*, беркка *тортти* – *çekildi*, *таъбим ёмон эди* – *hoşlanmıyorum*, совуқ олди – *dondu*, тун қотиб – *yürüyerek*, даст берди – *oldu*, қуш солиб – *kuşle*, муноғиқ шева – *tunaflı*, ўзини *тортти* – *gitti*, хотирға етти – *zikredildiği*, черик *тортиб* – *askerle*, писанд туттмас – *beğenmezdi*, жувонмарг бўлдилар –*oldüler*, шунқор бўлди – *oldü* каби фраземалар таржимасида ўйлаймизки, таржимон ўз мақсадига етган.

Хулоса қилиб айтганда, «Бобурнома»нинг туркча матнида фраземаларни бошқа воситалар ёрдамида ўгириш таржимон томонидан муваффақиятли амалга оширилган. Зеро, бирикмаларни муқаррар равишда асар таржима қилинаётган тилдаги бошқа узоқ муқобил варианtlар билан алмаштиришга ортиқча ружу қилиш ҳам услубни сийқалаштиришга, таржима тилининг лексик-фразеологик ва образли-услubий жиҳатдан камбағаллашишига олиб келади<sup>134</sup>. Таржима жараёнида давр руҳи, тили ва муҳитини эътиборга олиш асарнинг муваффақиятли чиқишини таъминлайди. Аммо шундай тарихий сўз ва иборалар бўладики, уларни шундайлигича таржимада бериш асар тушунарлилигига путур етказади, шунинг учун уларни бугунги тилга ўзга воситалар билан бўлса-да, ифодалаш кўпроқ фойда беради. Юқорида таъкидланганидек, бунда муаллифдан индивидуал топқирлик талаб этилади. Туркча матда ана шундай топқирликка кўп маротаба гувоҳ бўлдик, аммо маънони тўлиқ ифодалай олмайдиган бирликлар билан берилган ҳоллар ҳам

---

<sup>134</sup> Саломов F. Таржима назарияси асослари. – Тошкент, 1983. – Б.117.

урчади.

«Бобурнома»да хилма-хил фраземалар турли маъноларни ташиш учун кўлланилади. Улардан баъзиларигина замонавий лексикамиз таркибида сақланиб қолган, аксарият қисми бугунги авлод учун тушунарсиз. Фраземаларни структурал жиҳатдан таҳлил қилганда, ядро вазифасини бажараётган сўзнинг бирикма таркибида қанчалик турли маъноларни юзага келтириш имконияти борлиги ўрганилди, баъзи сўзларнинг етти-сақкиз хил маъно қирраларини намоён қила олиши (*кўнгил, бош, оёқ*) кўрсатиб ўтилди. Фраземаларни семантик таҳлилида асарда энг кўп учрайдиган саккизта маъновий гуруҳ таҳлилга тортилди. Юқоридаги мисоллардан шунқор бўлди, ажал етти, тенгри раҳматиға олди, оламдин кечти каби фраземалар шунчаки «ўлди» сўзига синоним сифатида кўлланган. Қиличқа борди, бошини қўлиға олиб дунёдин чиқар, ўтқа, сувға, қиличқа борди бирликлари ўлимнинг пайти ва ҳолатини ҳам ифодалашга хизмат қиласи, шахид бўлди бирикмаси мусулмон кишининг дин ҳимояси йўлида қурбон бўлиши маъносини англатса, жувонмарг бўлди фраземаси «ёш кетди» деган тушунчани ҳам ўзида акс эттиради.

*Туш қайта, туш қотила, завол вақти, офтоб ҳануз ўлтурмай* каби фраземалардан куннинг қайси қисмида иш-ҳаракат бажарилаётганлигини очиқлашда фойдаланилади. Икки намоз ўртаси, фарз вақтида каби бирликларда намозга боғлаган ҳолда вақтни ифодалаш кўзга ташланади. *Сафар ойининг ғурраси, ражаб ойининг ғурраси* каби фраземалар ойга нисбатан вақтни ифодалашга хизмат қиласи.

«Бобурнома» асари, энг аввало, Бобурнинг ҳарбий фаолияти ва юришлари ҳақида маълумот беरувчи асар. Шунинг учун ҳам ўша давр ҳарбий терминлари ва қўлланган жазо турлари унда акс этиши табиий. Асарда келаётган ҳарбий терминларнинг

аксарияти күчма маънога асосланган ва улар ўша давр лексикасини ўзида намоён қиласы (қатли ом қилмоқ, қоратаёқ қилмоқ, ясоққа еткүрмөқ, бурни-ни тештурмак, бўйниға урдурмак каби). Қўлға ки-ритмоқ, даст берди, илик қўшмоқ, моли омон солиб, қочмоққа юз қўйдилар, черик тортқон, оғиз сўзлари каби фраземалар бугунги тилимизда ишлатилмайди, аксарияти сўз ҳолида қўлланилади.

Юқорида келтирилган фраземаларнинг аксарияти бугунги кунда қўлланилмайди, аммо улардаги мажозийлик ва нозик ифода тилимизнинг нақадар бойлигига далил бўла олади. «Бобурнома» туркча матнида таржима жараёнида сақланиб қолган фраземалар камчиликни ташкил этади (тахминан 20%).

Таржима матнда сақланиб қолган фраземаларнинг бир қисми ҳозирги замон турк тилида мавжуд бўлган эквиваленти билан ўгирилган. Қолган қисмининг эса сўзма-сўз таржима қилиш орқали маъноси тушунтирилган.

«Бобурнома» матnidаги фраземаларнинг кўпчилик қисми ҳозирги ўзбек тилида мавжуд эмас, бაъзи ҳолларда замонавий ўзбек тилида учрамайдиган тарихий фразема бугунги турк тилида истеъмолда эканлиги ҳолати ҳам аниқланди. Сўзма-сўз таржима қилинган фраземаларнинг баъзиларида таржимада сўзлар нотўғри танланганлиги учун маъно ўзгаришига учраган. Аксарият ҳолларда таржимон сўзма-сўз таржимада Бобур айтмоқчи бўлган тушунчани тўлиқ ифодалаб бера олган. Буни туркча таржиманинг ютуғи сифатида баҳолаш мумкин. Таржима матнда ўзгартириб берилган фраземаларнинг аксарияти матн мазмунини тўғри ифодалаган. Уларда бадиийлик ва образлилик ўрнини соддалик ва аниқлик эгаллаган. Фраземаларнинг ўзгартириб берилиши натижасида матн мазмунида ўзгариб кетиши ҳолати ҳам учрайди.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. «Бобурнома» таржималари орасида шунчаки ўзга тилга таржима қилинганлиги билангина аҳамиятли бўлган нашрлар бор, шу билан бирга аслиятга анча яқинлашган, тўлиқ ва эътироф этишга арзирли таржималар ҳам мавжуд. Инглизча ва туркча таржималарни ана шундай матнлар сирасига киритиш мумкин.

«Бобурнома»нинг озарбайжонча таржимаси изоҳларга бой, уларнинг асосий қисми сатр остида берилган, диққатга сазовор жойи шундаки, изоҳларда туркча, русча ва ўзбекча нашрлар ўртасидаги фарқлар очиб берилган. Озарбайжонча матнда паремияларнинг асли сақланиб, унинг мазмуни ҳаволада келтирилган.

Қозоқча таржимада воқеалар жуда кичик-кичик мавзуларга бўлинib берилган. «Бобурнома»даги афоризмлар қозоқчага таржима қилинган. Мақолларни ўгиришда ҳозирги қозоқчада мавжуд бўлган эквивалентини қўллаш усулидан фойдаланилган.

2. Туркча нашрда киши исмлари, жўғрофий номлар кўрсаткичларида чалкашликлар бор, Бобур Мирзонинг фармонлари ҳам тўлалигича келтирилмаган. Матнда кўплаб узилишлар бор. Жумладан, бошқа кўплаб таржималарда бўлгани каби, «Бобурнома»нинг туркча матнида ҳам 914 (1509) йил воқеалари тамомланмай қолган. Шундан кейинги 10-11 йиллик воқеалар ҳам йўқ. «Бобурнома» таржимони Р. Р. Арат таржима жараёнида асардаги ҳар бир паремиянинг дастлаб эски ўзбек ёзувидағи шаклини келтиради, мазмунини эса қавс ичидаги туркча алифбода беради.

3. «Бобурнома»да мақол ва маталлардан шахс ва вазиятларни янада ёрқинроқ тасвирлашда унумли фойдаланилган. «Бобурнома»даги мақол, матал ва

афоризмларни семантик таҳлил қилиш шуни күр-  
сатадики, аксарият воқеаларни тасвирлаётганда  
Бобур мирзо бирор паремия билан фикрини якун-  
лайди. «Бобурнома»даги паремияларнинг ҳам ак-  
сарияти тарихий мақол ва маталлар бўлиб, уларинг  
бир қисми буғунги кунда истеъмолдан чиқиб кет-  
ган, маълум қисми маълум структур-семантик ўз-  
гаришлар билан қўлланади.

4. Мақол-маталларнинг бир қисми форс тилида.  
Бунга сабаб, форс тилининг давлат ва ижод тили си-  
фатидаги мавқейи ҳали ҳам амалдалиги ва Бобур-  
нинг кўпроқ ҳаёти форсий қавмлар орасида кечган-  
лиги билан изоҳлаш мумкин. Туркий тилда берилган  
мақол-маталлар ҳозирги ўзбек тилида ўзгаришсиз  
қўлланилади, фақат «Кўргон бекитмакликка бош  
керак, икки қўл керак, икки бут керак» маталининг  
сўзлари тушунарли бўлса-да, маъноси, «Қопудағи-  
ни қопмаса, қаригунча қайғуур» мақолидаги сўз-  
лар эскирган. Афоризмлар «Бобурнома»да фикрни  
хулосалаш учун энг кўп ишлатилган паремиялар-  
дир, чунки улар муаллифнинг ҳаётидаги яхши-ё-  
мон воқеалардан чиқарган сабоқларидир. Бобур  
афоризмларида ўз ҳаётидаги хусусий вазият халқ,  
омма, ҳаёт нуқтаи назардан умумлашади.

5. Паремияларни турк тилига таржима қилишда  
уч тамойилга асосланилган: сўзма-сўз таржима  
қилиш, грамматик воситани ўзgartириш орқали  
таржима қилиш, таркибини ўзgartирган ҳолда тар-  
жима қилиш. Мақол ва маталлар таржимасида тар-  
жимон кўпроқ сўзма-сўз таржима қилиш усулидан  
фойдаланади. Турк тилида мавжуд бирор мақол  
билан таржима қилинган ҳолат кўзга ташланмади.  
Шеърий тарзда берилган мақол ва маталлар турк-  
ча таржимада насрий тарзда ифодаланади, афори-  
змларнинг насрий баёнини бериш билан чекла-  
нилади. Туркча матнда маъноси етарлича очилмаган  
мақол, матал ва афоризмлар мавжуд.

6. «Бобурнома» туркча матнida таржима жараё-

нида сақланиб қолган фраземалар кам миқдорни ташкил этади. Таржима матнда сақланиб қолган фраземаларнинг бир қисми ҳозирги замон турк тилида мавжуд бўлган эквиваленти билан ўгирилган. Қолган қисмининг эса сўзма-сўз таржима қилиш орқали маъноси тушунтирилган.

7. «Бобурнома» матнидаги фраземаларнинг кўпчилик қисми ҳозирги ўзбек тилида мавжуд эмас, баъзи ҳолларда ҳозирги ўзбек тилида учрамайдиган тарихий фразема бугунги турк тилида истеъмолда эканлиги ҳолати ҳам аниқланди.

8. Сўзма-сўз таржима қилинган фраземаларнинг баъзиларида таржимада сўзлар нотўғри танланганлиги учун, маъно ўзгаришига учраган. Аксарият ҳолларда таржимон сўзма-сўз таржимада Бобур айтмоқчи бўлган тушунчани тўлиқ ифодалаб бера олган. Буни туркча таржиманинг ютуғи сифатида баҳолаш мумкин.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **Ижтимоий-сиёсий асарлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон // Халқ сўзи. 2017 йил. 8-февраль.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил. 23-декабрь.

3. Мирзиёев Ш.М. Андижондаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейига қилган ташрифидаги нутқи // [www.uza.uz](http://www.uza.uz). 2017 йил, 2-июнь.

### **I Матн ва манбалар**

4. «Бабур-наме». Превод М.Салье. – Ташкент, 1958.

5. «Бобирнома» Нашрга тайёрловчилар: П.Шамсиев ва С.Мирзаев. Икки жилд. – Тошкент, 1948-1949.

6. Бобир. «Бобирнома» Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев. – Тошкент, 1960.

7. Бобир. Асарлар (Уч жилдлик). Нашрга тайёрловчилар П.Шамсиев, С.Мирзаев. – Тошкент, 1965-1966.

8. Бабир Захир ад-дин Мухаммед. «Бабырнама». Қазақша сөйлеткен Байузақ Кожабекұлы. – Алматы, 1993. Б. 448.

9. Заҳириддин Мұхаммад Бобур. «Бобурнома» Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент, 2002. – Б.335.

10. Заҳириддин Мұхаммад Бобур. «Бобурнома» Нашрга тайёрловчи В.Раҳмонов. – Тошкент, 2008. – Б.288.

11. Gazi Zahirüddin Muhammed Babür, Vekayi (Babür'un Hatıratı), I-II-cilt. – Ankara, 1987 – Б.678.

12. Zahiriddin Muhammad Babur. Baburnama.

Çeviren Ramiz Askar. 2-naşr. – Bakı, 2011.

## II Илмий-методик адабиётлар

13. Аникин В.П. Мудрость народов // Пословицы и поговорки народов Востока. – М., Иностр. лит-ра, 1961. – С.56-273.
14. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати., – Тошкент, 1984. – Б. 288.
15. Болтабоев Ҳ. Ҳорижда бобуршунослик. – Тошкент, 2008. – Б. 221.
16. «Бобурнома» учун қисқача изоҳли луғат. Тузувчи: Ф.Исҳоқов. – Андижон, 2008.
17. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2005.
18. Жафаров С. Ҳозирги замон озарбайжон тили лексикаси. – Боку, 1958.
19. Жўраев Т. «Таржима санъати» мақолалар китоби. 6-китоб. –Тошкент, 1985.
20. Заҳиридин Мұхаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни // Ҳалқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент, 2012. – Б. 168
21. Заҳиридин Мұхаммад Бабур. Бабуриды. Библиография. – Москва, 2016.
22. Зоҳидов В. Бобирнинг фаолияти ва илмий-адабий мероси ҳақида. – Тошкент, 1960.
23. Иброҳимов А.«Бобурнома» – буюк асар – Тошкент, 2000.
24. Иброҳимов А. «Бобурнома»даги ҳинчча сўзлар. – Тошкент, 2002.
25. Йўлдошев Б. Фразеология тарихидан лавҳалар. – Самарқанд, 1998.
26. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991. – Б. 274.
27. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991.
28. Миртоҗиев М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2004.

29. Мусаев К.М. Бадий таржима ва нутқ маданиети. – Тошкент, 1976.
30. Мусаев К. Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода, – Тошкент, 1980. – Б.138.
31. Мусаев К. Таржима назарияси асослари. – Тошкент, 2005.
32. Назарова Х. Заҳириддин Мұхаммад Бобур асарлари учун қысқача луғат. – Тошкент, 1972. – Б.144.
33. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Тошкент, 1995. – Б.128.
34. Нурмонов А ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 2-китоб , – Тошкент, 2015. – Б. 256.
35. Отажонов Н, Ҳошимова Д. «Бобурнома» – шарқ әлчиси, –Тошкент, 2010. – Б. 235.
36. Пинхасов Я.Д. Ўзбек тили фразеологияси ҳақида. - Тошкент, 1957. – Б. 12-25.
37. Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили (лексикология ва фразеология). - Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – Б. 55-65.
38. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон ўзбек тилидаги образли феъл фразеологик бирикмаларнинг асосий грамматик хусусиятлари. – Тошкент, 1955.
39. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Ташкент, 1966.
40. Раҳматуллаев Ш. Фразеологик бирикмаларнинг асосий маъно турлари. – Тошкент, 1955.
41. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент, 1978. – Б.408.
42. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. – Тошкент, 1992.
43. Садриддинова М. З. Ўзбек мақол ва маталлари лексикаси. –Тошкент, 1985.
44. Саломов F. Мақол ва идиомалар таржимаси. – Тошкент , 1961, – Б.169.
45. Саломов F. Тил ва таржима. – Тошкент, 1966.
46. Саломов F. Таржима назариясига кириш. – Тошкент, 1978.

- 
47. Саломов Ф. Таржима назарияси асослари. – Тошкент, 1983.
  48. Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1975.
  49. Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, парадигматический и лингвокультурологический аспекты. -М., Школа «Языки русской культуры». 1996.-С. 222
  50. Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспект. -М., Школа «Языки русской культуры», 1996.- 288 с.
  51. Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент, 1988
  52. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, II том., – Тошкент, 2006.
  53. Ғайбулла ас-Салом, Н.Отажонов. Жаҳонгашта – «Бобурнома». – Тошкент, 1996.
  54. Ғафуров И. Таржимонлик мутахассислигига кириш. –Тошкент, 2008.
  55. Ҳасанов С. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. – Тошкент, 2011. – Б. 86.
  56. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – Б 168.

### **III. Журнал, вақтли матбуот ва интернет материаллари**

57. Абдуғафуров А., Ўринбоев А., Япон олимий илмий жасорати / Ўзбекистон адабиёти ва санъати . – Тошкент, 1996. 15- март.
58. Азимжонова С. Бобур – буюк тарихчи олим // Саодат. –Тошкент, 1990.
59. Азимжонова С, «Бобурнома» қандай ёзилган. // Гулистон. 1990.
60. Amanov A.T. Paremiyalarning xususiyatlari va ularni madaniy me'ros sifatida o'rganish // Ilmiy axborotnoma, – Samarqand, 2016. №4. –Б 215.
61. Баёнханова Ирода. Турли тизимдаги тил-

ларда паремияларнинг умумий жиҳатлари. Хорижий филология. №2. 2014. –Б.30.

62. Болтабоев Ҳ. «Бобурнома»нинг туркча таржимаси. // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараққиётининг айрим масалалари. – Андижон, 1993.

63. Дадабоев Ҳ. А. «Бобурнома»даги баъзи бир терминларга доир мулоҳазалар // Адабий мерос. – Тошкент, 1988. -№ 1 (43-сон). – Б. 38-43.

64. Дониёров Р. Бадиий таржимада миллий хусусиятларни акс эттириш масаласига доир// Ўзбек тили ва адабиёти, 1962, 5-сон.

65. Жўраева Б. Мақол-матал типидаги паремиялар //Ўзбек тили ва адабиёти, № 5. –Тошкент, 2005.

66. Зоҳидов В. Бобурнинг фаолияти ва адабий илмий мероси ҳақида / Шарқ юлдузи, – Тошкент, 1958, № 11.

67. Иброҳимов А. «Бобур девонидаги лексемалар». // Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни (Халқаро илмий-анжуман материаллари). – Тошкент, 2008.

68. Йўлдошев Б. Фразеологизмларнинг адабий тил нормасига муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1992. № 3-4. – Б. 37-42;

69. Комилов Н. «Бобурнома» таржималари. «Гулистон» //1977-йил. № 3.

70. Мадраимов А. «Бобурнома»нинг форс тилидаги қўллэзмалари. «Ўзбек тили ва адабиёти» //1974 йил. № 1. – Б.62.

71. Олимов М. «Бобурнома»да қўлланилган фразеологик иборалар. –Тошкент , Узбек тили ва адабиёти, 2002, №6, – Б.25-28.

72. Отажонов Н. Мукаммал нашр йўлида // Шарқ юлдузи, 1990, №10.

73. Раҳимов Ҳ. «Бобурнома»нинг олмонча таржималарига бир назар» // «Бобур ва дунё». – Тошкент, 2019, №1. – Б.15.

74. Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологик бирликларда мавжудлик категорияси. //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1963. №4. – Б. 36.

75. Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъносини компонент таҳдилнинг баъзи натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. №3. – Б. 19-20;
76. Раҳмонов В. Бобуршунослик: ютуқ ва муаммолар / Хуррият, 21-август, – Тошкент, 2008.
77. Сафарова X. «Тарихи Рашидий»да Бобур инсоний фазилатларининг таърифи. Филология масалалари, №7. –Тошкент, 2013, – Б.288.
78. Умархўжаев М. Таржима дунёси ва унинг фалсафаси. //Сўз санъати, – Тошкент, 2018, 20.02. – Б.28-32.
79. Шиммел А. «Бобуршоҳ ва оиласиистеъодод ҳақида» (Инглизчадан Н.Отажонов таржимаси) / Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 1996, №3, – Б.13.
80. Холбеков М. Французча «Бобурнома»лар / Жаҳон адабиёти – Тошкент, 2010 №4.
81. Холманова З. «Бобурнома»даги эвфимизмларнинг функционал-семантик хусусиятлари // Ўзбек тили ва таълими, – Тошкент, 2007, №6.
82. Ҳўжаев F. «Бобирнома»нинг немисча икки таржимаси //Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. № 6. –Б. 49.
83. Эжи Мано. «Бобур асарлари тўпламиининг Техрон нусхаси» / Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни (Халқаро илмий анжуман материаллари). – Тошкент, 2008, – Б.9.
84. Кудратуллаев X. «Бобурнома» янги нашр // ЎзАС. – Тошкент, 2003, 17-январь.
85. Ҳошимова Д. «Бобурнома» нашрларининг матний-қиёсий таҳдили // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2006, № 4.

#### **IV. Диссертация ва авторефератлар**

91. Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида). Филол.фан.ном. дисс. автореферати, – Тошкент, 2006.

92. Азимджанава С. Ферганский удел Ома-

*Дилафрўз Мұхаммадиева*

---

ра-Шайха и Бобура (в XV и начале XVI вв.): Дисс. кон... ист. Наука . – Тошкент, 1949.

93. Азимджанава С. Государство Бабура и Кабуле и в Индии, Дисс. к.ф.д. –Ташкент, 1969.

94. Алмаматова Ш.Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили. Филол.фан.ном. ... дисс.авто-реф. – Тошкент, 2008. Б.17.

95. Аркитская Л.С. Сложные и составные глаголы в кумыкском языке. Автореферат кан.дисс.. – Москва, 1990. – С. 18-19.

96. Аширбаев С. Структурно-семантические особенности простого предложения в прозаических произведениях Алишера Навои. Автореф. дисс. ...д-ра филол. наук. –Тошкент, 1990. – Б.46 .

97. Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари. Филол.фан.ном. дисс. автореферати, – Самарқанд, 2001. – Б. 14.

98. Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланиши: Филол.фанлари номзоди...автореф. – Самарқанд, 2002.

99. Жўраева Б. Мақол ва маталларнинг ўхшаш ва фарқли хусусиятлари.–Тошкент, 2004

100. Жўраева Б. Ўзбек халқ мақолларининг қисқа-ча синонимик луғати.–Тошкент, ФАН, 2006. Б.3

101. Ибрагимов А.П. «Бобурнома»даги ҳиндча сўзлар тадқиқи. Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2001.

102. Ибрагимов А.П. Бобур асарлари лексика-сининг лингвостатистик, семантич ва генетик тадқиқи («Девон», «Мубаййин», «Аруз»). Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2008.

103. Каримов Б.А. Паремийная единица в словарном ракурсе на материале толковых словарей русского и английского языков: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 2003. – 21 с.

104. Каримов Р. «Бобурнома»даги шеърлар хорикий таржималарининг қиёсий таҳлили. Фил.ф.н. ...дисс. –Тошкент, 1994.

105. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмла-

**«БОБУРНОМА» ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛарНИНГ Қиёсий тадқиқи**

рининг шаклланиши масалалари. Филол.фан.док. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – Б.56.

106. Назарова Х. Синтаксический строй языка «Бабурнаме» Захиридина Мухаммеда Бабура. Дисс. ...д-ра филол. наук. («Бобурнома» тилининг синтактик қурилиши. Докт. дисс.) – Ташкент, 1980.

107. Отажонов Н. Бадиий таржима ва илмий шарҳ. Филол. фан. ном. ..дисс. – Тошкент, 1978.

108. Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида. Филол. ф. док. ..дисс. – Тошкент, 1994.

109. Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили. (кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида) PhD автореферати. – Самарқанд, 2018. – Б.

110. Садриддинова М.З. Лексика узбекских пословиц и поговорок: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – С.20 .

111. Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики «Восточно-турецкого словаря» Паве де Куртейла и переводов «Бабурнаме». Дисс.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1997.

112. Собиров М. «Бобурнома»нинг инглизча таржималарида муаллиф услуги ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари (Лейден-Эрскин, Бевериж ва Текстон таржималарининг қиёсий таҳлили асосида). Фил.фан. н. ..дисс. – Тошкент, 2002.

113. Тешабоева З. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридағи фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий маданий хусусиятлари. Фал. фан. филол. док. .. дисс. – Тошкент, 2017.

114. Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши. Филология фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2017.

115. Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. Филол.фан.ном. дисс. автореферати, – Тошкент, 1998.

*Дилафрўз Мұхаммадиева*

---

116. Холманова З.Т. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи (Автореферат). – Тошкент, 2009.
117. Холмонова З.Т. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи. Филол. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2009.
118. Ходжаев Г. Воссоздание художественно-стилистического своеобразия произведений узбекской литературы в переводе на немецкий язык. Автореф. дисс ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985.
119. Ходжаева Л. Проблемы перевода: характер, стиль и интерпретация текста «Бабурнаме». Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Андижан, 1985.
120. Шамсиддинов Х. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. Филол.фан. док. дисс.автореферати. – Тошкент, 1999.
121. Шукуруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия «Бабурнаме» в его английских переводах (Дж. Лейдена-У. Эрскина и А. Беверидж). Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1989.
122. Эргашева Г. Инглиз ва ўзбек тилларининг фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи. Филол. Фан. Ном. ...дисс. – Тошкент ,2011, – Б.150.
123. Кудратуллаев Ҳ. «Бобурнома»нинг тарихий адабий ва услубий таҳлили (Навоий, Бобур, Ҳондамир, ва Восифий насрининг қиёсий таҳлили). Фил. ф.д. ..дисс. – Тошкент, 1998.
124. Ҳайитов Ш. «Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши (ўзбекча-туркча манбалар қиёсий таҳлили). Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2018. – Б .73.
125. Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бириқувчанлиги. Филол.фан.ном. дисс.автореферати, – Тошкент, 1994.
126. Ҳошимова Д. «Бобурнома» асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари (ўзбек, инглиз ҳамда «Бобурнома» танқидий матнининг япон нашрлари мисолида). Филол. фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 2006.
127. Ҳошимова Д. «Бобурнома» матнидаги та-

свирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Фил. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2018.

### V Хорижий тиллардаги манбалар

128. Aksan, D. Türkçenin Sözvarlığı. – Ankara, 1996. S.171.
129. AKSOY Ömer Asım. Atasözleri ve Deyimler Sözlüğü. – İstanbul TDK.
130. Akun Ömar Faruk. Babür'ün Sanatkâr ve Fikir Adımı Yönü. TDV İslâm Ansiklopedisi, 1991.
131. Bayur Yusuf Hikmet. Hindistan Tarihi, 1-2. cilt, TTK. Yay. – Ankara, 1987.
132. Баскаков Н.А. Предложение и словосочетание в тюркских языках // Вопросы составления описательных грамматик. – Москва, 1961. – С. 71.
133. Благова Г.Ф. К истории изучения «Бабур-наме» в России. Тюркологический сб. к. шестидесятилетию А.Н.Кононова. М., Наука, 1966.
134. Благова Г.Ф. Характеристика грамматического строя (морфология староузбекского литературного языка конца XV века по «Бабурнаме»). Дисс. ... канд.филол.наук. – М., 1954;
135. Благова Г.Ф. «Бабурнаме» язык, pragmatika teksta, stil. – М., 1994. – 404 с.
136. Bılkan Ali Fuat. Hindistan'da Gelişen Türk Edebiyatı, Kültür Bak. Yay, – Ankara, 1998.
137. Bılkan Ali Fuad. Babür divanı ve «Babürname»de Hindistan hayatı/ Bılıg. 2002. –Б. 97-116.
138. Gülbeden, Hümayunnâme (Нашрға тайёрловчи A.Yelgar) – Ankara, 1987.
139. Даль В. Пословицы русского народа. Изд.4. – Москва, 1957.
140. Джусупов М., Алибекова К., Мажитаева Ш. Специальная лексика и пословицы (лингвоконтрастивные и методические аспекты). – Тошкент, 2013.
141. Казымбек М.А. Общая грамматика турецко-татарского языка. Выпуск II. – Казань, 1846.
142. Korkmaz, Zeynep, Türkiye Türkçesi Grameri – Şekil Bilgisi, TDK Yayınları, Ankara, 2007.

143. Mehmet Turgut Berbercan, «Türk Dili ve Kültürü Açısından Babürname'de Avcılık». AÜ, Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü Dergisi, C. 42, s. 11-32, - Erzurum, 2010.
144. Mehmet Turgut Berbercan. Babür'ün Hatıratında Geçen Hayvan Adları ve bunların Türk Dili Açısından Değerlendirilmesi, İÜ Sosyal Bil. Enst. Türk Dili ve Edebiyatı Anabilim Dalı, Yüksek Lisans tezi, - İstanbul, 2008.
145. Mesut Şen, «Babürname» (Кабул ва Ҳинди-стон бўлимлари матни хусусиятларига бағишиланган илмий тадқиқот) – İstanbul, 1993.
146. Köprülü Fuad. «Babür». Islam Ansiklopediyasi, II cild -İstanbul, 1961.
147. Пермяков Г.Л. «Основы структурной паремиологии». – Москва. Наука, 1988.
148. Пермяков Г. Л. Грамматика пословичной мудрости. Пословицы и поговорки народов востока. – Москва, 1979. – С.7-68.
149. Пермяков Г.Л. Пословицы и поговорки народов Востока. Москва, 1979, - С.19.
150. Пермяков Г.Л. От поговорки до сказки (Заметки по общей теории клише), Москва, 1970, - С.8.
151. Suleymanova G. Oğuz grubu türk lehçelerinde organ isimleri ile yapılan deyimler (rusça ve ingilizce ile karşılaşmalı çözümlenmesi), – Mayıs, 2018.
152. ŞAHİN Hatice, Özbek Türkçesi ve Türkiye Türkçesindeki Atasözleri Üzerinde bir Karşılaştırma Denemesi. – İstanbul, 2006
153. Хусайн Байдемир «Бобурнома»да фольклоризм ва этнографик унсурлар», – Анқара, 2010.
154. Yurdakük M. «Babürşah eserleridı tıbbiyatga ait bilgiler» Çocuk sağlığı dergisi, C.50, 73-77. – İstanbul, 2010.
155. ÇOBANOĞLU, Özkul (Türk Dünyası Ortak Atasözleri Sözlüğü. İstanbul, 2004.
156. Çorbacı E., Babürname'de sıfatlar, Yüksek lisans tezi, – Aydın, 2012

«БОБУРНОМА» ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛарнинг қиёсий тадқиқи

157. <http://baburname.narod.ru/nravy.htm>

158. <http://images.yandex.ru/yandex>

159. [www.buyukkitap](http://www.buyukkitap)

160. <http://afuat.etu.edu.tr>

161. [www.literature.uz](http://www.literature.uz).

**МУҲАММАДИЕВА ДИЛАФРЎЗ  
АХТАМОВНА**

**«БОБУРНОМА»  
ТУРКЧА ТАРЖИМАСИДАГИ  
ПАРЕМИЯЛарНИНГ Қиёсий  
ТАДҚИҚИ**

Мухаррир Салохиддин ИСОМИДДИНОВ  
Дизайнер Баҳтиёр ТЕМИРОВ  
Техник мұхаррир Баҳтиёр ТЕМИРОВ  
Мусаҳҳих Нилуфар ИСОМИДДИНОВА

Нашриёт лицензияси. АА № 006 27.03.2019 й.  
Теришга 11.12.2021 йилда рұхсат этилди.  
Босишга 20.01.2021 йилда рұхсат этилди.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Ҳажми 10,0 б.т. Адади 100.  
Буюртма № 87.  
Баҳоси келишилган нархда.

“TAFAKKUR ЧАМАНЗОРИ” нашриёти.  
Индекс 180700.

“ADAD PLYUS” МЧЖ босмахонаси.  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,  
Бунёдкор кўчаси, 28-уй.



Дилафрўз Мұхаммадиева 1984 йил Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилган. Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат лицейида таҳсил олган. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг бакалавр (2005), магистратура (2007) босқичларини ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида таянч докторантурани (2020) тамомлаган. 2021 йилда “Бобурнома” туркча таржимасида паремияларнинг қиёсий тадқики” мавзууда докторлик диссертациясини муваффакиятли химоя қилиб, филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олган.

Д.Мұхаммадиеванинг бобуршуносликка доир катор илмий-публицистик мақолалари республикамизнинг турли газета ва журналларида, шунингдек, Туркия, Россия, АҚШ, Германия, Қозогистон, Озарбайжон каби мамлакатлар матбуот саҳифаларида эълон килинган. Кўплаб республика ва ҳалқаро илмий анжуманларда ўз маърузалари билан фаол иштирок этган.

Д.Мұхаммадиева хозирда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Тил назарияси кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.